

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ КАФЕДРАСИ

ИЖТИМОЙ ВА ОИЛА ПСИХОЛОГИЯСИ

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

(Мактабгача таълим йўналиши 3-курс талабалари учун)



Термиз - 2015

АННОТАЦИЯ

Ижтимоий ва оила психологияси замонга хос тарзда янги билимлар билан жадал ривожланиб бораётган, жамият тараққиёти ва маънавий барқарорлик учун керак бўлган илмий фаннинг амалий соҳасидир. Педагогика таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг ўз фаолиятларида оилавий ҳаёт ва ундаги мураккаб ўзаро муносабатларнинг қонуниятлари, механизмлари ва оилага психологик хизмат кўрсатиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир. Зеро, оила психологияси фан тармоғи сифатида бўлғуси педагоглар томонидан ўзлаштирилиши уларнинг профессионал маҳоратларини ўстириш, мустақил оилавий ҳаётга тайёр бўлишлари ва фуқаролик жамиятининг ёшларини оилани муқаддас билишга ўргатиш орқали уларни маънавий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга ёрдам беради.

Ушбу маърузалар матни Мактабгача таълим бакалаврият таълим йўналиши талабалари учун тузилган бўлиб, талабаларга психология фани ҳақида умумий маълумотлар ва билимлар бериш учун мўлжалланган.

**Ушбу маърузалар матни кафедра йиғилишининг 2015 йил
28 августдаги 1-сонида тасдиқланган**

Кафедра мудири: М. Холмуродов

Такризчи: доц. М.О.Норбошева

Тузувчи: ўқит. М.О. Норбошева

Ижтимоий психология

1-Мавзу: Илмий билимлар тизимида ижтимоий психологиянинг тутган ўрни

Жамият-бу инсонлар мажмуидир. Унинг тараққиёти ва маънавий салоҳияти кўп жihatдан ана шу инсонлар ўртасида юзага келадиган ўзаро муносабатларнинг табиатига, улар амалга оширадиган мураккаб ижтимоий ҳамкорлик фаолиятининг мазмунига боғлиқ. Ҳар бир инсон жамиятда яшар экан, унда ўзига хос ўрин ва мустақил мавқе эгаллашга интилади, бинобарин, у ўзига хос интилиш, лаёқат ва фаоллик намуналарини намойиш қилади. Инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ҳамда ҳар бир шахснинг жамиятдаги ўрни ва унинг турлича ижтимоий муносабатлари табиатини ўрганувчи қатор ижтимоий психология алоҳида ўрин эгаллайди.

Ижтимоий психология жуда қадимий ва шунинг билан бирга у ўта навқирон фандир. Унинг қадимийлиги, инсоният тарихи, маданияти ва маънавиятининг қадимий илдизлари билан белгиланади. Улар аслини олиб қараганда, у ёки бу жамиятда яшаган кишилар ўртасидаги ижтимоий муносабатларнинг ва тафаккурнинг ҳосиласи эканлиги билан эътироф этилса, у-ўз услубиёти, предмети ва фанлар тизимида тутган ўрнининг янгилиги инсоният тараққиётининг энг янги даврида шаклланганлиги ва ривожига тўғри қараш билан тавсифланади. Дарҳақиқат, ижтимоий психологиянинг фан сифатида тан олинishi хусусида сўз борар экан, унинг расман эътироф этилиши 1908 йилда дейилади. Чунки айнан шу йили инглиз олими В. Макдаугалл ўзининг «Ижтимоий психологияга кириш» китобини, америкалик социолог Э.Росс эса «Ижтимоий психологияга кириш» китобини америкалик социолог Э.Росс эса «Ижтимоий психология» деб номланган китобини чоп эттирган эди. Бу асарларда биринчи марта алоҳида фан-ижтимоий психологиянинг мавжудлиги тан олинди ва унинг предмети таъриф берилди. Иккала муаллиф фан- бири психолог, иккинчиси социолог бўлишига қарамай, бу фаннинг асосий предмети, ижтимоий тараққиёти ҳамда психик тараққиёти қонуниятларини уйғунликда ўрганишдир, деган умумий хулосага келишган.

Рус олими Г.М.Андреева таъкидлаганидек, ижтимоий психология соҳасида ишлаётган мутахассиснинг аслида ким эканлиги-психологми, файласуфми ёки социологми,- унинг ушбу фан предметига ёндошувида ўз аксини топади, чунки агар у социолог бўлса, ижтимоий қонуниятларни аввал бошдан жамиятдаги анъаналар ва умумий қоидалар тилида тушунтиришга интилса, психолог-конкрет олинган шахс психологиясининг қонуниятларини умумжамят қонун-қоидаларига татбиқ этишга ҳаракат қилади. Нима бўлганда ҳам, шуни асосли тарзда эътироф этиш зарурки, ижтимоий психологиянинг алоҳида фан бўлиб ажралиб чиқишига сабаб бўлган илмий манбалар икки фан-психология ва социология фанларининг эришган ютуқлари ва ҳар қайсисининг доирасида маълум муаммоларнинг ечилиши учун яна қўшимча алоҳида фаннинг бўлиши лозимлигини тан олиш туфайли юзага келди.

Ижтимоий психологиянинг мавзу баҳсини таърифлашга айнан психологик ёндошув А.В.Петровский ва В.В.Шпалинскийларнинг «Жамоанинг ижтимоий психологияси» китобларида баён этилган. Бу муаллифларнинг фикрича «Ижтимоий психология психология фанининг шундай тармоғи, у турли уюшган ва ушмаган гуруҳлардаги одамларнинг мулоқоти, ўзаро таъсир ва муносабатларидан келиб чиқадиган психик ҳодисаларни ўрганади».

Шунинг учун ҳам Г.М. Андреева ижтимоий психологиянинг мавзу баҳси ҳақидаги ҳозирги замон қарашларини умумлаштириб бу ўринда уч хил ёндошиш борлигини эътироф этади.

Биринчиси, социологик ёндошиш бўлиб, унинг тарафдорларини фикрича, ижтимоий психология асосан оммавий психологик жараёнларни- халқлар психологияси, оммавий маросимлар, удумлар, расм-русумларнинг инсон онгига сингиши, ижтимоий ҳуқуқ-атворда намоён бўлишини ўрганиш керак.

Иккинчи, психологик ёндошув тарафдорлари асосан психологлар бўлиб, улар асосий диққатни шахснинг ижтимоий психологик ҳислатларига, унинг турли гуруҳларда тутган ўрни, мавқеи, ижтимоий установкалар ва ҳақозоларга қаратмоқ лозим деб ҳисоблайдилар. Шу билан биргаликда ҳозирда ҳам социологик, ҳам психологик

қарашларни биргалиқда мужассамлаштирган олимлар ҳам борки, улар ҳам оммавий жараёнларни, ҳам шахснинг шу жараёнлардаги хулқ-атворлари мотивларини ўрганишни ёқлаб тадқиқотлар ўтказмоқдалар.

Америка ижтимоий психологиясида ҳам ижтимоий психологиянинг мавзу баҳси борасида узоқ тортишувлар мавжуд бўлган. Чунки, шу пайтгача шахс ва жамият муаммолари соҳасида икки хил ёндошув бўлиб келган эди: психология инсон табиатини, унинг психикасини, социология эса, жамият табиати, психикасини ўрганиб келди. Ижтимоий психология пайдо бўлибдики, у инсоннинг жамиятга муносабатининг психологик томонларини ўрганмоқда. Демак, ҳар бир шахснинг жамиятда яшаши, унинг ижтимоий нормаларга риоя қилган ҳолда ўзига ўхшаш шахслар билан ўрнатадиган мураккаб ўзаро муносабатлари ва уларнинг таъсирида ҳосил бўладиган ҳодисаларнинг психологик табиатини ва қонуниятларини тушунтириб бериш-ижтимоий психологиянинг асосий вазифасидир. Бундан келиб чиқадиган умумий таърифларга биноан, ижтимоий психология ижтимоий мулоқотнинг мураккаб шакл ва механизмларини ўрганувчи фандир.

Умумий ҳолда ҳозирги кунда унинг предметини қуйидагича таърифлаш мумкин. Ижтимоий психология одамларнинг жамиятда ҳамкорликда иш фаолиятлари жараёни давомида уларда ҳосил бўладиган тасаввурлар, фикрлар, эътиқодлар, ғоялар, ҳис-туйғулар, кечинмалар турли хулқ-атвор шакллариини тушунтириб берувчи фан.

Ижтимоий психология фанининг вазифалари. Ижтимоий психология ва умуман ижтимоий фаолият билан шуғулланувчи фанларнинг асосий вазифаси-баркамол авлод тарбиясини таъминловчи барча маънавий, руҳий ва инсоний муносабатлар моҳиятини таҳлил қилиш, уларни бошқаришнинг энг самарали усуллариини ҳаётга татбиқ этишдир. Бу ўринда айниқса ижтимоий тафаккурнинг, янгича дунёқараш ва муносабатларнинг шаклланишини, инсоннинг ўзига ва ўзгаларга таъсир этишининг механизмларини ўрганиш энг долзарб масалалардандир.

Хуш, бугунги кунда ижтимоий психология фан сифатида ўз баҳс-мавзусини ўз предметини қайси объектларга қаратмоқда ва бундан келиб чиқиб бу фан олдида қандай вазифалар мавжуд?

Биринчидан, унинг асосий йўнлаиши кичик гуруҳлар ва жамоалар психологиясини ўрганишдан иборатдир. Ҳар бир шахс ҳамиша маълум ижтимоий гуруҳлар доирасида фаолият кўрсатади. Бу унинг оиласи, меҳнат жамоаси, кўча-кўйдаги норасмий гуруҳдаги дўстлари давраси, ўқув жамоаси ва ҳақозолардир. Шахснинг яққа ва турли гуруҳлар доирасида ўзини тутиши, хулқ-атвори, мавқеи, унга ўзига хос гуруҳий таъсирлар, гуруҳдаги шахслараро мослик, лидерлик, гуруҳий тазйиққа берилувчанлик каби қатор ҳодисалар аслида ўша гуруҳларни бошқариш, ўзаро муносабатлар шароитини яратиш-бу одамларни самарали ўзаро мулоқотга ўргатишнинг заруриятидир.

Иккинчидан, шахснинг ижтимоий психологик қиёфаси масаласи ҳам бугунги кундаги ўзгаришлар ва маънавий жиҳатдан покланиш даврида ўта муҳим соҳадир. Шахсни ижтимоий психологик ўргнаиш тадқиқотларининг объекти сифатида қаралганда, аввало унинг хулқ-атвори, ижтимоий мотивлари, унинг йўналишлари, хулқ-атвор нормалари, шахснинг жамиятда турли ижтимоий роллари, мавқеи, ижтимоий қўшилиш омиллари-ижтимоийлашуви; шахснинг ўз-ўзига баҳоси, муносабати, ҳурмати ҳамда ижтимоий, тарихий ва маданий шарт-шароитларнинг шахс онгига таъсири шахс онгига таъсири, шахс типлари ўрганилади.

Учинчидан, жамият миқёсида рўй берадиган оммавий ҳодисалар ижтимоий психология учун тадбиқий аҳамиятга эга. Ижтимоий психологияда оммавий ҳодисалар деганда турли кишилар гуруҳида шахслараро муносабатлар ва ўзаро таъсир жараёнлари; миллий этнопсихология ҳамда синфлар психологияси муаммолари; миллий маданият, урф-одатлар, анъаналар, удумлар, ақидаларнинг шахс шаклланишидаги роли; оломон психологиясига оид психологик қонуниятлар; турли гуруҳларда одамларнинг бир-бирини идрок қилишлари ва тушунишлари, ўзаро таъсир масалалари тушунилади.

Чунки алоҳида шахс тарбиясида оммавий ҳодисаларнинг, катта гуруҳларнинг таъсирини инкор этиш-масалага бир ёқлама ёндашиш билан баробардир. Масалан, шахс учун мансуб бўлган миллат, элат ёки халқнинг руҳияти, унинг онгидаги асрлар давомида

сақланиб келаётган анъналар, расм-русумлар, ақидалар, удумлар, фаолият стереотиплари кабилар ўз муайян таъсир кучига эга.

Тўртинчидан, оила-ижтимоий психологиянинг ўрганиш объекти сифатида. Бу ерда оилага хос психологик жараёнлар, оила аъхоларининг бир-бирларига муносабатлари, никоҳдаги ўзаро мослик масалалари, оилавий можароларнинг психологик омиллари, оилада бола тарбиясининг ижтимоий психологик методлари ўрганилади.

Ажратилган вазифалардан яна бири шуки, ҳозирги даврда ижтимоий психология ўзи билан бевосита алоқадор бўлган бошқа психология тармоқлари билан ҳамкорликда кескин ўзгаришлар даврида ҳар бир инсон онгида нима содир бўлади, у бу ўзгаришларни қандай идрок қилмоқда, унинг ҳаётий мавқеини қандай қилиб, мақсадга мувофиқ тарзда фаоллаштириш мумкин, деган саволларга илмий асосланган жавоб топиб беришдир.

Бошқарув психологияси, саъноат ва ишлаб чиқариш психологияси ҳам шундай гуруҳий жараёнларнинг қонун ва қоидаларини тадқиқ этиш туфайли ажралиб чиққан тадбикий соҳалардир.

Ижтимоий психология ўрганадиган энг асосий ва юқорида таъкидлаб ўтилган муаммоларни ўз ичига олган масалалардан бири-бу муомаладир. Психолог олимларнинг фикрича, бугунги кунда ижтимоий психологиянинг предмети ҳам ва унинг доирасида ўтказиладиган барча тадқиқотларнинг умумий объекти ҳам муомаладир. Унинг инсон ҳаётида тутган ўрнини аниқлаш турли ижтимоий фаолиятлар шароитида самара берадиган муомала турлари ва услубларини ёрити, унинг соф психологик механизмларини тадқиқ этиш, фаннинг энг муҳим тадбикий йўналишларидандир. Шунинг учун ҳам бир конкрет шароитда шахслараро мулоқот самарадорлигини ошириш омилларини ўрганиш ҳозирги ижтимоий психологиядаги муҳим муаммолардандир.

2-Мавзу: Ижтимоий психология фанининг шаклланиш тарихи. Ижтимоий психологик тадқиқотнинг методологик муаммолари

Ижтимоий психологиянинг фан сифатида шаклланиши. Ижтимоий психологиянинг фан сифатида ивожланиш тарихига назар ташлар эканмиз, унинг жамиятнинг тарихий ривожланиши билан боғлиқ ҳолда ривожланганлигининг, илмий жиҳатдан эса, фалсафий қарашлар таъсирида бўлиб, соф ижтимоий психологик назарияларнинг жуда оз сонли бўлганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Инсоният тарихини ўрганар эканмиз мутафаккирлар, олимлар, алломалар ижтимоий психологик ҳодисалар билан жуда қизиққанликларини кузатамиз. Лекин улар бу ҳодисаларни ўз даври руҳида, ўз назарий ва ижтимоий қарашлари, ҳаттоки, турли оқимлар доирасида тушунтиришга урингналар. Шунинг учун ҳам ижтимоий психологиянинг фан сифатидаги тараққиётини ўрганиш учун ижтимоий психологик муаммолар ёритилган асар ёки кашфиётчининг яшаган даври, унинг сиёсий қарашлари, жамиятнинг тараққиёт хусусиятларини ҳам ўрганиш лозим. Илмий манбалар ижтимоий психологиянинг давлат ва ҳуқуқ назарияси, сиёсий иқтисод, этика, фалсафа фанларининг ривожланиши билан узвий боғлиқлигини кўрсатади. Айниқса, фан тараққиётига фалсафа фани ўзининг сезиларли улушини қўшган. Ушнинг учун ҳам Америкалик олим Г.Оллпорт ижтимоий психологик ғояларнинг яратилиши ва ривожланиши фалсафа билан, унинг кўзга кўринган арбобларидан ҳисобланган. Платон номи билан боғлиқ деб ёзган эди.

Платон ўзининг «Давлат» ва «Қонунлар» деб аталган диалогларида шахснинг жамият билан алоқалари масаласига тўхталиб, жамият индивидга нисбатан ўзгармас бир бирлики, унинг тараққиёти жамият ривожланиши қонунларига бўйсунди, деган фикрни ҳимоя қилган. Унга қарама-қарши фикрни Аристотель баён этиб, индивидни барча ижтимоий ўзгаришларнинг сабабчиси, чунки унда бунга имкон берувчи психологик тизимлар бор, деб ёзади. Яъни, шахс ва жамият ўртасидаги муносабат масаласи. Платонда жамият фойдасига ҳал бўлса, Аристотелда бу нарса шахс фойдасига ечилган. Улардан кейинги-янги давр файласуфлари-Гоббс, Гельвеция, Локк, Руссо, Гегель, Макиавелли, шарқ файласуфларидан Беруний, Фаробийлар ҳам барча асарларида шахс ва жамият қарама-қаршиликларини илмий

асосда шарҳлашга уриндилар, лекин ҳеч қайсиси бу муаммони ижтимоий психологик муаммо даражасига кўтара олмади.

XIX асрнинг ўрталарига келиб, капиталистик муносабатларнинг кескинлашуви, турли давлатлар билан иқтисодий алоқаларнинг тобора ўсиб бориши, турли халқларнинг бир мамлакатдан иккинчисига кўчиши-миграция муносабати билан қатор ижтимоий фанлар ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар пайдо бўлди.

Шу ўринда ижтимоий психологиянинг илмий манбаларидан бири бўлган социология фанининг хизматини кўрсатмай бўлмайди. Социологиянинг асосчилари ҳисобланган Огюст Конт, Герберт Спенсер ва бошқалар, масалан, жамиятдаги ижтимоий ҳодисаларни ўрганиш учун албатта, ўзига хос айрим психологик ҳолатларни ўрганиш учун албатта, ўзига хос, айрим психологик ҳолатларни ўрганмоқ лозим, деган фикрни қатъий туриб исбот қилдилар. Улар ҳар бир ижтимоий воқеада руҳий ҳодисалар борлигини исбот қилишга уриндилар. Масалан француз соуиологи Г.Тард ҳар бир индивидда «ижтимоий факт» борлигини, бу нарса унинг мия доирасидагина эмас, балки бир қанча миялар алоқаси туфайли мавжуддир, деб ҳисоблайди. Ижтимоий ҳуқ-атвор модели, унинг фикрича, доимо индивидлараро муносабатни ўз ичига олиб, бунда бир индивид бошқа индивидга доимо тақлид қилади, шунинг учун ҳам шахсни ўрганиш бошқа шахсларни инкор қилмаслигини талаб қилади. Шундай қилиб, социологияда психологик йўналиш пайдо бўлди. Тарддан кейин Л.Уорд, Ф. Гиддингс ва бошқалар ижтимоийлик қонунларини жамоа руҳий ҳолати билан узвий равишда ўргана бошладилар. Уларнинг фикрича, ижтимоий факт-бу ижтимоий ақл, тафаккур бўлиб, у «жамият психологияси» ёки социологиянинг баҳс мавзусидир.

Шундай қилиб, юқорида қайд қилинган илмий-фалсафий, ижтимоий психологик ғоялар шакланиб борди. Бу қарашлар соф психологияга ҳам ўхшамаган, социология доирасидан чиқиб кетадиган алоҳида фаннинг-ижтимоий психологиянинг пайдо бўлиши учун замин ролини ўтади.

XX аср шу билан характерли эдики, у турли фанлар олдига конкрет топшириқлар қўя бошлади. Шунинг учун психология фани олдига тадқиқотлар асосида психологик қонуниятларни асослаш вазифаси турар эди. Иккинчидан эса, Америкада кўпгина психологлар ўз тадқиқот объектларини лабораторияларда айрим психологлар ўз тадқиқот объектларини лабораторияларда айрим психик жараёнларни ўрганишдан кичик гуруҳларга кўчира бошладилар. Бу даврда психологияда шаклланиб бўлган уч асосий оқим (психоанализ, бихевиоризм ва гештальт психология) ичида ҳам ижтимоий ҳуқ-атворни кичик гуруҳлар доирасида ўрганиш тенденцияси пайдо бўлди. Бунда асосий диққат кичик гуруҳларга ва уларда турлича экспериментлар ўтказишга қаратилган эди. Бундай ҳолатнинг пайдо бўлганлиги ижтимоий психологиянинг фан сифатида шаклланишида ниҳоятда катта роль ўйнайди.

1. Гештальд психология йўналиши негизида махсус ижтимоий психологик йўналишларнинг-интеракционизм ва когнитизмнинг пайдо бўлиганлиги эса бу фаннинг экспериментал эканлиги яна бир бор исбот қилди.

2. Бихевиоризм йўналишлари доирасида ўтказилган ижтимоий психологик тадқиқотлар аввало америкалик олимлар К.Халл ва В.Скннерлар номи билан боғлиқ. Улар ва уларнинг издошлари ҳисобланган диада-икки киши ўртасидаги муносабатларнинг хилма-хил экспериментал кўринишларини тадқиқ қилиб, уларда математки ўйин назарияси элементларини кузатдилар. Диада шароитида тажрибада ўтказилган тадқиқотларда асосан мустаҳкамлаш ғоясини исбот қилишга уринилди. Классик бихевиоризмдан фарқли ўлароқ ижтимоий психологик бихевиористлар хайвонлар ўрнига лабораторияга нақд пулга одамларни тақлиф эта бошладилар, шунинг учун ҳам уларнинг ғоясида биологизм ва механизм тарзида илгариги хайвонларда тўпланган далиллар моделини инсонларда қўллаш ҳолари кузатилди.

3. Психоанализ доирасида эса ижтимоий психологик тадқиқотлар Э.Фромм ва Дж.Салливен ишлари билан боғлиқ бихевиористлардан фарқли ўлароқ бу ерда экспериментлар икки киши эмас, балки кўпчилик иштирокида ўтказила бошлади. Уларнинг издошлари (В. Байон, В.Беннис, Г. Шепарде, В. Шутк) ўтказган тадқиқотлар туфайли ҳозирги кунда ҳам катта қизиқиш билан ўрганилаётган кичик Т- гуруҳлар психологияси

яратилди. Унда гуруҳ шароитида бир одамнинг бошқаларга таъсири, гуруҳнинг айрим индивидлар фикрларига таъсири каби масалалар ишлаб чиқилди ва ижтимоий психологик тренинглар ўтказишга асос солинди.

Когнитизм К.Левин назарияси асосида пайдо бўлган психологик йўналиш бўлиб, ундаги ўрганиш объекти муносабатлар тизимидаги кишилар, уларнинг билиш жараёнлар, онг тизимига тааллуқли бўлган когнитив ҳолатлар бўлди. Когнитизм доирасида шундай муаммалар, бошқаларга ўхшамас назариялар яратилдики, улар ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Масалан, Ф.Хайдернинг баланслаштирилган тизимлар назарияси, Т. Ньюкомнинг коммуникатив актлар назарияси. Фестингернинг когнитив диссонанслар назарияси ва бошқалар шулар жумласига киради. Улардаги асосий ғоя шундан иборатки, шахс ўзига ўхшаш шахслар билан мулоқотга киришар экан, доимо муносабатларда рухий мутаносиблик тенглик бўлишига, шу туфайли зиддиятлардан чиқишга ҳаракат қилади. Мақсад-турли ижтимоий шароитларда шахс ҳуқ-атворининг психологик сабабларини тушунтириш ва зиддиятларнинг олдини олиш учун йўл-йўриқлар ишлаб чиқишдан иборат. Ҳозирги даврда ҳам таниқли ижтимоий психологлар Олпорт, Маслоу, К.Роджерс ва уларнинг сафдошлари гуманистик психология доирасида бу ишларни фаол давом эттирмоқдалар.

Навбатдагир назария **интеракционизм** бўлиб, аслида социологик назария бўлиб, ҳисобланади. Унинг асосчиси Гербарт Мид бўлиб, унинг қарашлари таъсирида Т.Сарьиннинг роллар назарияси, Г.Хаймен ва Р.Мертонларнинг референт гурҳлар назарияси, Ф.Гофманнинг ижтимоий драматургия назариялари шаклланади. Улар турли ижтимоий шароитлардаги ҳуқ-атворларни тушунтириш орқали шахс ижтимоий психологик сифатларининг сабабларини топишга ҳаракат қилдилар. Ҳар бир шахс доимо ижтимоий ўзаро таъсир тизимида мавжуд бўладики, унда у тўғри ҳаракат қилиш учун унда «уммулаштирилган ўзга» образи бўлиши лозимки, бу образ шахслараро мулоқот жараёнида, ҳар бир шахс учун ибратли бўлган кишилар гуруҳи билан мулоқотда бўлиш жараёнида шаклланади. Яъни шахс фаоллиги тан олинади, бу эса фан тарихида ўта прогрессив ҳол эди.

Ижтимоий психологиянинг Россия ва собиқ иттифокда ривожланиши. Бу борада рус ижтимоий психологиясининг асосчиси деб ҳақли равишда В.М.Бехтеровни кўрсатиш мумкин. У ўзининг рефлексология назарияси доирасидан шахс ҳуқ-атворининг мотивларини тушунтиришга уринганлардан биридир. Унинг фикрича, барча онгли ва онгсиз жараёнлар ташқи ҳуқ-атворда, ҳаракатларда ифодаланди, шунинг учун ҳам ташқи ҳаракатларни, қилиқларни, нутқни, товушни ўрганиш шахснинг ўзини ва бу ҳаракатларнинг сабабларини ўрганиш мумкин. Бехтеров асосна социологияни биология билан, психологияни эса, физиология билан аралаштириб юборди, шунинг учун шахс ва жамият тараққиётининг универсал қонунларини аниқлашда чалкашликка йўлиқди.

Ижтимоий психологияни фан сифатида юртимизда ривожланиш тарихига эътибор берадиган бўлсак, шуни таъкидлаш лозимки, у охириги ўн йилликлар мобайнида шаклланимоқда, холос. Айниқса бу борада психолог олимлар М.Г.Давлетшин, В.М.Каримова, Ғ.Б.Шоумаров, Э.Ғозиев, Н.А.Согинов, Б.М.Умаров кабиларнинг бир қатор илмий-тадқиқот ишлари ва илмий мақолаларини келтириш мумкин. Лекин тарихан, умуман психологиянинг Ўзбекистон ҳудудида шаклланишини таҳлил қилинса, унинг диний-фалсафий олимлар ва қарашлар тизимида ўзига хос тарзда шаклланиб келганлигини кузатамиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда ўтказилаётган ижтимоий психологик тадқиқотлар асосан оила ва оилавий муносабатларга бағишланган. Бу борада бир қатор психологлардан В.Каримова, Ғ.Шоумаров бошчилигидаги илмий ишларни келтириш мумкин. Масалан, Ғ.Б.Шоумаров бошчилигидаги олимлар томонидан оиланинг ижтимоий-психологик вазифалари, оиладаги шахслараро муносабатлар, оила негизида юзага келадиган ҳиссий муносабатлар, оила қуриш мотивлари, оиланинг болалар тарбиясига бевосита таъсир кўрсатадиган ижтимоий-психологик омиллари каби бир қатор жиҳатлари ўрганилади.

Ўзбекистонда ижтимоий психологлар олдида жуда муҳим тадқиқот мавзулари мавжудки, уларда ҳозирги мустақиллик шароитида шахс ва турли ижтимоий гуруҳлар

психологиясида рўй бераётган ўзгаришлар, турли ёш, демографик этник профессионал гуруҳларга мансуб бўлган кишиларнинг ижтимоий тасаввурлари, улар асосида ижтимоий ҳуқ-атвори илмий бошқариш асослари ишлаб чиқилмоғи лозим яъни, ишлаб чиқариш ижтимоий психологияси, бошқариш психологияси, гуруҳлар психологияси, ҳамда оммавий психик жараёнларнинг таъсири масалалари ўзбек психологларидан ўз ечимни кутмоқдаки, уларда илғор фан ютуқларидан фойдаланилаётган ҳолда ҳудуднинг миллий ўзига хос қирралари ишлаб чиқилиши керак.

Ижтимоий психологик тадқиқотни методологик муаммолари.

Ижтимоий психология тўғрисида гапириладиган бўлса, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, аввало жамиятнинг бу фан олдида қўйётган талаблари ўзига хос бўлиб, бу талаблар жавоб бериш учун унинг текшириш услублари у даражада мукамал эмаслигидандир. Чунки шу давргача ижтимоий психологияда кузатиладиган ҳодиса шу бўлдики, бу фандаги назарий ишлар тадбиқий ишлардан анча кўпдир. Шунинг учун ҳам, Г.М.Андреева ижтимоий психологиянинг методологияси муаммоларига тўхталар экан, унинг бу борадаги интилишлари, вазиблаари кўплигини таъкидлайди. Методологик муаммоларга қизиқиш,-деб ёзади у- ижтимоий психологиянинг кучсизлиги эмас, балки унинг етилиш даврига кирганлигининг белгисидир.

«Методология» тушунчаси аслида услублар йиғиндисидан ҳам кенгроқ тушунчадир. Яъни, «методология» тушунчаси «конкрет» методлар ёки техник усуллар тушунчаларнинг кенгрокдир.

Ижтимоий психологик тадқиқотларнинг методологик муаммоларига қуйидагилар киради. **Биринчидан**, эмпирик маълумотлар муаммоси, яъни қай турдаги маълумотларни ижтимоий психологик маълумотлар сифатида қабул қилиш мумкин. Чунки бихевиористлар бундай маълумотлар сифатида кўз билан кўриб қайд қилинадиган ҳуқ-атвор шакллари қабул қилинса, когнитив психология вакиллари фақат онга таалуқли бўлган белгиларни тушунадилар. Демак, ҳар қандай тадқиқотчи иш бошламай туриб, аввало нимани эмпирик бирлик қилиб олишини аниқ тасаввур қилиши ва унинг назарий жиҳатлари тўғрисида тасаввурга эга бўлиши керак. Бундан ташқари тадқиқот бирлиги аниқланган тақдирда, қандай ҳажмдаги бирликлар тадқиқотчини қаноатлантириш масаласи ҳам муҳимдир. Шунинг учун экспериментал ва корреляцион тадқиқотлар бор.

Иккинчи методологик муаммо-бу у ёки бу ижтимоий психологик назария асосида қонуниятлар яратиш ва илмий тахминлар қилиш муаммоси. Илмий тадқиқот бошладан олдин тадқиқотчи маълум тахминлар юритади, лекин шу тахминларнинг аниқ- чиқиши ўша муаммо бўйича пишиқ-пuxта назариянинг бор-йўқлигига бевосита боғлиқ. Шунинг учун ижтимоий психологияда гипотезалар тузиш ва улар асосида керакли умумий ҳулоса чиқариш ишини билиш керакди.

Учинчи муаммо-бу ижтимоий психологик маълумотларнинг сифати масаласи, яъни қандай маълумотни сифатли, ишонарли деб аташ мумкинлиги масаласидир. Ўрганиш объектининг ҳажми ёки сони хусусида шун айтиш мумкинки, кўпинча текширилувчи қанчалик кўп бўлса, маълумот шунчалик ишончли бўлади, деган нотўғри фикр мавжуд. Агар гипотезалар тўғри илгари сурилган бўлса, у кичикроқ гуруҳда ўтказган экспериментларининг маълумоти ҳам ишониши мумкин.

Лекин тадқиқот услубини-методларини тўғри танлашда пилотаж-синов тадқиоти ўтказишнинг аҳамияти каттадир. Бунда ўша гипотезаларнинг қанчалик асосланганини ҳам, методиканинг айнан мақсадга мувофиқлигини ҳам, текширилувчилар объектининг тўғри танланганлигини ҳам, маълумотларнинг турғунлиги, ишончлилигини ҳам текшириб олиш мумкин. Бундан ташқари, шу босқичда тадқиқотчи эксперимент ёки анкета ўтқахиш учун қулай вазият ва вақтни белгилаш, ўз ёрдамчиларининг ишга қанчалик яроқлиликларини ҳам синаб олиш имкониятига эга бўлади.

Методологик ишларга қарашли тадбирларнинг сифати ва савияси тадқиқотчининг қанчалик илмий саводхон эканлигини белгиловчи кўрсаткичлар ҳисобланади ва у ўтказган илмий тадқиқот ишининг баҳосини белгилайди

Ижтимоий психологияда қўлланиладиган методлар. Аниқ изланиш предметига эга бўлган ҳар қандай фан ўша предметининг моҳиятини ёритиш ва материаллар тўплаш учун методлари деб юритилади.

Кузатиш методи. Ижтимоий психологияда ўзига хос ижтимоий шароитларда, ўзига хос вазиятларда ва маълум гуруҳларда ишлатилади. Бунда тадқиқотчи энг аввало нимани кузатаман, қандай йўл билан кузатаман, кузатув бирлиги қилиб нимани оламан, кузатувни қанча вақт мобайнида давом эттирмаан деган қатор саволларга жавоб топгандан кейингина илмий тадқиқотини бошлайди. Демак, кузатиш методи ёрдамида аниқ ишлаб чиқилган режа асосида кузатувчини қизиқтирган у ёки бу ижтимоий ҳуқ-атвор шакллари қайд этилади. Бу услуб қўлланилганда тадқиқотчи бир қанча қоидаларга риоя қилиши лозим. Чунончи, кузатиш мақсадининг аниқ бўлиши ва унинг илмий мақсадларга мос келиши; кузатиш шаклини танлаш ва кузатиш натижаларини қайд этиш усуллари ишлаб чиқиш; маълум режа-схема асосида мутассил кузатув олиб бориш; олинган натижаларнинг асослилиги ва ишончлилигини бошқа усуллар ёрдамида текшириб кўриш.

Кузатиш кузатувчи томонидан кузатиш объекти бўлиш одамлар гуруҳи билан бирга яшаб, уларга қўшилиб иш тутиб, табиий шароитларда маълумот тўпланса, бундай кузатиш турини «биргаликдаги кузатув» деб аталади. Бундай кузатишнинг классик мисолига америкалик ижтимоий психолог У.Уайтнинг ўсмирлар психологияси, улар гуруҳидаги ижтимоий психологик ҳодисаларни ўрағнишга қаратилган машҳур тадқиқотини киритиш мумкин. Бошқа золларда эса кузатувчи ўз объектини четдан кузатади, шунинг учун ҳам бундай кузатув тури «сетдан кузатув» ёки «объектив кузатиш» деб аталади. Бу усул худди умумий психологияда бўлгани каби ташқи ҳуқ-атворни қайд қилиш натижасида маълумот тўплашга асосланади. Бундай йўл билан илмий фактларни исбот қилиш қийин, лекин барибир, у ҳам ижтимоий психологияда ёрдамчи усул сифатида ишлатилади. Ижтимоий психологик тренинглар шароитида ҳар бир шахснинг ҳуқ авторини кузатиш муҳим маълумотлар тўплашга ёрдам беради, чунки бунда кузатиш табиийлиги сақлаб қолинади.

Ҳужжатларни ўрганиш методи социология фанидан кириб келган. Бу методнинг қатор афзалликлари бор. Улардан муҳимлари шундан иборатки, у фаолиятнинг маҳсулини текширишга имкон беради ҳамда тўпланган маълумотларнинг ишончлилиги, математки қайта ишлаш имкониятининг борлиги билан ажралиб туради. Материалларни маънавий жиҳатдан ҳам сифат, ҳам миқдорий анализ қилиниш усули ижтимоий психологияда контент-анализ деб аталади. Контент-анализнинг илмий моҳияти шуки, унинг ёрдамида бирор матнда маълум фикр, ғоя ёки тушунчаларнинг неча марта қайтарилиши қайд этилади, яъни маълум мазмун миқдор кўйинишига келтирилади. Бу методнинг асосчилари америкалик социологлар Х.Лассауэлл ва Б.Берельсонлар бўлиб, улар бу услуни биринчи марта иккинчи жаҳон уруши йилларида бир сиёсий газетанинг мазмуни, унинг ғоявий йўналишини аниқлаш мақсадида қўлагна эдилар.

Контент-анализ тадқиқотчидан каттагина уқувни талаб қилади, чунки бир томондан, у ёки бу матнни тушуниш маҳорати бўлиши керак, иккинчи томондан, тадқиқот сўнгида қўлган киритилган миқдорий бирликларни яна қайта сифат формасига келтириш лозим, яъни тушунтириб бериш керак.

Сўроқ методи. Сўроқ методлари ижтимоий психологик тадқиқотларда кенг қўлланилади, айниқса, анкета сўрови ва интервью методлари. Ёзма сўроқ ёки анкетанинг афзаллиги шундаки, унинг ёрдамида бир вақтнинг ўзида кўпгина одамлар фикрини ўрганиш мумкин бўлади. Унга киритилган саволлар, улардан кутиладиган жавоблар (ёпиқ анкета), ёки эркин ўз фикрини баён этиш имкониятини берувчи (очиқ анкета) сўровномалар аниқ ва раво тилда жавоб берувчилар тушуниш даражасига монанд тузилган бўлса, шубҳасиз қимматли бирламчи материаллар тўпланади.

Сўроқнинг ҳам эркин ва стандартлаштирилган шакллари мавжуд бўлиб, биринчисидан олдиндан нималар сўралиши қатъий белгилаб олинмайди, иккинчи шаклида эса, ҳаттоки, компьютерда дастури ишлаб чиқилиб, минглаб одамларда бир хил талаблар доирасида сўроқ ўтказилиши назарда тутилади.

Ижтимоий психологик тестлар. Тестлар психологиядан кириб келган усулдир, бу қисқа синови усули бўлиб, улар ёрдамида у ёки бу ижтимоий психологик ҳодиса қисқа муддат ичида бир техник усул-тестда текширилади. Тестларни қўллашнинг қулайлик томони-бир тест ёрдамида бир объектнинг у ёки бу хусусиятини бир неча марта, такрор-такрор синаб кўриш мумкин. Лекин уларни универсал деб бўлмайди, чунки у ёки бу тестни фақат қандай турдаги объектда синалган бўлса, шунга ўхшаш объектлардагина қўллаш мумкин, қолаверса, бунда олинган маълумотлар нисбий характерга эга бўлади. Лекин шундай бўлишига қарамай, тестлар, айниқса ҳозирги кунларда ҳаётимизга кенг кириб келди.

Тест сўров-олдиндан қатъий тарзда қабул қилинган саволарга бериладиган жавобларни тақозо этади. Масалан, Айзенкнинг 57 та саволдан иборат тести шахсдаги интроверсия-экстроверсияни ўлчайди, саволларга ҳа ёки йук тарзида жавоб бериш сўралади.

Тест топшириқ одам хулқи ва ҳолатини амалга оширган ишлари асосида баҳолашни назарда тутди.

Проектив тестлар. Бу усуллар тест усуллариининг бир кўриниши бўлиб, унда текширилувчига аниқ тизим ёки кўринишга эга бўлмаган, ноаниқ нарсалар тавсия этилади ва уларни шархлаш топшириғи берилади. Яъни, текширилувчига турлича талқин қилиш мумкин бўлган расмлар, тугатилмаган ҳикоялар, бирор аниқ кўринишга эга бўлмаган буюмлар, ёғочлар берилиши мумкин. Уларга қараб текширилувчи ўзининг ҳиссий дунёси, қизиқишлари, дунёқараши нуқтаи назаридан баҳо бериши мумкин.

Проектив усулларга машҳур «Роршахнинг сиёҳ доғлари» тестини киритиш мумкин. Бу доғлар икки томонлама симетрик шаклда берилган 10 хил доғлардан иборат бўлиб, ҳар бир доғ ҳар хил бўёқли фонда кўрсатилади.

Ижтимоий психологик эксперимент. Ижтимоий психологик эксперимент-бу ижтимоий ҳодисаларни ўрганиш мақсадида текширувчи билан текширилувчи ўртасидаги мақсадга қаратилган мулоқотдир. Бундай мулоқотнинг бўлиши учун экспериментатор, махсус шароит яратади ва ана шу шароитда аниқ режа асосида фактлар тўплайди.

Моделлаштириш. Методи кузатиш, сўроқ, эксперимент ёки бошқа усуллар ёрдамида ўрганилаётган ҳодисанинг туб моҳияти очилмаган шароитларда қўлланилади. Бунда ўша ҳодисанинг умумий хоссаси ёки асосий параметрлари моделлаштирилиб, ўша модель асосида тадқиқотчини қизиқтирган жиҳат ўрганилади ва хулосалар чиқарилади.

Шундай қилиб, ижтимоий психология ҳозирги кунда жуда кўп методларга эга, биз танишиб чиққан методлар уларнинг асосийлари бир қисми, ҳолос ҳар бир ҳолатда ўз тадқиқот объектининг хусусиятлари, тадқиқот мақсади ва мавзусига қараб керакли услубини танлаш мумкин. Шунинг учун ҳам методлар тўплами билан тўлиғича танишиш учун махсус адабиётларни кўриб чиқиш керак бўлади.

Мавзу юзасидан таянч сўзлар

Катта ва кичик гуруҳлар психологияси, ижтимоий психологик эксперимент, сўров, анкета, контент-анализ, кузатиш, ички кузатув, ташқи кузатув, тест, интервью

3-мавзу:Ижтимоий психологияда мулоқот муаммоси

Мулоқот ва шахслараро муносабатлар ижтимоий психологиянинг мавзусидир. **Мулоқот** одамлар амалга оширадиган фаоиятлар ичида етакчи ўринни эгаллаб, у инсондаги энг муҳим эҳтиёжни-жамиятда яшаш ва ўзини шахс деб ҳисоблаш билан боғлиқ эҳтиёжини қондиради. Шунинг учун ҳар бир инсон учун аҳамияти каттадир.

Мулоқот-одамларнинг биргаликдаги фаолиятлари эҳтиёжларидан келиб чиқадиган турли фаолликлари мобайнида бир-бирлари билан ўзаро муносабатларга киришиш жараёнидир. Яъни, ҳар бир шахснинг жамиятда бажарадиган фаолиятлари (меҳнат, ўқиш, ўйин, ижод қилиш ва бошқалар) ўзаро муносабат ва ўзаро таъсир шакллариини ўз ичига олади. Чунки ҳар қандай иш одамларнинг бир-бирлари билан тил топишишни, бир-

бирларига турли хил маълумотларни узатишни, фикрлар алмашинуви каби мураккаб маълумотларни талаб қилади. Шунинг учун ҳам ҳар бир шахснинг жамиятда тутган ўрни, ишларининг муваффақияти, обрўси унинг мулоқотга кириша олиш қобилияти билан бевосита боғлиқдир.

Бир қарашда осонгина туюлган шахслараро мулоқот аслида жуда мураккаб жараён бўлиб, унга одам ҳаёти мобайнида ўрганиб боради. Мулоқотнинг психологик жихатдан мураккаб эканлиги ҳақида Б.Ф.Паригин шундай ёзади: «Мулоқот шунчалик кўп қиррали жараёнки, унга бир вақтнинг ўзида қуйидагилар киради:

- а) индивидларнинг ўзаро таъсир жараёни;
- б) индивидлар ўртасидаги ахборот алмашинуви жараёни;
- в) бир шахснинг бошқа шахсга муносабати жараёни;
- г) бир кишининг бошқаларга таъсир кўрсташ жараёни;
- д) бир-бирларига ҳамдардлик билдириш имконияти;
- е) шахсларнинг бир-бирларини тушуниши жараёни.

Шахслараро муомаланинг шахс тараққиётидаги ўрни. Аслида ҳар бир инсоннинг ижтимоий тажрибаси, унинг инсоний қиёфаси, фазилатлари, хаттоки, нуқсонлари ҳам мулоқот жараёнларининг маҳсулидир. Жамиятдан ажралган, мулоқотда бўлиш имкониятидан маҳрум бўлган одам ўзида индивид сифатларини сақлаб қолиши мумкин, лекин у шахс бўлолмайди. Шунинг учун мулоқотнинг шахс тараққиётидаги аҳамиятини тасаввур қилиш учун унинг функцияларини таҳлил қиламиз. Ҳар қандай мулоқотнинг энг элементар функцияси-суҳбатдошларининг ўзаро бир-бирини тушунишларини таъминлашдир. Бу ўзбекларда самимий салом-алик, очик юз билан кутиб олишдан бошланади. Ўзбек ҳалқининг энг нодир ва буюк хислатларидан бири ҳам шуки, уйига биров кириб келса, албатта очик юз билан кутиб олади, кўришади, сўрашади, хол ахвол сўрайди.

Унинг иккинчи муҳим функцияси ижтимоий тажрибага асос солишдир. Одам боласи фақат одамлар даврасида ижтимоийлашади, ўзига зарур инсоний хусусиятларни шакллантиради. Одам боласининг йиртқич ҳайвонлар томонидан ўрганилиб кетилиши, сўнг маълум муддатдан кейин яна одамлар орасида пайдо бўлиши фактлари шуни кўрсатадики «мауглилар» биологик мавжудот сифатида ривожланаверади, лекин ижтимоийлашувда ортда қолиб кетади

Мулоқотнинг яна бир муҳим вазифаси у одамни у ёки бу фаолиятга ҳозирлайди, руҳлантиради. Одамлар гуруҳидан узоқлашган, улар назаридан қолган одамнинг қўли ишга ҳам бормади, борса ҳам жамиятга эмас, балки фақат ўзигагина манфаат келтирадиган ишларни қилиши мумкин. Масалан, кўплаб тадқиқотларда изоляция, яъни одамни ёлғизлатиб қўйишнинг унинг руҳиятига таъсири ўрганилган. Масалан, узоқ вақт термокамерада бўлган одамда идрок, тафаккур, хотира, ҳиссий ҳолатларнинг бузилиши қайд этилган. Лекин атайлаб эмас, тақдир тақозоси билан ёлғизликка маҳкум одамларнинг мақсадли фаолиятлар билан ўзларини банд этишлари у қадар катта салбий ўзгаришларга олиб келмаслигини ҳам олимлар ўрганишган. Лекин барибир ҳар қандай ёлғизлик ва мулоқотнинг етишмаслиги одамда мувозанатсизлик, ҳиссиётга берилувчанлик, ҳадиксираш, хавотирланиш, ўзига ишончсизлик, қайғу, ташвиш ҳисларини келтириб чиқаради. Шуниси қизиқки, ёлғизликка маҳкум бўлганлар маълум вақт ўтгач овоз чиқариб, гапира бошлашаркан. Бу аввал бирор кўрган ёки ҳис қилаётган нарсаси хусусиядаги гаплар бўлса, кейинчалик нимагадир қараб гапиравериш эҳтиёжи пайдо бўлар экан. Масалан бир М.Сифр деган олим илмий мақсадларини амалга ошириш учун 63 кун ғор ичида яшаган экан. Унинг кейинчалик ёзишича, бир неча кун ўтгач, у турган ерда бир ўргимчакни ушлаб олади ва у билан диалог бошланади. «Биз деб ёзади у шу ҳаётсиз ғор ичида танҳо тирик мавжудотлар эдик. Мен ўргимчак билан гаплаша бошладим, унинг тақдири учун қайғура бошладим»...

Шахснинг мулоқотга бўлган эҳтиёжининг тўла қондирилиши унинг иш фаолиятига ҳам таъсир кўрсатади. Одамлар, уларнинг борлиги, шу муҳитда ўзаро гаплашиш имкониятининг мавжудлиги факти кўпинча одамни ишлаш қобилиятини ҳам ошираркан, айниқса, гаплашиб ўтириб, қилинадиган ишлар, биргаликда ёнма-ён туриб бажариладиган операцияларда одамлар ўз олдига турган ҳамкасбига қараб кўпроқ, тезроқ ишлашга куч ва қўшимча ирода топади.

Мулоқотнинг шаклари ва босқичлари. Мавжуд бўлиб, дастлабки босқич-одамнинг ўз-ўзи билан мулоқотидир. Т.Шибутани «Ижтимоий психология» дарслигида: «Агар одам озгина бўлса ҳам ўзини англаса, демак, у ўзига-ўзи кўрсатмалар бера олади»-деб тўғри ёзган эди. Одамнинг ўз-ўзи билан мулоқотининг характери ва ҳажмини белгилайди. Агар одам ўз-ўзи билан мулоқот қилишни одат қилиб олиб, доимо жамиятдан ўзини четга тортиб, тортиниб юрса, демак у бошқалар билан суҳбатлашишда, тил топишишда жиддий қийинчиликларни бошдан кечиради, дейиш мумкин. Демак, бошқалар билан мулоқот-мулоқотнинг иккинчи босқичидир.

А.Н.Леоньев ўзининг «Психика тараққиётдан очерклар» китобида мулоқотнинг учинчи шакли-авлодлар ўртасидаги мулоқотнинг аҳамияти тўғрисида шундай деб ёзади: «Агар барча катта авлод ўлиб кетганида, инсоният тури йўқ бўлиб кетмасди», лекин жамиятнинг тараққиёти анча орқага сурилибгина эмас, баъли йўқолиб ҳам кетиши мумкин эди». Ҳақиқатан ҳам, авлодлараро мулоқотнинг борлиги туфайли ҳар бир жамиятнинг ўз маданияти, маданий бойликлари, қадриятлари мавжуд бўладики, бунинг аҳамиятини тушунган инсониятнинг энг илғор вакиллари уни доимо кейинги авлодлар учун сақлаб келадилар ҳамда таълим, тарбия ва кундалик мулоқот жараёнида уни авлоддан-авлодга узатадилар.

Мулоқотнинг ҳаётимздаги шакл ва кўринишларига келсак унинг ҳар бир шахснинг ҳаётий вазиятларга мос келадиган, ўша вазиятлардан келиб чиқадиган кўринишлари ва турлари ҳақида гапириш мумкин. Лекин умумий ҳолда ҳар қандай мулоқот ё расмий ёки норасмий тусда бўлади.

Мулоқотнинг тури ва шаклари турличадир. Масалан, бу фаолият бевосита «юзма-юз» бўлиши ёки у ёки бу техник воситалар (телефон, телеграф ва шунга ўхшаш) орқали амалга ошириладиган; бирор профессионал фаолият жараёнидаги амалий ёки дўстона бўлиши; субъект-субъект типли (диалогик, шериклик) ёки субъект-объектли (монологик) бўлиши мумкин.

Ҳар бир мулоқот турининг ўз қонун-қоидалари, таъсир усуллари ва йўл-йўриқлари борки, уларни билиш ҳар бир кишининг, айниқса, одамлар билан доимо мулоқотда бўладиганларнинг бурчидир.

Мулоқот жараёнининг мураккаб психологик табиатини билиш, турли шароиларда самарали муносабатл ўрнатиш малакасини ошириш учун унинг тарикбига кирувчи ҳар бир элемент ёки бўлақлар билан алоҳида танишиб чиқамиз.

4 – мавзу: Мулоқотнинг психологик тизими ва вазифалари.

Мулоқот мураккаб жаарён бўлганлиги учун ҳам айрим олинган мулоқот шаклини анализ қилганимизда, унда жуда хилма-хил кўринишлар, компонентлар ва қисмлар борлигини аниқлашимиз мумкин. Г.М.Андреева мулоқотнинг қуйидаги психологик тузилишини тақлиф этади:

1. Мулоқотнинг коммуникатив томони (яъни мулоқотга киришувчилар ўртасидаги маълумотлар алмашинуви жараёни).

2. Мулоқотнинг интерактив томони (яъни мулоқотга киришувчи томонларининг хулқ-атворларига таъсир жараёни)

3. Мулоқотнинг перцептив томони (яъни мулоқотга киришувчи томонларнинг бир-бирларини идрок этишлари ва тушунишлари билан боғлиқ мураккаб психоогик жараён)ғ

Бу структуранинг ҳар бир томонини батафсил кўриб чиқамиз. Кўпгина олимлар мулоқотнинг инсон ҳаётидаги аҳамиятига тўхталиб ўтар эканлар, унинг қатор вазифалари, функцияларини ажратадилар. Масалан, таниқли рус олим Б.Ф.Ломов унинг функцияларига қуйидагиларни киритади:

а) маълумотлар алмашинувчи функцияси

б) хулқ-атворни бошқарув функцияси;

в) ҳиссиётлар алмашинуви;

бу функциялар аслида Г.М. Андреева ажратган мулоқот қисмларига ҳам мос келади, яъни ҳар бир мулоқот жараёнида Ломов қайд этган вазифаларни топиш

мумкин. Коммуникатив, интерактив, прецептив томонлар, босқичлар, шакллар, расмий ва норасмий мулоқот.

Муомала жараёнида ўзаро таъсир механизми.

Одамлар бир-бирлари билан муомалага киришар экан, уларнинг асосий кўзлаган мақсадларидан бири-ўзаро бир-бирларига таъсир кўрсатиш, яъни фикр-ғояларига кўндириш, ҳаракатга чорлаш, установкакарни ўзлаштириш ва яхши таассурот қолдиришдир. Психологик таъсир-бу турли воситалар ёрдамида инсонларнинг фикрлари ҳиссиётлари ва ҳатти-ҳаракатларига таъсир кўрсата олишдир.

Ижтимоий психологияда психологик таъсирнинг асосан уч воситаси фарқланади.

Вербал таъсир- бу сўз ва нутқимиз орқали кўрсатадиган таъсиримиздир. Бундаги асосий воситалар сўзлардир. Маълумки, нутқ-бу сўзлашув, ўзаро муомала жаарёни бўлиб, унинг воситаси сўзлар ҳисобланади. Монологик нутқда ҳам, одам ўзидаги барча сўзлар захирасидан фойдаланиб, энг таъсирчан сўзларни топиб, шеригига таъсир кўрстаишни хоҳлайди.

Новербал таъсирнинг маъноси «нутқсиз»дир. Бунга суҳбатдошларнинг фазода бир-бирларига нисбатан туган ўринлари

Мулоқот психология фанининг энг муҳим тушунчаларидан биридир. Ижтимоий-психологияда мулоқот ўринлардан бирини эгаллайди. Мулоқот «фаолият» тушунчаси билан узвий боғланган. Мулоқот фаолият турларидан бири сифатида қаралади. Мулоқот биргаликдаги фаолиятга бўлган эҳтиёжлар туфайли туғилувчи жараёндир. А.В.Петровский таъбири билан айтганда, мулоқот биргаликдаги фаолият эҳтиёжлари натижасида вужудга келувчи, кишилар ўртасида алоқа ўрнатиш ва ривожлантиришнинг кўп қиррали жараёнидир. Бироқ, мулоқот фақат биргаликдаги фаолиятга эҳтиёж туфайли туғулувчи жараён эмас, балки у шахслааро ўзаро таъсир жараёни ҳам. Мулоқотнинг тузилишини когнитив-ахборот, бошқарувчанлик, аффектив эмпатия, ижтимоий-перцептив томонлар ташкил этади.

Ҳар қандай фаолият ҳам ижтимоий табиатга эга ва кишилар ўртасида турлича тақсимланган. Шунинг учун фаолиятни ташкил этиш учун кишилар ўртасидаги мулоқотни талаб қилади. Айнан катталар билан бўладиган мулоқотгина бола ижтимоий-тарихий тарихини ўзлаштиради. Мулоқот кишиларнинг ҳар қандай ўзаро таъсири эмас, балки шундай ўзаро таъсирки, бу жараёнда унинг ҳар бир қатнашчиси фаол бўлиб, субъект сифатида, шахс сифатида намоён бўлади. Мулоқот инсоннинг ўзига хос эҳтиёжини, бошқа заруриятлар озиқ-овқатга, иссиқликка, таъсиротлага фаолликка, хавфсизликка интилиш каби эҳтиёжлардан фарқланувчи эҳтиёжни қондиришга қаратилган. Мулоқотга эҳтиёж ўзини ва бошқа кишиларни шахс сифатида англашга, айнан бошқа кишиларга ва ўз-ўзига баҳо беришга қаратилишида ифодаланади. Шунинг учун бунда охириги психологик махсулот-бошқа кишининг ва ўзининг образи бўлиб, шу туфайли инсон фаолиятини бошқаради.

Мулоқот боланинг дунёга келиши билан дарҳол вужудга келмайди. Балки аста-секин таркиб топа бориб, бола 2 ойлик бўлганида намоён бўлади. Мулоқот нормал нерв системасига эга бўлган барча болаларда нормал тарбия шароитларида мавжуд бўлади. Гўдаклик даври мулоқот учун тайёргарлик босқичи бўлиб, бу давр давомида бола катталарни ажратишга ўрганади. Диққатни ката кишига қарата олиш таркиб топаётган мулоқотнинг белгиси бўлиб хизмат қилади. Демак, мулоқот мақсадга қаратилган тарбия асосида ривожлантирилиши зарур.

Шундай қилиб, мулоқот кишилар ўртасидаги ўзаро таъсирнинг муҳим шакли бўлиб ҳисобланади. Мулоқот бу кишилар ўртасидаги алоқа. бу алоқа натижасида бир кишининг бошқа бир кишига таъсир этиши амалга оширилади. Мулоқот ёрдамида кишилар турли хил фаолиятни ташкил этадилар, ахборот билан алмашинадилар, ўзаро бир-бирини тушунишга эришадилар.

Биргаликдаги фаолият мулоқот бўлишини талаб этади. Айнан биргаликдаги фаолиятда инсон бошқа кишилар билан ўзаро таъсирга киришади, улар билан турли-туман алоқалар ўрнатади, зарур натижага эришиш учун биргаликда ҳаракатлар қилади. Бу ерда мулоқот фаолиятининг таркибий қисми сифатида намоён бўлади. Фаолиятнинг барча турларида мулоқот уни режелештиришини амалга ошириш ва назорат қилишни

таъминлайди. Мулоқот шахснинг ривожланишида ката аҳамиятга эга. Мулоқотсиз шахснинг таркиб топиши, шаклланиши мумкин эмас. Айнан мулоқот жараёнида тажриба ўзлаштирилади, билимлар тўпланади, амалий кўникма ва малакалар шаклланади, эътиқод ва қарашларга эришилади. Фақат мулоқот жараёнларидагина маънавий эҳтиёжлар, ахлоқий, сиёсий ва эстетик ҳислар таркиб топади, характер шаклланади. Инсоний мулоқот ва ҷамиятнинг тараққиёти мураккаб жараёндир. Мулоқот имкониятлари ҷамият ривожланиши билан кенгайиб боради. Шу билан бирга маълум ҷамиятнинг тараққиёти кишилар ўртасида бўладиган мулоқот, алоқага ёки бошқа ҷамиятлар билан бўладиган муносабатларга боғлиқдир.

Мулоқотнинг мақсади ва унинг қай даражада амалга оширилишига кўра самарадорлиги ҳақида фикр билдириш мумкин.

Муомала киришувчи томонларнинг ўзаро бир-бирларини тушунишга олиб келувчи йўл ёки мааром ўз навбатида ўша шахсларнинг ўзаро бир-бирларини мавқе бўйича билишни таъминлайди. Мулоқотнинг психологик тизимидан шу нарса маълумки, унинг уч асосий қисми, яъни муомала субъектларининг ўзаро бир-бирлари билан ахборот, ҳиссий кечинмалар ва фикр алмашинуви таъминловчи коммуникатив, ўзаро бир-бирларининг ҳуқ-атворларига таъсирларини белгиловчи интерактив ва бир-бирларини тўғрироқ, Аниқроқ идрок қилиш ва баҳолашларни таъминловчи перцептив томони мавжуд. Ушбу тизимнинг ҳар бир томон муомаланинг зарурий ва муҳим таркиблари ҳисобланиб, унинг учинчи бўлаги шахслараро таъсир ўтказиш учун жуда муҳим муомалага киришувчи шахслар бир-бирларини яхши тушунишлари учун, аввало суҳбатдошнинг юзи, ҳиссий кечинмаларини идрок қилган ҳолда фикран унинг мавқеида тура билиши, унинг ўрнида ҳис қилиб ўзида ҳукм сураётган ҳис туйғулар доирасида унинг ҳолатига интилиш (идентификация), қолаверса, бу жараёнда индивидуал ва ижтимоий онгда мавжуд бўлган мутлоқ стереотин, онгда ўрнашиб қолган тасаввурларда фойдаланиши (стереотинизация) ушбу жараён тўғри кечишини таъминлаб туради.

Мулоқот жараёнининг самарадорлигини таъминловчи ижтимоий психологик омиллар ичида шахснинг мулоқот маромини эгаллаш кўрсаткичи муҳим ўрин тутди. Бу сифат мулоқот саводсизлигига зид бўлиб охирги ҳислат қуйидаги омилларга боғлиқ.

1. Ўзгалар мавқеида тура олмаслик, уларнинг ҳиссий кечинмалари, туйғулари ва муносабатларига бефарқлик;

2. Ўз ҳис-туйғулари ва муносабатларини бошқара олмаслиги, ўзига-ўзи маъсулиятнинг йўқлиги, ўз-ўзини таҳлил қилиш имконининг заифлиги;

3. Суҳбатда ҳар бир инсон учун бир қарашда табиий ҳисобланган нутқ қобилиятнинг йўқлиги яъни фикр-мулоҳазалардаги мантиқ ва узвийликнинг мавжуд эмаслиги;

4. Эшитиш қобилиятининг кучсизлиги, яъни бировга мурожаат маъносида гапириш қанчалик буюк фазилят ва маъсулиятли фаолият бўлса, ўзгаларни суҳбатдошни тинглаш ҳам шахсдан қатор сифатларни талаб қиладики, тинглай олиш ўқуви ҳам суҳбатни ўзига оғдиришнинг муҳим омилдир.

Бу омилларнинг кучига эътиборсизлик, ўзгалар мавқеида тураолмаслик момалада субъектив ҳодисани келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам тўғри йўлга қўйилган самарали мулоқот ва уни таъминловчи воситалар икки асосий камчиликни бартараф этишга хизмат қилади:

-ҳар бир шахс тафаккурнинг муқобил бўлиши мумкинлигини англаши, яъни суҳбатдош аввал бошдан ўзгаларга ҳам ўзининг фикрига қарама-қарши фикр бўлиши мумкинлигини тушуниши ва бу нарса билан ҳисобланиши зарурлиги;

-ўз фикрлари ва ҳаракатларининг мотивлари уларнинг асл сабабларини англаш имконияти: яъни ҳар бир шахсда ўз шахсий тажрибаси, ҳаётда субъектив муносабатлари оқибатида «Эго»-эҳтиёжлар мажмуи шаклланиб борадики, у бошқалардаги айнан шундай эҳтиёжлардан қарама-қарши ёки қисман зиддиятли бўлиши мумкин.

Муомаланинг самарадорлиги ва унинг омиллари тўғрисида гаприганда унинг стратегияси ва тактикаси тушунчаларига биров изох бериш жоиз. Муомала стратегияси деганда унинг қандай шаклда ўтиши тушунилади. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда

унинг куйидаги шакллари фарқланади: диолог ёки монолог; очик ёки интим (сирли яшарин); ролли ёки шахсий норасмий кабилар.

Муомала техникаси деганда, унинг самарасини таъминловчи психологик омиллар, воситалар, усуллар тушунилади. Бу шахс ёки гуруҳнинг коммуникатив малакалари ёки кўникмалари йиғиндисидан иборат бўлиб, энг аввало нутқ қобилияти ёки эшитиш уқуви уларнинг жозибали ва таъсирчан чиқишида қўлланиладиган барча ҳиссий эмоционал ва психологик характерологик услублари киради. Бундан ташқари мулоқот техникаси деганда ушбу жараёнда бевосита ишгирок этаётган ёки аниқроқ қилиб айтганда қўлланиладиган нутқий вербал ёки аниқроқ қилиб назарда тутилади. Маълумки, одамлар ўзаро мулоқотга киришганда энг самарали ва табиий сўзлашиш воситаси бўлмиш нутқдан фойдаланадилар, унинг таъсирчанлиги ва кучи табиий ўша сўзловчиларнинг малакаларига, тажрибасига ва омилкорона фойдалана олишларига боғлиқ. Ўзбек тили шу қадар жозибали, гўзал ва бойки, нотиклик маҳорати унинг барча имкониятларидан ўз ўрнида ва моҳирлик билан фойдаланишига боғлиқ. Лекин ана шу мулоқот ўз навбатида уни ҳиссий жиҳатдан тилига боғлиқ, лекин ана шу нутқсиз-новербал воситалари билан бойитиладики, унга ўша суҳбатдошларнинг бир-бирларига нисбатан фазовий жойланишларидан тортиб, то товушлар, интонациялар, тўхталишлар, оҳанглар ва эмоционал қўллаб-қувватлаш механизмлари киради. Мулоқот сўзлаш санъати билан бир қаторда эшитиш уқувив а техникаси ҳам ката аҳамиятга эга, зеро эшитиш ёки тинглашнинг ҳам ўзига хос нозик томонлари мавжуд. Аввало эшитиш ёки тинглаш гапириш учун мавжуд ёки тинглаш эса тушуниш учун даркор. Бу икки ҳолатда тингловчининг юз ифодасидан тортиб, то суҳбатдошини фикр алмашиши учун тинглаганда унинг диққати шу даражада таранг бўладики, натижада у то бирор лўқма ёки аниқ бир фикрни тугатмагунча, уни тинглайверади. Иккинчи ҳола ахборотни тушуниш учун ишлатилади, бунда тингловчининг суҳбатдошга нисбатан мавқеи олдингисидан анча сустр кечади.

Тинглаш техникасининг икки босқичи фарқланади:

- 1) қўллаб-қувватлаш босқичи;
- 2) шарҳлаш босқичи.

Биринчидан моҳияти асосан суҳбатдошга ташаббусни бериш ва унинг фикрларини охиригача баён этишга имконият бериш бўлиб, бунда бир қанча воситалар қўлланилади. Булар-«акс-садо»-ҳар бир жумла ёки фикр охирида унинг охирги сўзларини қайтариб туриш: маъқулловчи ёки эътироз билдирувчи лўқмалар қайтариловчи сўзлар билан суҳбатдош фикрларини ҳиссий маъқуллаш. Масалан, «қаранг-а», «қойил», «йўғ-э» кабилар; «чорлаш ва қувватлаш» воситаси ҳам айрим лўқмалардан иборат бўлади, масалан, «кейин нима бўлади», «яна-чи», «яшанг» сингарилар; «аниқлик киритувчи саволлар», масалан, «нима демоқчисиз» ёки «аниқ мақсадингиз нима экан, ўзи» ва хоказо; «қўшимча лўқмалар»-бунда гапнинг мазмунидан келиб чиқиб айрим аниқликлар киритилади.

Шарҳлаш-бу сўз мавқеи ва муносабатини тўлароқ баён этишга ҳаракат қилади. Бунда тингловчи танқидий мулоҳаза ҳам билдириши мумкин, ёки аниқ фикрни маъқуллайди, эътироз билдиради. Бундан ташқари, тинглаш жараёнида суҳбатдошнинг фикрларини таҳлил қилиши, маслаҳат билдириши, суҳбатдош фикрларини ўз сўзлари билан қайтаришга ёки айтганларининг йўналишини ўзлаштириш мақсадида бошқа предметга кўчириши ёки ҳазилга айлантириши мумкин. Булар суҳбанинг жонли, мазмунли, самарали бўлишини таъминлайди. Шундай қилиб, мулоқот уч хил йўналишда тушунилиши мумкин:

- 1) мулоқот- инсон фаолиятининг мустақил тури сифатида;
- 2) мулоқот-инсон фаолияти бошқа турларининг атрибути сифатида;
- 3) мулоқот-субъектларнинг ўзаро таъсири сифатида.

Мулоқот кўп жиҳатдан мулоқотнинг ижтимоий-психологик механизмларини самарали қўлланилишига боғлиқ. Мулоқотнинг бу вазиятларини психология ёрдамида бошқаришга ўрганишдир. Мулоқотнинг муҳим ижтимоий психологик механизмлари ишонтириш, тақлид, уқтириш.

Ишонтириш-у ёки бу мулоҳаза ёки хулосани мантикий асослаб бериш жараёнидир. Ишонтириш ҳам суҳбат ёки тингловчилар онгини шундай ўзгартиришни назарда тутадики, у мазкур нуқтаи-назардан ҳимоя этиш ва шунга мувофиқ ҳаракат қилишга тайёргарлик

вужудга келтиради. Ишонтириш- шах сёки гуруҳга таъсир этиш усули бўлиб, у шахснинг ҳам ақлий ҳам ҳиссий соҳаларига дахлдор.

Тақлид қилиш психик таъсирнинг бир тури сифатида асосан индивид томонидан ҳулқ-атвор, ҳатти-ҳаракат, юриш-туришнинг муайян ташки хусусиятларини такрорлашга қаратилгандир.

Бир одамнинг бошқа одамга ёки одамлар гуруҳига сўзлар ва бу сўзларда ифодаланган фикрлар ҳамда иродани нотанқидий идрок этишга қаратилган психик таъсир-уқтиришдир. Уқтиришнинг моҳияти шундаки, тингловчининг гапираётганда тўла ва сўзсиз ишончи мавжуд, гапираётган одамнинг сўзлари тингловчида гапираётган одам назарда тугган тасаввурлар, образлар ва ҳис-туйғулар уйғотади, уйғотилган тасаввурларнинг тўла равшанлиги ва сўзлиги шундай ҳаракатлар қилиш заруратини келтириб чиқарадики, бу тасаввурлар бошқа шахс воситасида эмас, балки тингловчининг ўзида бевосита кузатиш ёки билиб олиши орқали қилинади. Уқтиришга берилиш- одамга хос бўлган психик хусусиятлардан бири, одамларнинг мулоқотдаги ўзаро таъсир кўрсатиш жараёнларидан бири сифатида уқтириш ихтиёрий ва ихтиёрсиз, бевосита, билвосита бўлиши мумкин.

5- Мавзу: Ижтимоий психологияда гуруҳлар ва жамоа психологияси.

Олимларнинг ҳисобларига кўра, Ер юзида нафақат 5,5 миллиардга яқин индивидлар, балки улардан иборат бўлган 200 га яқин миллий-давлатчилик тузилмалари, 4 миллионга яқин аҳоли пунктларидан иборат географик ҳудудлар, 20 млн.дан зиёд иқтисодий уюшмалар, юзлаб миллионли турли расмий ва норасмий ташкилотлар ва муассасалар (оила, мачит, черков, турар-жой ширкатлари ва ҳакозо) мавжуд бўлиб, уларнинг алоҳида шахсларга таъсирини билиш муҳим масаладир.

Одамлар ўртасидаги ёки бошқача қилиб айтганда, шахслараро муносабатлар асосан гуруҳ шароитида, шахс маълум инсонлар даврасида, гуруҳида, жамоада булган тақдирда рўй беради. Шахсга бир вақтнинг ўзида турли ижтимоий гуруҳларнинг таъсири бўлиб туради.

Гуруҳ-маълум ижтимоий фаолият мақсадлари асосида тўпланган, мулоқот эҳтиёжлари қондириладиган инсонлар уюшмасидир. Содда қилиб айтадиган бўлсак, гуруҳ-икки ва ундан ортиқ одамлар ўзаро муомала қиладиган ва бир-бирларига таъсир қиладиган уюшмадир. Гуруҳ учун иккита асосий мезон мавжуд: бирор фаолиятнинг бўлишлиги (меҳнат, ўқиш, ўйин, мулоқот, маиший манфаатлар) ҳамда у ерда одамларнинг ўзаро мулоқоти учун имкониятнинг мавжудлиги.

Шахс ижтимоий мавжудот. У ўзининг ҳаёти давомида бошқа кишилар билан бевосита мулоқотда бўлади ва бу орқали ўзининг ижтимоий моҳиятини амалга оширади. Бундай мулоқот турли хил гуруҳларда рўй беради. Гуруҳлар бир неча асос бўйича тавсифланиши мумкин. Булар:

1. Ўзаро муносабатларнинг яқинлиги ва чуқурлигига қараб кичик ва катта гуруҳлар фарқланади.

2. Тузилиш, тамойили ва усули бўйича- шартли, реал расмий ва норасмий гуруҳларга бўлинади.

3. Шахснинг гуруҳ нормаларига бўлган муносабатига кўра референт гуруҳлар фарқланади.

Гуруҳлар ундаги одамлар сонига кўра катта ва кичик гуруҳларга бўлинади.

Психологияда кўпроқ кичик гуруҳлар ўрганилади.

Катта гуруҳлар. Бу умумий фазо ва маконда мавжуд бўлган кўп сонли жамоасига мактаб педагогик жамоасини мисол қилиш мумкин. Бироқ бу кишилар, масалан кўпчилик ўқитувчилар бир-бирлари билан бевосита ўзаро алоқаларда бўлмаслиги ҳам мумкин, лекин шу билан бир вақтда уларнинг барчаси Айни бир раҳбарга бўйсунди, битта касаба уюшмаси аъзоси ҳисобланади ҳамда мактаб ички ҳаётининг барча қоидаларига амал қилади.

Кичик гуруҳ-нисбатан барқарор, таркиби жиҳатидан аъзоси унчалик кўп бўлмаган, умумий мақсад билан боғланган кишиларнинг бирлшамаси.

Бунда кичик гуруҳ аъзолари ўртасида бевосита алоқалар ўрнатилади ва амалга оширилади. Бу гуруҳда умумий мақсад бўлиб, унинг аъзолари бу мақсадга эришиш йўлида ўзларининг барча кучларини сафарбар этадилар. Кичик гуруҳга кирувчи кишилар бир-бирларини шахсан биладилар ва гуруҳ олдида турган вазифаларни ҳал қилиш учун бир-бирлари билан мулоқотда бўлади.

Уни неча киши ташкил этиши, неча кишининг ҳамкорликдаги фаолияти кўпроқ самара бериши масаласи Амалий аҳамиятга эгадир. Кўпчилик олимлар гуруҳнинг бошланғич нуқтаси сифатида микдор жиҳатдан икки кишини тан олишади. Масалан: Янги оила куриб, бирга яшаётган кишилар, севишганлар, икки дўст-ўзига хос кичик гуруҳ.

Р.С.Немов кичик ижтимоий гуруҳларнинг қуйидаги таснифини таклиф этган:

Шартли (номинал) гуруҳ- фақатгина ном жиҳатдан мавжуд бўлган кишилар бир-бирлари билан ҳеч вақт учрашмасликлари ҳам мумкин, лекин шу билан бирга гуруҳга ажратиш бўйича умумий ижтимоий психологик хусусиятларга эга бўлади. Масалан, ўсмирлар мамлакатимизнинг қайси шаҳар ва қишлоғида яшашидан, ҳеч қачон бир ерга тўпланмасликларидан қатъий назар шартли гуруҳга бирлаштирилиши мумкин.

Реал (ҳақиқий) гуруҳ-ҳақиқатдан мавжуд бўлган кишиларнинг уюшмасидир. Бу гуруҳдаги кишилар реал алоқа ва муносабатлар мақсад ва вазифалар билан ўзаро боғланган бўлади. Реал гуруҳ қисқа вақт ёки узоқ муддат давомида мавжуд бўлиши, сон жиҳатдан кўп ёки оз бўлиши ҳам мумкин.

Расмий (формал) гуруҳ-расмий ҳужжатлар асосида тузилган гуруҳ (низом, шкат) ишлаб чиқаришдаги таъминот бўлими, олий ўқув юртидаги талабалар гуруҳи- расмий гуруҳлардир. Бундай гуруҳ аъзолари ўртасидаги иш юзасидан бўладиган алоқалар ўрнатилади, бу алоқалар ҳуқуқликни топшириқ бажаришдаги жавобгарликнинг кам бўлишини кўзда тутди.

Норасмий (ноформал) гуруҳ- психологик мотивациянинг ягона йўналиши асосида симпатия қарашларнинг яқинлиги эътиқод асосида вужудга келади. Бунда расмий ҳужжатлар ҳеч қандай кучга эга эмас. Агар симпатия ва ўзаро боғлиқлик йўқолса гуруҳ ҳам тарқаб кетади.

Референт (эталон) гуруҳ-реал ёки ҳаёлан мавжуд бўлган гуруҳ бўлиб, унинг қарашлари қонун-қоидалари намуна бўлиб ҳисобланади. Гуруҳ нормаларини тан олувчи, уларни энг яхши деб ҳисобловчи ва уларга қўшилувчи шахс шу гуруҳга Кириши мумкин. Бунда шахс бу нормаларга қўшилибгина қолмай уларни ҳимоя қилади ва зарур бўлса ташвиқот қилиши мумкин.

Ҳар бир гуруҳ ўзига хос психологик тизимга ҳам эга. Уни ташкил этувчи элементлар нисбатан барқарор бўлиб, улар гуруҳ аъзолари ҳуқ-атворини мувофиқлаштириб туради. Аввало гуруҳнинг мақсадини ажратиш керак.

Мақсад-одамларни жамоа меҳнати атрофида уюштириб, бирлаштирувчи психологик элементдир. Масалан-барча талабаларнинг мақсади-ўқиш, профессионал малака орттириб, мутахассис бўлиб етишиши гуруҳнинг **автономлиги даражаси** ҳам маълум аҳамиятга эга омил, чунки ҳар бир аъзо умумий мақсад асосида бирлашган бўлса ҳам, уларнинг ҳар бирининг ўз бурч ва вазифалари бор ва у нуктаи-назардан ҳар одам ўз имкониятларини ўзига ишга солиб, ўзаро муносабатларга сабаб бўлади. Гуруҳнинг психологик тизимга таъсир этувчи омилларига яна уларнинг жинсий, ёш жиҳатдан, маълумоти ва малакаси нуктаи-назаридан фарқ қилувчи ва уйғунликни ташкил этувчи омиллар ҳам киради. Гуруҳнинг уюшганлиги ҳам динамик кўрсаткичлардан бўлиб, шу нуктаи-назардан ҳар бир гуруҳ бир-биридан фарқ қилади. Масалан, одамлар ҳамкорликда бажараётган ишнинг қизиқарли, ва ҳамма учун манфаатли эканлиги, гуруҳ меъёрларининг аъзоларининг аъзолар томонидан умуман олганда қабул қилиниши, кадриятлар тизимини тасаввур қилишдаги фикрлар мослиги уюшқоқликнинг мезонларидир.

Гуруҳларни ривожлантириш даражасига кўра бир қанча турларга ажратиш мумкин. Булар:

1. ташкил этилмаган гуруҳлар;
 - а. ассоциациялар;
 - б. диффуз гуруҳлар;

2. ташқаридан ташкил этилган гуруҳлар; ташкилотлар- ишлаб чиқариш, ўқув, касаба уюшма ташкилотлари, ҳарбий қисм, турли хил жамиятлар.

3. ичкаридан ташкил этилган гуруҳлар;

а) корпорация;

б) жамоа;

одамлар ижтимоий бирлашмаси ривожланишининг юқори шакли-жамоадир.

Жамоа-бу кишиларнинг фаолиятининг умумий мақсадга эришиш йўлида психологик жипслиги ва умумий фойдали мотивлар билан тавсифланувчи гуруҳдир.

Жамоанинг муҳим белгиси-мақсад ва вазифаларнинг ижтимоий аҳамиятига эга эканлигидир. Агар бу белги бўлмаса, гуруҳ жамоа деб аталиши мумкин эмас.

Фаолият мақсадга кўра:

а) касбий жамоалар ишлаб чиқариш жамоалари, ижодий, ҳарбий, ўқув жамоалари;

б) ижтимоий ташкилотлар-касаба уюшма, турли хил партиялар, ёшлар ташкилотлари;

в) кўнгилли жамиятлар-илмий, илмий-ташвиқот, ҳарбий, спорт ташкилотлари.

г) ҳаваскор жамоалари-бадий ҳаваскорлик жамоалари, коллекционерлар жамияти кабилар фарқланади.

Бошқа жамоалар тизимида тутуган ўрни ва алоқаларига қараб, бирламчи ва асосий жамоаларда шахс икки хил муносабатда-хизмат юзасидан бўладиган ва шахсий муносабатларда бўлади.

Хизмат юзасидан бўладиган муносабатлар. Гуруҳ таркиби билан бирга ҳужжатларга қайд этилади. Шахсий муносабатлар шахслараро тизимини ташкил этади.

Гуруҳ аъзолари бир-бирларига нисбатан бир хил ҳолатда бўла олмайдилар. Гуруҳнинг ҳар бир аъзоси ўзининг шахсий ва ишга тааллуқли бўлган сифатларига, ўзининг мавқеига кўра гуруҳдаги шахслараро муносабатлар тизимида муайян ҳолатга эгаллайди.

Ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, айрим кишилар бошқаларга нисбатан кўпроқ обрўга эга бўладилар.

Эксперимент маълумотларга кўра синф жамоасида, яъни 30-40 ўқувчи ичида энг машхур, обрўлиси 3-4 ўқувчи бўлиши мумкин

Уларнинг машхурлиги нимага боғлиқ?

Биринчидан бунинг сабаби бу ўқувчиларнинг гуруҳнинг бошқа аъзолари билан алоқа ўрната олиш малакаларидир.

Иккинчидан шахс ўзининг билими ва малакалари туфайли бу билимлар билан ўртоқлашиб бошқа кишиларга беғараз ёрдам кўрсатишга интилиш сабабли машхур бўлиши мумкин.

Учинчидан ташқи кўриниш туфайли ҳам шахс гуруҳда авторитет қозониш мумкин. Бу омилга жисмоний куч кўрсаткичини ҳам киритиш мумкин. Бу омилга жисмоний куч кўрсаткичини ҳам киритиш мумкин.

Гуруҳ ёки жамоадаги баъзи аъзолар шахсий муносабатларда четда қоладилар. Улар бундай аъзолар шахсий ўзаро муносабатларда четда қоладилар. Улар бундай алоқалар ўрнатиш учун ўзларига шерик танлайдилар. Бироқ бу шахс иш юзасидан бўладиган муносабатларга киришадилар, унга берилган ролни яхши бажарадилар. Жамоа бу азонинг шахсий муносабатлари жамоадаги ташқарида яхши ўрнатилади.

Гуруҳдаги шахс яна шундай ҳолатларда ҳам бўлиши мумкин, бунда уни гуруҳдошлар дўстликда шахсий муносабатларда рад этадилар. Гуруҳдаги яккалаб қўйиш (изоляция) ва рад этиш сабаблари ҳам турлича бўлиши мумкин.

Биринчидан баъзи ўқувчиларнинг синфдошлари томонидан рад этилиши улар билан бўладиган мулоқотнинг қизиқарли эмаслиги билан ҳам тушунтирилади.

Иккинчидан ажралиб қолганлик гуруҳдошлари билан алоқа ўрната олмасликка ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Гуруҳлар ёки жамоаларда ўзича бошчилик ролини олувчи шахс фарқланади.

Психологияда бундай шахс лидер дейилади.

Лидер гуруҳни ташкил этиш ва бошқариш учун тайинланиши ёки белгиланиши мумкин.

Лидер қуйидаги вазифаларни бажаради.

1. гуруҳда мақсадга вазифаларни бажаради.
2. гуруҳ аъзолари ўртасида жавобгарликни тақсимлаш;
3. муайян муҳитни ташкил этиш;
4. гуруҳ аъзоларининг фаоллиги ошириш

Ўзаро муносабатлар моҳасига бўйича лидерларнинг икки тури фарқланади:

1. расмий лидер.
2. норасмий лидер.

Расмий лидер-лидерликка сайланган ёки тайинланган лидер бўлиб, Ушбу жамоанинг фаолиятига расман жавобгар ҳисобланади.

Норасмий лидер-расмий лидерлик мавқеини эгалламаганлигига қарамай, кўпчилик томонидан эътироф этилгач, обрўга эга бўлган лидер.

Лидерлик услублари:

1. авторитар услуб
2. демократик услуб
3. либерал услуб

Демак Айни бир жамоада бир неча лидер мавжуд бўлиши мумкин. Агар жамоада лидерлар кўп бўлса, бу ижобий ҳолат. Лекин бунда лидерларнинг ахлоқий нормалари бири-бирига зид келмаслиги лозим. Лидерларнинг турли-туманлиги жамоа ҳайитининг турлича бўлишини таъминлайди. Лидерлар ўртасида ўзаро муносабатлар жамоадаги психологик иқлимнинг муҳим томонидир. Бундан ташқарии жамоанинг психологик иқлимга жамоа аъзолари ўртасидаги шахсларо муносабатлар ҳам катта таъсир кўрсатади. Бунда жамоа аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг 3 хил даражасини кўрсатиш мумкин:

1. даража-симпатия ёки антипатия асосида вужудга келувчи фзаро муносабатлар.
2. даража-иш ёки ўқиш юзасидан бўладиган ўзаро муносабатлар.
3. даража-инсоний муносабатлар ёки чуқур ишончга асосланган ўзаро муносабатлар.

Жамоадаги нормал психологик иқлимни белгиловчи бевосита кўрсаткичлар ҳам мавжуд

1. жамоадаги эркинлик атмосфераси.
2. мулоқот турли шаклларнинг мавжудлиги
3. умумий мақсадни тушуниш ва унга эришиш интилиш.
4. фикр-мулоҳазаларни очиқчасига айтиш имкониятининг мавжудлиги.
5. танқид қилиш эркинлиги. Низоларнинг ҳам мавжуд бўлиши.
6. жамоа аъзолари ўртасида вазифаларнинг тўғри тақсимланиши
7. бошлиқнинг норасмий лидер бўлиши
8. ходимлар кўнимсизлигининг камлиги.

Булардан ташқарии жамоанинг психологик иқлимига бир қанча омиллар таъсир кўрсатиш мумкин.

Ўқувчи талабалар жамоасидаги маънавий психологик иқлимнинг ташкилотчиси-ўқитувчи гуруҳ разбари ҳисобланади. Ҳар бир гуруҳ раҳбари жамоада нормал психологик иқлимни яратиш учун унга таъсир этувчи омилларни яъни билиши зарур. Чунки яхши ташкил этилган жамоада нормал психологик иқлим мавжуд бўлганда гуруҳ аъзоларининг ўзлаштирилиши, тартиб интизоми сақлаши ҳам яхши йўлга қўйилади.

Гуруҳ ва жамоалардаги шахсларо муносабатларни ўрганиш кузатиш, эксперимент турли хил суҳбат методларидан фойдаланилади. Шахсларо муносабатларни ўрганиш методларидан яна бири-социометрия методидир.

Бу методнинг моҳияти шундан иборатки инсон у ёки бу кўрсаткич бўйича гуруҳ аъзоларини танлайди. Қилинган танлашлар асосида кишининг гуруҳдаги шахсларо муносабатлар тизимида тутган ўрни ҳақидаги хулоса чиқаради.

Демак социометрия методи ёрдамида гуруҳ аъзолари ўртасидаги симпатия ёки антисимпатияни аниқлаш мумкин, социометрия методни апператив тарзда ўтказиш, унинг натижаларини эса математик равишда қайта ишлаш ва график тарзда ифодалаш мумкин.

Социометрия тадқиқот методи сифатида тан олиш билан бир қаторда унинг баъзи камчиликларини ҳам кўрсатиб ўтиш зарур.

Асосий камчилик шундан иборатки социометрия методи мавжуд муносабатлар тузилишининг сабабларини имконини бермайди. Ушнинг учун ҳам социометриядан олинган маълумотлар кузатиш суҳбат психолог-педагогик эксперимент натижалари билан тўлдириши лозим.

Социометрия методидан гуруҳ жамоа аъзолари ўзаро бир-бирларини яхши билган ҳолатлардагина юзасидан бўладиган шахсий муносабатлардаги ҳақиқий ўрнини аниқлаш бирламчи гуруҳлар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини топиш, бирламчи гуруҳларнинг пайдо бўлиш ва тарқаб кетиш сабабларини аниқлаш мумкин.

Социометрия методнинг моҳияти шундан иборатки, текширилувчига бирга қилинадиган ишлар ёки гуруҳ аъзоларининг ишларини биргаликда бажаришга ҳоҳишлари тўғрисида саволлар берилади. Бериладиган саволлар танлаш кўрсаткичлари дейилади. Кучли ва кучсиз кўрсаткичлар фарқланади. Кучлилар чуқур ва барқарор муносабатларни кучсизлари эса юзаки ва беқарор муносабатларни аниқлашга имкон яратади.

Кучли ва кучсиз кўрсаткичлар мазмун жиҳатдан турлича бўлиши мумкин, лекин улардаги умумий нарса-натижа яъни шерик танлашдир. Социометрик тадқиқотдан олинган маълумотлар асосида социограммалар тузилади. Агар гуруҳ аъзоларисони 20 тадан кўп бўлса социометрик матрица тузиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шунингдек натижаларни график равишда занжир, учбурчак ёки юлдузча шаклида ҳам ифодалаш мумкин. Шундай қилиб социометрия методи объектив ва аниқ маълумотлар, яъни шахснинг гуруҳ ёки жамоадаги реал ҳолатини акс эттирувчи маълумотлар олишга имкон беради ва амалий мақсадларда фойдаланиш мумкин.

6-мавзу: Шахслараро муносабатлар тизимида шахснинг ривожланиши

«Шахс» тушунчаси психологияда энг куп қўлланиладиган тушунчалар сирасига киради. Психология ўрганадиган барча феноменлар айнан шу тушунча атрофида қайд этилади. Инсон руҳий олами қонуниятлари билан қизиққан ҳар қандай олим ёки тадқиқотчи ҳам шахснинг ижтимоийлигива айнан жамият билан бўлган алоқаси масаласини четлаб ўтолмаган.

Шахс-ижтимоий ва шахслараро муносабатларнинг маҳсули, онгли фаолиятнинг субъекти бўлмиш индивиддир. шахсга тааллуқли бўлган фазилатлардан энг муҳими шуки, у шу ташқи, ижтимоий таъсирларни ўз онги ва идроки билан қабул қилиб (объектни), сўнгра шу таъсирларнинг субъекти сифатида фаолият кўрсатади.

Шахс ижтимоий ҳуқуқига турли ташқи кучлар, ижтимоий муносабатлар мажмуи таъсир қилади: сиёсий, мафкуравий, иқтисодий, маънавий, ахлоқий ва бошқалар.

Шахс турли ижтимоий муносабатлар тизими таъсирида бўлади ва кўплаб ижтимоий институтлар оила, маҳалла, санъат, маданият ва бошқалар билан боғлиқ бўлади. бу таъсирлар моҳиятан аслида жамият аъзолари бўлмиш шахслар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг айрим алоҳида йўналишларини белгилаб беради.

Шахс-жамият аъзоси сифатида турли хил муносабатлар, аввало, моддий бойликларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш жараёнида вужудга келувчи муносабатлар соҳасидаги таъсирида бўлади. Шахснинг психологияси унинг озодлиги, эзилувчи эканлигига, сиёсий ҳуқуқларга эга ёки эмаслигига ижтимоий ҳаёт масалаларини муҳокама қилиш ёки ҳукмрон синфнинг иродасини бажарувчи эканлигига боғлиқ.

Шахс шунингдек ғоявий муносабатлар таъсирида ҳам бўлади. Жамият ҳақидаги ғоялар тизими шахснинг психологияси, унинг дунёқараши, ижтимоий установақларини шакллантиради.

Ижтимоий установақлар- соф психологик маънода янгича тафаккур ва дунёқарашни шакллантирувчи ва ўзгартирувчи ижтимоий психологик механизмдир. Бу-шахснинг атроф-муҳитида содир бўлаётган ижтимоий ҳодисаларни, объектларни, ижтимоий гуруҳларни маълум тарзда идрок этиш, қабул қилиш ва улар билан муносабатлар ўрнатишга

рухий ички ҳозирлик сифатида одамдаги Дунёқарашни ҳам ўзгартиришга алоқадор категориядир.

Ижтимоий фанларни ўзлаштиришда шахсга ижтимоий тараққиётда ўз ўрнини англашга ёрдам беради. Жамият мактабдаги таълим ва тарбия, радио, телевидения ва бошқа оммавий ахборот воситалари ёрдамида шахсга ғоявий таъсир ўтказади.

Шахснинг ижтимоий муносабатлар маҳсули дейилишининг энг асосий сабаби-унинг доимо инсонлар даврасида, улар билар ўзаро таъсир доирасида бўлишини англатади. Бу шахснинг энг етакчи ва нуфузли фаолиятларидан бири мулоқот эканлигига ишора қилади. Мулоқот жараёнида кишилар ўзаро бир-бирларига таъсир этадилар. Ва унинг натижасида жамиятга, инсонларга шахсий сифатларга нисбатан қарашлардан психологияси установка ҳамда бошқа муносабатларда умумийлик таркиб топади.

Шахснинг мулоқот доирасига қанчалик кенг бўлса унинг, ҳаётининг турли соҳалари билан алоқаси шунчалик турли-туман бўлади, шахс ижтимоий муносабатлар дунёси қанчалик чуқурроқ кира олса унинг маънавий дунёси ҳам бой бўла боради. Шахснинг позицияси-бу унинг муносабатлари тизимидир. Шахснинг психик хусусиятлари инсоннинг ижтимоий тажрибаси, унинг ижтимоий установкаларини белгилайди. Шахснинг шаклланишини у яшайдиган жамият шароитлари у оладиган таълим тарбия белгилашади.

Демак инсон шахс сифатида ижтимоий ҳал қилувчи таъсири остида таркиб топади. Тажрибанинг кўрсатишича инсоният жамиятдан ташқарии гўдак ҳақиқий тараққиё этган инсон шахс бўла олмайди. Ҳар бир бола яшайдиган ижтимоий муҳит бир эмас балки бир неча қаватдан (зонадан) иборат. Энг яқин ва биринчи қават оилавий муҳитдир. Оилага қараганда кенгроқ қаватни боланинг ўртоқлари, тарбиячилари муаммолари ташкил қилади. Ва ниҳоят энг кенг қават-ижтимоий муҳит ҳисобланади. Ундан ташқарии бевосита хатти-ҳаракат намуналари, алоҳида кишиларнинг мулоҳазалари орқали эмас балки китоб ва газета, радио, кино, телевидение, жамиятда ўрнатилган қонун-қоида, одатлар, ахлоқ талаблари, маънавият, миллий қадриятлар орқали амалга оширилади. Бироқ агар боланинг шахсий фаоллиги мавжуд бўлмаса, муҳит унинг тараққиётига таъсир кўрсата олмайди. Фақат ўзининг шахсий фаоллигини кўрсатгандагина бола атроф-муҳитнинг таъсирини ҳис қилиши, шундагина унинг расмий хусусиятлари намоён бўлиши мумкин.

Шахс, унинг дунёни билиши, ўзини ва атрофидаги инсоний муносабатларни англаши, тушуниш ва ўзаро муносабатлар жараёнида ўзидаги такрорланмас индивидуалликни намоён қилиш ҳамда Ушбу жараёнларнинг ёшга ва жинсга боғлиқ айрим жиҳатларни таҳлил қилиш бизга умумий равишда шахс-жамиятда яшайдиган ижтимоий мавжудотдир, деган хулосани қайтаришга имкон беради. Яъни, у туғилган онидан бошлаб ўзига ўхшаш инсонлар қуршовида бўлади ва унинг бутун рухий имкониятлари ана шу ижтимоий муҳитда намоён бўлади. Чунки агар инсоннинг онтогенетик тараққиёти, яъни туғилган онидан то умрининг охиригача бўлган тараққиёти даврига эътибор берадиган бўлсак, ўзига ўхшаш мавжудотлар даврасига тушади ва кейингина ижтимоий мулоқотнинг барча кўринишларининг фаол объекти ва субъектига айланади. Шу нуқтаи-назардан, ҳар биримизнинг жамиятдаги ўрнимиз, унинг қачон ва қандай шароитларда пайдо бўлгани, жамиятга қўшилиб яшашимизнинг психологик механизмлари фаннинг муҳим вазифаларидан биридир. Бу жараён психологияда ижтимоийлашув ёки социализация деб юритилади. Ижтимоийлашув ёки социализация-инсон томонидан ижтимоий тажрибани эгаллаш ва ҳаёт фаолият жараёнида уни фаол тарзда ўзлаштириш жараёнидир. Демак, инсон-фаол мавжудот. Унинг тарбиявий таъсирлари муҳит таъсирининг пассив объекти эмас шунинг учун ҳаётнинг ташқи шароитлари ташқи таъсирлари инсон шахси бевосита, балки унинг муҳит билан ўзаро таъсири жараёни орқали унинг шу муҳитдаги фаолияти ёрдамида белгилайдилар.

Шу туфайли муҳит тарбиявий таъсир ҳақида гапирганда уни инсоннинг ташқи муҳит билан фаол таъсир жараёни тарбияланувчининг фаол ўзаро алоқаси сифатида тушуниш керак.

Инсоннинг индивид сифатидаги ҳамда ижтимоий муносабатлар субъекти яъни объектив дунёни фаол акс эттирувчи мия хусусияти ўртасида узвий боғланиш мавжуд. Индивд психикаси эга. Шу билан бир қаторда индивид шахс сифатида яъни ўз табиатига

кўра ижтимоий шахслааро муносабатлар субъект ҳам ҳисобланади. Шундай қилиб шахс ва психикаси ўртаси узвий алоқа мавжуд, яъни улар бир-бирлари билан чамбарчас боғланган. Аммо бу субъект шахси билан унинг психикаси айнан бир нарса дегани эмас М: ёқимли (аттракция)- бу инсон шахси характерисикасидир. Бироқ бу хусусият инсон психикасининг характеристикаси сифатида қарши мумкин эмас. Чунки бу инсон бошқалар учун ёқимли ва шу кишилар психикасида онгли ёки онгсиз равишда ёқимли инсонга нисбатан эмоционал муносабат, муайян установка шаклланади. Инсоннинг ёқимлиги унда кўрсатилган ҳар қандай таҳлил ҳам нима учун баъси жамоаларда ушбу субъекти ёқимли бошқаларида ёқимсиз шахс сифатида намоён бўлишини тушунтириб Бера олмайди. Бу саволга жавоб бериш учун Ушбу жамоалар ижтимоий-психологик таҳлил қилиши зарур. Шундай таҳлил натижасида шахсни тушуниш учун яратилади. Демак гуруҳнинг ривожланиш даражасини аниқламасдан туриб шахснинг ёқимлик ёки ёқимсизлиги сабабларини аниқлаш мумкин эмас.

Шахснинг ривожланиш жараёни инсоннинг индивидуаллиги характерловчи эмоционал ва иродавий билиш жараёнларининг ривожланиши сифатида қарамаслиги керак. Шахс гуруҳда яъни манна шу гуруҳда ўрнатиладиган ўзаро муносабатлар ва мулоқот таъсирида ривожланади. Демак, гуруҳнинг тараққиёти шахснинг гуруҳда ривожланиш омили сифатида намоён бўлади. Индивид ўзига хос эҳтиёж, яъни индивидуал хусусиятлар шахс бўлиш эҳтиёжи қондирилишини таъминлайди ва турли ишларни амалга оширишга имкон яратади. Ушбу ривожланиш даражасига эга бўлган гуруҳ жамоалар катта аҳамиятга эга. Шахс ривожланишини Янги ижтимоий муҳитга қўшилиш ва у билан бирлашиш сифатида тасаввур қилиш мумкин. Бу муҳитнинг стабиллиги турлича бўлиши мумкин. Шартли равишда бу муҳитни доимий ўзгармас деб қаратилади (масалан, мактабнинг биринчи синфи, ишлаб чиқариш бригадаси, ҳар бир қисми ва х.) нисбатан барқарор бўлган муҳитда шахснинг ривожланиши 3 та босқичини босиб ўтади. Булар-адаптация, индивидуализация ва интеграция босқичларидир.

Ижтимоий установка.

Ижтимоий установка шахснинг ижтимоий объектлар, ҳодисалар, гуруҳлар ва шахсларни идрок қилиш, баҳолаш ва қабул қилишга нисбатан шундай тайёргарлик ҳолати, у бу баҳо ёки муносабатнинг аслида қачон шаклланилигини аниқ англамайди. Масалан, ватанимизни ҳаммамиз севамиз, байроғимиз муқаддас, негрларга раҳмимиз келди, тижорат ишлари билан шуғулланадиганлар албатта пулдор, бадавлат ва ҳақозо. Бу тасаввурлар баҳо ва ҳиссийётлар қачон ва қандай қилиб онгимизда ўрнашиб қолганлигига эътибор бермасдан юқорида санаб ўтган ҳиссийётларни бошдан кечираверамиз.

Мана шуларни барчаси ижтимоий установкалар бўлиб, уларнинг мазмун моҳияти аслида ҳар бир инсон ижтимоий тажрибаси давомида шаклланади ва узоқ муддатли хотирада сақланиб, конкрет вазиятларда рўёбга чиқади. Демак, мотив ҳар қандай ҳаракатларимиз ва фаолиятимизнинг сабаби (ундов), шarti бўлса, установка ана шу ҳаракат ёки фаолиятни амалга оширишга қаратилган инсондаги ички психологик ҳолатдир.

Америкалик олим Г.Оллпорт ижтимоий установканинг уч компонентли тизимини ишлаб чиққан:

А) когнитив компонент-установка объектга алоқадор билимлар, ғоялар, тушунча ва тасаввурлар мажмуи;

Б) аффектив компонент-установка объектга нисбатан субъект ҳис қиладиган реал ҳиссийётлар (симпатия, антипатия, лоқайдлик каби эмоционал муносабатлар);

В) Ҳаракат компоненти-субъектнинг объектга нисбатан реал шароитларда амалга ошириши мумкин бўлган ҳаракатлари мажмуи (хулқда намоён бўлиш);

Бу учала компонентлар ўзаро бир-бирлари билан боғлиқ бўлиб, вазиятга қараб у ёки бу компонентнинг роли устуворроқ бўлиши мумкин. Шунини айтиш лозимки, компонентлараро монандлик бўлмаслик ҳам мумкин. Масалан, айрим талабалар талабалик бурчи ва тартиб-интизом билан жуда яхши таниш бўлсалар-да ҳар доим ҳам унга риоя қилавермайдилар «Тасодифан дарс қолдириш», «жамоатчилик жойларида тартибни бузиш» каби ҳолатлар когнитив ҳаракат компонентларида уйғунлик йўқлигини кўрсатади. Бу бир қарашда сўз ва иш бирлиги принципининг турли шахсларда турлича намоён бўлишини эслатади. Агар одам бир неча марта била туриб ижтимоий хулққа зид ҳаракат қилса, ва бу

нарсa бир неча марта қайтарилса, у бу ҳолатга ўрганиб қолади ва установкага айланиб қолиши мумкин.

Ижтимоий установка шахс ҳуқуқ атворининг ички, англaнмаган ёки қисман англaнган мотивларига киради. Масалан, бир кишига бадиий адабиётдан айнан бир гуруҳ асарлар ёқади, лекин нима учун худди шу асарлар гуруҳи ёки шу адиб ёқишини тушунмайди. Ўша гуруҳдаги янги бир китоб қўлга кирганда у албатта ёқиши керак деган тасаввурда бўлади. Шу маънода олиб қаралганда ижтимоий установка шахсдаги англaнмагна муносабатларга ўхшайди. Лекин аслида унинг табиати жуда мураккабдир. Чунки ижтимоий установка тушунчасида муносабатлар ҳам, шахсий маъно ҳам, баҳолар системаси ҳам, билимлар ҳам ўз ифодасини топади. Яъни ижтимоий установка шахснинг турли ижтимоий объектларга нисбатан муносабат билдиришининг ички механизмидир, шу объектлар билан ишлашга, уларни баҳолашга ҳамда маълум тарзда ижрок қилишга тайёргарлик ҳолатидир.

Ижтимоий установка муаммоси Ғарбда, айниқса АҚШда ҳар тарафлам ачуқур ўрганилган муаммолардан ҳисобланади. Америкалик олимлар унинг шахснинг аввалги тажрибасига, ундаги ижтимоий тасаввурларга боғлиқлигини ўрганиб, шахс ҳуқуқ-атворини турли шароитларда бошқарувчи механизм эканлиги исбот қилдилар.

Баъзи олимларда установканинг айнан объектга ёки вазиятга нисбатан бўлиши мумкинлиги ҳақида маълумотлар ҳам бор эди. Ҳусусан, Лапьернинг 1934 йилда ўтказган машҳур эксперименти бунга мисол бўлади. Экспериментнинг мазмуни қуйидагича эди. Лапьер 2 та Хитойлик талабалар билан АҚШ бўйлаб саёҳатга чиқади. Улар ҳаммаси бўлиб, 252 та меҳмонхонада бўлишиб, уларнинг деярли барчасида (биттасидан ташқари) илиқ, самимий муносабатнинг гувоҳи бўлишади. Маълумки, ўша пайтларда ирқий белги бўйича одамларга танлаб муносабатда бўлишар, хитойликлар зам сарик танлилар сифатида камситиларди.

Лапьер билан ҳамроҳ бўлган талабаларга муносабат билан олимга бўлган муносабат ўртасида деярли фарқ сезилмади. Саёҳат тугагач Лапьер ўша барча меҳмонхона эгаларига миннатдорчилик хати ёзиб яна уша талабалар билан борса, яна ушандай илиқ кутиб олишлари мумкинлигини суради. Жавоб фақат 128 та эгаларидан келди. Уларнинг ҳам фақат 1 тасида ижобий жавоб, 58% да рад жавоби, қолганларида турлича формаларда ноаниқ жавоблар олинди. Бундан Лапьер шундай ҳулосага келди: демак Хитой миллатига мансуб шахсларга нисбатан ижтимоий установка билан меҳмонхона эгаларининг реал ҳуқуқ атворлари ўртасида фарқ бўлиб, аслида установка салбий эканлиги, вазиятга қараб эса у бошқача ижобий намоён бўлганлиги аниқланди. Ижтимоий установкаларга ҳос бўлган умумий қонуниятлардан яна бири унинг узоқ муддатли хотира билан боғлиқлиги. Айни вазиятларда шаклланган вазиятлар узоқ муддатли хотирада сақланиб, у ёки бу вазиятда актуаллашади яъни жонланади. Масалан, баъзи-бир этник стереотиплар ана шундай хотира образларидандир. Демак, ижтимоий установка объектга ва конкрет вазиятга боғлиқдир.

Шаклланган ижтимоий установканинг ҳаёт мобайнида ўзгариши муҳим психологик аҳамиятга эгадир.

Америкалик олим Ховланд фикрича, ижтимоий установка ўргатиш йўли билан ўзгариш мумкин. Яъни ўқувчилардаги турли установкакаларнинг ўзгартириш учун рағбатлантириш ёки жаҳолаш тизимин ўзгартириш лозим. Икки шахс ёки шахс билан гуруҳнинг установкалари мос келмай қолган шароитда эса, томонлардан бири онгли равишда ўз установкакаларини ўзгартириши шартдир. Акс ҳолда номутаносиблик принципига кўра, шахсаро низо ёки келишмовчиликлар бўлиши муқарар.

7-мавзу: Шахснинг ижтимоий психологик характеристикаси

Шахсни урганишнинг ижтимоий психология учун узига ҳослиги. Мулоқот жараёнининг ҳам, гуруҳий жараёнларнинг ҳам эгаси ҳам, субъекти ҳамда объекти аслида алоҳида шахс, конкрет одамдир.. шунинг учун ижтимоий психология алоҳида шахс муаммосини ҳам урганадики, уни уша турли ижтимоий жараёнларнинг иштирокчиси ва фаол амалга оширувчиси деган нуктаи назардан текширади.

Шахс муаммосига ижтимоий-психологик ёндошувнинг узига хослиги шундаки, у турли гуруҳлар билан буладиган турли шаклдаги узаро муносабатларнинг оқибати сифатида қаралади. Яъни, ижтимоий психология аввало бирор гуруҳнинг аъзоси ҳисобланган шахс ҳулк-атвори қандай қонуниятларга бўйсунганини, шахснинг мулоқотлар тизимида олган таъсирлари, унинг онгида қандай акс топишини урганади. Гуруҳнинг шахс психологиясига таъсири қай йусинда содир бўлиши ижтимоий психологияда социализация, яъни ижтимоийлашув муаммоси билан узвий боғлиқ бўлса, бу таъсирларнинг шахс хатти-ҳаракатлари, ҳулқиға бевосита қандай намоён бўлиши ижтимоий йул-йуриқлар муаммоси билан боғлиқдир. Ана шулар асосида шахсда шаклланадиган фазилатлар ва уларнинг турли типдаги шахсларда намоён бўлишини аниқлаган ҳолда, шахс ҳулк-атворини бошқариш механизмларини ишлаб чиқиш ижтимоий психологиянинг асосий вазифаларидан биридир.

Ижтимоий нормалар,санкциялар ва шахс.

Ижтимоий норма- шахс ҳаётида шундай категорияки, у жамиятнинг уз аъзолари ҳуқуқ-атвориға нисбатан эътироф этилган ҳаракатлар талабларидир. Нормаларни айрим алоҳида одам ишлаб чиқмайди, улар бир кун ёки бир вазиятда ҳам ишлаб чиқилмайди. Уларнинг пайдо булиши ижтимоий тажриба, ҳаётий вазиятларда қўччилик томонидан эътироф этилганлиги факти билан характерланади, ҳар бир жамият, давр, миллат ва ижтимоий гуруҳ психологияда мұҳрланади.

Ижтимоий санкциялар.Нормаларнинг шахс хулкида намоён булишини назорат килувчи жазо ва рағбатлантириш механизмлари булиб,уларнинг борлиги туфайли биз ҳар бир алоҳида вазиятларда ижтимоий ҳулк нормаларини бузмасликка,жамоатчиликнинг салбий фикр объектига айланиб қолмасликка ҳаракат қиламиз. Ҳар бир алоҳида шахс жамият томонидан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган ижтимоий нормалар ва санкцияларни у ёки бу ижтимоий ролларни бажариши мобайнида ҳулкида намоён этади.Рол- шахсга нисбатан шундай тушунчаки,унинг конкрет ҳаётий вазиятлардаги ҳуқуқ ва бурчларидан иборат ҳаракатлари мажмуини билдиради. Ҳаётда ҳақс бажарадиган ижтимоий роллар қуплиги сабабли ҳам,турли вазиятлардаги унинг мавқеи – статуси ҳам турлича булиб қолади.Ролларнинг қуплиги баъзан роллар зиддиятини ҳам келтириб чиқариши мумкинки,оқибатда шахс ички руҳий қийинчиликларни ҳам бошдан кечириши мумкин.

Ижтимоий таъсирларнинг шахс томонидан англанилиши Ижтимоий нормалар, санкциялар, роллар ижтимоий механизмлар сифатида шахс хулқ-атворини маълум маънода бошқариб, мувофиқлаштириб туришга ёрдам беради. Лекин инсоннинг комиллиги, унинг ахлоқ ижтимоий нормалар доирасидаги макбул ҳаракати унинг узига ҳам боғлиқдир.. . Одамнинг ўз-ўзини англаши ва ўз уқида ишлаши аввало унинг диққати, онги бевосита ўзига, ўз ички имкониятлари, қобилиятлари, ҳиссий кечинмаларига қаратилишини тақозо этади. Яъни, ижтимоий ҳулқ шахс томонидан уни ўраб турган одамлар, уларнинг ҳулқ атворларига эътибор беришдан ташқари, ўзининг шахсий ҳаракатлари ва уларнинг оқибатларини мунтазам тарзда таҳлил қилиб бориш орқали, ролларни мувофиқлаштиришни ҳам тақозо этади. Шахснинг ўзи, ўз ҳулқ атвори хусусиятлари, жамиятдаги мавқеини тасаввур қилишдан ҳосил бўлган образ “Мен” образи деб аталиб, унинг қанчалик адекватлиги ва реалликка яқинлиги шахс баркамоллигини мезонларидан ҳисобланади. “Мен” образининг ижтимоий-психологик аҳамияти шундаки, у шахс тарбиясининг ва тарбияланганлигининг муҳим омилларидан ҳисобланади. Шу нуқтаи-назардан олиб қаралганда, тарбия шахснинг ўзи ва ўз сифатлари тўғрисидаги тасаввурларининг шаклланиши жараёнидир деб таъриф бериш мумкин. Демак, ҳар бир инсон ўзини, ўзлигини қанчалик аниқ билса, тасаввур қилолса, унинг жамият нормаларига зид ҳаракат қилиш эҳтимоли ҳам шунчалки кам бўлади. Яъни у тарбияланган бўлади. Ўз-ўзини англаш ўзидаги мавжуд сифатларни баҳолаш жараёни кўпинча конкрет шахс томонидан оғир кечади. Яъни, инсон табиати шундайки, у ўзидаги ўша жамият нормаларига тўғри келмайдиган номаъқул сифатларни англамасликка, уларни яширишга ҳаракат қилади. Ҳаттоки, бундай тасаввур ва билимлар онгсизлик соҳасига сиқиб чиқарилади (З.Фрейд). бу атайлаб қилинадиган иш бўлмай, у ҳар бир шахсдаги ўз шахсиятини ўзига хос ҳимоя қилиш механизмидир. Бундай ҳимоя механизми шахсни кўпинча, турли хил ёмон асоратлардан, ҳиссий кечинмалардан асрайди. Лекин шунини алоҳида таъкидлаш лозимки «мен» образининг ижобий ёки

салбийлигида яна ўша шахсни ўраб турган ташки муҳит, ўзгалар ва уларнинг муносабати катта рол ўйнайди. Одам ўзгаларга қараб, гўёки ўзини ойнада кўргандек тасаввур қилади. Бу жараён психологияда рефлексия деб аталади. Унинг моҳияти айнан ўзига ўхшаш одамлар образи орқали, ўзи тўғрисидаги образни шакллантириш, жонлантиришдир. Шахснинг ўзи ҳақидаги образи ва ўз-ўзини англаши, ёш ва жинсий ўзига хосликка эга. Масалан, ўзига нисбатан ўта қизиқувчанлик ким эканлигини билиш ва англашга интилиш ўсмирлик даврида ривожланади. Бу даврда пайдо бўладиган "катталиқ" ҳисси қизларда ҳам ўсмир йигитчаларда ҳам нафақат ўзига, балки ўзгалар билан бўладиган муносабатларни ҳам белгилайди. Қизлардаги "мен" образининг яхши ва ижобий бўлиши, кўпроқ бу образнинг аёллик сифатларини ўзида мужассам эта олишига боғлиқ бўлса, йигитлардаги образ кўпроқ жисмонан баркамоллик мезонлари билан нечоғли уйғун эканлигига боғлиқ бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, шахсга сотсиал психологик ёндошиш, уни маълум гуруҳларнинг аъзоси, конкрет шароитда ўзига ўхшаш шахслар билан мулоқотга киришувчи, конкрет одам деб тушунишдир. Шахс сотсиолизатсияси тўғрисида гап кетаркан, сотсиолизатсия соф ижтимоий психологик тушунча бўлиб, у индивиднинг ижтимоий муҳитга қўшилиши, ижтимоий таъсирларни ўзига сингдириши ва актив равишда мулоқот сицемасига кириб бориши жараёнидир. Бу жараён икки томонлама бўлиб, бир томондан шахс актив равишда ижтимоий таъсирларни қабул қилади, иккинчи томондан эса, уларни ҳаётда ўз хулқ-атворлари, муносабатларида намоён этади. Бу жараён нормал индивидда табиий тарзда рўй беради. Чунки, индивидда шахс бўлишга эҳтиёж ҳамда, шахс бўлишига имконият ва зарурият бордир. Шунинг учун ҳам бола туғилиб, ижтимоий муҳитга қўшилган ондан бошлаб, унда шахс бўлишга интилишни, ундаги шаклланиш жараёнини кузатиш мумкин. Масалан, чақалоқлардаги бевосита эмотсионал мулоқотга эҳтиёжнинг борлиги. Шахс сотсиолизатсияси ёки шаклланишининг ўз соҳаси босқичлари ва муассасалари мавжуд. Шахснинг шаклланиши асосан уч соҳада амалга оширилади.

Фаолият соҳаси-яъни умри мобайнида шахс турли фаолиятларга бевосита ва билвосита жалб этилган бўлиб, бу жараёнда фаолиятлар жабҳаси соҳаси кенгайиб, бойиб бораверади. Ҳар бир фаолият тури индивиддан махсус фазилатларни малака ва кўникмаларни, билимларни талаб этадики, уларни қониқтириш ёлидаги активлиги унда ўзига хос ижтимоий психологик хусусиятлар комплексини шакллантиради;

2) Мулоқот соҳаси айниқса мактабгача ёш даврдаги ва ўсмирлик давридаги мулоқот сицемалари болада бир қанча ижтимоий психологик ҳислатларни пайдо қиладики, бунинг натижасида у, фаол ҳаётий мавқега эга бўлади. Жамиятда ўз ўрнини тасаввур қилишга эришади;

3) Ўз-ўзини англаш соҳаси, яъни "мен" образининг йил сайин ўзгариб бориши жараёни бўлиб, аввал ўзини бошқалардан фарқлигини, ўзича муцақил ҳаракат қилиш, муцақил фикр юрита олиш қобилиятини англаш, сўнгра эса, ўз-ўзини баҳолаш, назорат қилиш хусусиятлари ривожланадики, улар ҳам фаол шахс психологиясининг таркибий қисмларидир.

Шахс ижтимоийлашувининг ушбу босқичлари мавжуд:

Биринчи босқич-мехнат фаолиятгача бўлган босқич бўлиб, унга боланинг мактабгача ёш даври ҳамда ўқиш йиллари киради. Бу даврдаги ижтимоийлашувнинг аҳамияти ва ўзига хослиги шундаки, бу даврда асосан, ташки ижтимоий муҳит, ижтимоий таъсирлар фаол равишда онга сингдирилади. Муцақил ҳаётга тайёргарлик борасида муҳим босқич ўтилади.

Иккинчи босқич-мехнат фаолияти даври бўлиб, аввалги даврларда сингдирган ижтимоий таъсирларни бевосита фаол фаолиятда, шахслараро муносабатлар сицемасида намоён этади. Касбга эга бўлиб, аниқ ҳаёт ёлини англаган, турмуш қуриб, келгуси авлодни тарбиялаётган шахсда намоён бўладиган барча ижтимоий фазилатлар шу даврнинг махсулидир.

Учинчи босқич-мехнат фаолиятидан кейинги давр бўлиб, бунга асосан актив мехнат фаолиятидан сўнг қариллик гашпини сураётганлар киради. Бу даврда ҳам шахс ижтимоийлашуви давом этаверади. Чунки энди илгариги даврларда орттирилган тажриба бошқаларга узатилади. Шунга кўра шахс цруктурасига ҳам хусусий ўзгаришлар рўй беради. Бу жараён рўй берадиган шарт-шароитлар муассасалар хусусида гапираладиган бўлса, турли даврларда оила, болалар муассасалари, мактаб, мехнат жамоаларининг роли назарда тутилади.

Шахс типлари ва уларнинг ижтимоий психологик характерицикаси. Психологларнинг фикрича ижтимоий уцановкаларни ўзгартириш учун шу уцановкани сабаби бўлган вазият ёки

фаолиятнинг мақсади ва мотивини ўзгартириш шартдир. Уч нарса шахснинг актив онгли фаолиятида содир бўлади. Шундай қилиб, шахс сотсиализатсия жараёнида турли удановкаларини рўёбга чиқариш шароитида фаоллик кўрсатади. Шундай фаолликнинг натижаларини унинг ижтимоий психологик сифатларида кўрамыз. Яъни, актив биргаликдаги фаолият, ўзаро мулоқот жараёнида шахснинг ижтимоий психологик фазилатлари шаклланади. Шунинг учун ҳам барча сифатлар фаолиятда намоён бўладиган ҳамда мулоқотга қўйнадиган сифатлар гуруҳига бўлинади. Шу фазилатларни қанчалик намоён эта олишига қараб шахс типлар фарқланади.

1) Экстроверт ва интроверт типлар-бу типлар мулоқотга кириша олиш қобилиятига кўра фарқланади. Масалан, экстроверт ўта мулоқотга киришувчан, ўзини одамлар гуруҳисиз тасаввур қила олмайдиган шахсдир. Унинг учун мулоқот ҳақиқий эҳтиёждир. Бошқаларнинг уни тушуниш, тушунмаслигидан қатъий назар у доимо ўз фикр ишқларини ўртоқлашгиси келади. Экстроверт учун конкрет ким биландир мулоқотда бўлиш эмас, умуман ким бўлса ҳам мулоқотда бўлиш хоҳиши муҳим. Экстровертни қизиқишлари ҳам тез-тез ўзгариб туради. Бундан ташқари у ўта киришувчан булганлиги учун шароитда вазиятдан чиқиш ёллари хусусида тез хулосага келади. Интроверт эса экстровертнинг тескариси. У кўпроқ ички диалог формасидаги мулоқотни афзал кўради. Яъни, ёлғизликда мулоҳаза юритиш, ўзи ҳақида ўйлаш ва шунга ўхшаганлар унинг учун асосий ишдир. Интровертларда мулоқотга удановка жуда суц. Одамларнинг уни тушунмай қолишларидан доимо хавотирда бўлди.

2) Мобил ва ригид типли суҳбатдош. Бу шахс типлари мулоқотга киришиш мезонига кўра фарқланади. Масалан, мобил тип ҳар қандай иш билан машғул бўлган шароитда жуда тез мулоқотга киришади. Лекин бошқа нарсаларга ҳам диққатини қўчириши мумкин. У тез гапиради, доимо шўшади, юз ифодалари ҳам тез ўзгаради. Суҳбат мавзусини ҳам тез-тез ўзгартириб утришга мойил. Гаплашиб кетиши қанчалик осон бўлса, гапни тугатиб хайрлашиб кетиши ҳам осон. Ригид суҳбатдош унинг акси. Бундай шахс қатъиятли, дадил бўлса ҳам бир фаолият туридан, иккинчисига қўчиши жуда қийин. У маълум муддатни талаб этади. Чунки, у ўйламасдан иш қила олмайди.

3) Доминант ва тобе типли шахслар. Доминант тип мулоқот жараёнида сира ҳам бошқалардан пац келишни хоҳламайди. Савол берилса, хоҳласа жавоб беради бўлмаса индамаслиги ҳам мумкин. У доимо суҳбатдошга таъсир кўриши, унинг бўйсунлигини хоҳлайди. Унда эгоизм ҳисси кучли. Ўзи хато фикр юритса, хатолигини суҳбатдош сезса ҳам бўйнига олишни ицамайди. Доминант тип қатъиятли. Тобе типли шахс эса суҳбатдошнинг беришга тайёр. Шунинг учун ҳам у кам жанжаллашади. Лекин ёмон кўриб қолган одам билан умуман гаплашмайди. Суҳбат шароитидагина у аца-секин ўзининг дадиллигини кўрсатиши, очик гаплашиши, баъзан эътирозлар билдириши мумкин. Тобе шахсли болаларни раъбатлантириш мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун ҳам уларни мактаб туриш, руҳан қўллаб туриш керак.

Юқоридаги келтирилган типларни кузатар эканмиз, барчасида яхши ва ёмон, ноқулай сифатлар борлиги кўрамыз. Ҳаётда кўпинча соф у ёки бу тип вакили учрамайди. Лекин, у ёки бу вазиятларда тақдорланадиган фазилатларга қараб, одамларни типларга ажратамыз. Бундан ташқари, бир марта кўришда одам ҳақида хулоса чиқариб бўлмайди. Уни турли шароитларда бир неча марта кузатиш лозим.

ОИЛА ПСИХОЛОГИЯСИ

Мамлакатимизда барча аҳолининг 97 фоизи оилаларга бирлашиб яшайди, қолган уч фоизи – яъни, ёлғиз қолган кексалар, ота-онадан етим бўлиб қолган ва Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётганлар, бошқа юртдан келиб вақтинчалик Ўзбекистонда истиқомат қилаётганлар ҳам оила аъзолари, яқинлари, юртдошлари, турли давлат ва нодавлат ташкилотларидаги инсонпарвар одамларнинг меҳридан дариғ эмас. Шу маънода оила – инсон ўз бахти ва саодати, орзу-хаваслари, мақсад-муддаоларини муштарак қилган, ўзини инсон сифатида идрок этиб ҳаёт нашидасини сурадиган муқаддас макондир.

Оила – ижтимоий институтларнинг энг қадимгисидир. Инсоният бошидан кечирган тарихий даврларнинг қанчалик турфа ва мураккаб бўлишига қарамай, айниқса, XIX ва XX асрларда рўй берган буюк ўзгаришлар ва ислохотларга дош бера олган ушбу маскан ўз тизими, таркиби ва жамият олдида турган мажбуриятларини бажариши нуктаи назаридан соғ омон сақланиб қолган тузилмадир. Оилани инсонлар ташкил этгани ва ундаги ҳаёт-мамотни

улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ташкил қилишини ҳисобга оладиган бўлсак, уни соф психологик жараёнлар маскани ҳам деб аташ мумкин.

Оила – жамиятнинг ажралмас бўлаги. Бирор бир халқ, миллат ёки жамият йўқки, у ўзининг ривожланиш тарихида ва тараққиёт истиқболини белгилашда оила ва унинг атрофидаги муаммоларни, қадриятларини инобатга олмаган бўлса. Ҳар қандай истиқбол оиланинг манфаатларидан айро тасаввур қилинмайди. Зеро, ҳар бир инсон учун оила – бу умрнинг бошланиши, барча нарсаларнинг муқаддимасидир. Қолаверса, ҳар бир инсон ўз бахти ва саодатини энг аввало оиласи билан боғлайди, яъни, ўз уйи, оиласида бахтли бўлган инсонгина ўзини тўлақонли бахтиёр ҳис этади.

8 – мавзу: Ҳозирги замон оиласининг турлари , унга хос хусусиятлари ва вазифалари

«Оила психологияси» фани Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг оила муносабатлари ва масалаларига бағишланган илк нишона медаларидан биридир.

Инсон дунёга келар экан, у мустақил ҳаракатланиш, юриш, ўқиш, ёзишдан бошлаб табиат ва жамиятнинг барча мураккаб қонунлари билан юзма-юз келганда нималар қилиш кераклигига ўргатилади. Ёки бунга махсус ўқитилади. Шу билан бирга умримизнинг ярмидан кўпини қамраб оладиган, ҳаётга чинаккам, тўлақонли инсоний бахтни инъом этадиган ёки аксинча ҳар томонлама таъминланганимизда қарамасдан бизнинг бахтимизни яримта қиладиган оилавий ҳаётдир.

Афсуски, ёшларни ана шу мураккаб оилавий ҳаёт жараёнига тайёрлаш бизнинг давримизгача режасиз равишда олиб борилган. Яни бу масала шу вақтгача жамиятда ўз ҳолига ташлаб қўйилган эди. Ўзбекистоннинг мустақиллиги ва Президентимизнинг доно сиёсати туфайли Республикада оила муаммолари давлат аҳамиятига молик бўлган масалалар қаторидан расмий равишда ўрин олди.

1998 йилни «Оила йили» деб эълон қилиниши, «Оила илмий-амалий» марказининг ташкил этилиши, Республикада оила манфаатига қаратилган махсус Давлат дастурининг қабул қилиниши, унинг мантиқий давоми сифатида 1999-йилни «Аёллар йили», 2000 йилни «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиниши, оила муаммоларини илмий тадқиқ этиш мақсадида Ўзбекистон тарихида биринчи бор оила психологияси муаммолари бўйича тадқиқотлар олиб борадиган илмий кадрларни тайёрлаш мақсадида аспирантура т.ашкил этилиши юқоридаги фикримизнинг далилидир.

Оила психологияси курсининг мақсади:

-Оила психологиясига доир энг муҳим билимларни бериш ва улар асосида тегишли малакалар ва кўникмаларни шакллантириб, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашдир.

-Оиланинг ижтимоий ва этнопсихологик хусусиятлари оила психологияси курсининг предметини ташкил қиладир.

Оила психологияси курсининг мақсади ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашдан иборатдир. «Оила психологияси» курсининг яратилиши ва унинг ўқув предметлари қаторида, мактаб, коллеж литцей ва олий даргоҳларда ўтилиши ҳам Республикамиз Ҳукумати томонидан юритилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг мантиқий ва мазмуний давомидир.

Оилавий ҳаёт психологияси курсининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Оиланинг шахсни шаклланишидаги роли ҳақида ёшларда тўлақонли тасаввур шакллантириш

2. Ёшларни оиланинг ижтимоий тарихий келиб чиқиши ва юзага келгандан сўнг оилавий ҳаёт давомида бўладиган ўзгаришлар ҳақидаги илмий асосланган билимлар билан таништириш

3. Ёшларда оилавий ҳаётда муқаррар равишда содир бўладиган ўзгаришлар, муаммолар, қонуниятлар ҳақида илмий асосланган тўлақонли тасаввурни шакллантириш ва уларни бу жараёнларга тайёрлаш

5. Ёшларда оилавий ҳаётнинг ўзига хос хусусиятларини илмий асосланган тарзда талқин этиб, муаммоли вазиятлардан психологик жиҳатдан оқилона (оилага ва унинг мустақамлигига

салбий таъсир этмаган ҳолда) чиқиш имконини берувчи малакаларни шакллантириш

6. Ёшларда ўзларида турмуш ўртоғини тўғри танлов малакаларини шакллантириш
7. Ёшларни оиладаги мулоқотга тайёрлаш
8. Ёшларни оилани режалаштиришга ўргатиш
9. Ёшларни жинсий ҳаётга илмий асосда тайёрлаш
10. Ёшларда оиланинг мустақамлигини таъминловчи билим ва малакаларни шакллантириш
11. Ёшларда оилани ўрганувчи психологик таъхис, методикалари билан ишлаш ва улар ёрдамида олдиндан натижалари тўғри талқин этиш малакаларини шакллантириш.

Оила ва никоҳ муносабатлари эволюцияси.

Оила ва никоҳ муносабатлари психологиясига оид масалалар билан танишишдан аввал, ҳозирги замон оиласининг, умуман никоҳ-оила муносабатларининг юзага келиши ва ривожланиш тарихи ҳақида зарур маълумотларга эга бўлиш мақсадга мувофиқдир.

Шунга асосланган ҳолда куйида инсоният жамияти тараққиёти давомида никоҳ-оила муносабатларининг эволюцияси ҳақида қисқача тўхталиб ўтаемиз.

Махсус манбаларда қайд этилишича, ер юзида бундан 4 млрд. йиллар муқаддам ҳаёт нишонлари, жонзотлар юзага келган. Ҳозирги замон одамларининг дастлабки ибтидоий аجدодлари (*Homo-sapiens*)-фигуровчи одам бундан 3 млн йиллар муқаддам шаклланган узоқ муддат давом этган ибтидоий тараққиётдан сўнг аста-секинлик билан ибтидоий жамоалар, кишилиқ жамиятлари юзага кела бошлаган ва одамлар ўртасида дастлабки ўзаро муносабатлар, мулоқотлар шакллана борган. Лекин уларни ҳали том маънода инсоний муносабатлар деб бўлмас эди.

Умуман эркак ва аёлларнинг бир-бирларига нисбатан қарама-қарши жинс вакиллари сифатида ўзаро муносабатларининг илк кўринишларида, яни никоҳ муносабатларининг юзага келишининг илк босқичларида жинслар ўртасидаги муносабатлар асосан биологик омиллар билан бошқарилган.

Худди маймунларда бўлгани каби ибтидоий одамларнинг аёллари ҳам вақти-вақти билан, қисқа муддатли (ой давомида 4-5 кундан 19 кунгача) «эструс» деган ҳолатни, эструс даврини ҳис қилганлар. («эструс»- қўшилишга мойилликнинг кучли намаён ОУЛИШИ). Бундай кунларда аёллар кимни хоҳласа, ўшалар билан Оирга бўлверишган.

Одамларнинг тик юришга ўтиши билан одам организмида рўй берган ўзгаришлар, «илк аёлларни» кўз ериш жараёнида кўп нобуд бўлишига ва оқибатда одамлар тўдасида, аёллар сонининг кескин кўпайиб кетишига олиб келган. Шу туфайли эркаклар ўртасида кўплаб низолар вужудга келган. Бундай табиий танланиш *эструс* ҳодисаси узоқроқ муддат давом этган уруғларнинг кўпроқ яшаб қолишига олиб келган.

Эркакларга нисбатан «танлов» муносабатда бўлиш ўзига хос инсоний муҳаббатнинг биологик пойдевори юзага кела бошлаганлигидан далолат беради. Шу ўринда таъкидлаб ўтишимиз жоизки, ҳозирги одам тушунадиган, ҳис қиладиган «севги» ҳиссининг илк элементлари, аёлларнинг «эструс» ҳолати хусусияти эвазига инсоният руҳиятига сингиб борган. Шулардан сўнг, аста-секинлик билан гарчи ҳеч қандай ижтимоий меъёрлар билан бошқарилмасада, бир-бирларини шахвоний маъқул кўрадиган жуфтлардан иборат унчалик катта бўлмаган гуруҳлар ташкил топа бошлайди. Шундай қилиб, эструснинг узайиши ҳамма учун ҳам қулай, маъқул бўлмаган. Бу эса у*уғ таркибига кировчи эркаклар ўртасида яна жанжаллар қон тўкилишларга сабаб бўладиган ҳолатларни келтириб чиқарган.

Одамлар жамоаси ҳўжалиқ фаолиятининг жиддий бузилиши, у^тининг яшаб қолиши учун хавфнинг рўёбга чиқишига олиб келди. Шу тарзда юзага келаётган жамиятда, Уруғ ичидаги жинсий мулоқотни бошқариш биологик инстинкт, зоологик индивидуализмни жиловлаш учун махсус ижтимоий меъёрлар шакллана бошлади. А^на шундай ижтимоий меъёрлардан бири мазкур Уруғ ичида эркак ва аёлларнинг жинсий мулоқотларини маълум бир муддатда (овга тайёрланиш, ов вақтларида) тақиқловчи жинсий табулар (таъқиқлаш)нинг юзага кела бошлаганлигидир.

Табу-ахлоқий меъёрларга қараганда анча жиддий ва қаттиқ тақиқдир. Ақлоқий меъёрларни бузувчиларни жамоа жазолаши, уни йўқ қилиб юбориши ҳам ёки кечириб тирик қолдириши ҳам мумкин бўлган. Кўпинча эса табуларни бузганлар, улар бунини билиб қилганми, ёки билмайми бундан қатъий назар, сўзсиз жазоланган, йўқ қилиб юборилган. Ишлаб чиқаришдаги жинсий табуларнинг юзага келиши Уруғ ўртасида эркак ва аёлни маиший ажратиш билан кузатилади. Табу вақтида эркаларнинг нафақат аёлларга тегиниши, балки уларга қарши, улар билан гаплашиши, улар тайёрлаган овқатни истеъмол қилиши, ҳатто улар билан бир том остида яни «бир уйда» бўлиши тақиқланган. Деҳқончиликнинг юзага келиши мавсумий дала ишларининг ортиб бориши билан жинсий табулардан ҳоли вақтлар борган сари кам муддатли бўлиб бораверган. Ўз навбатида табулар кейинчалик никоҳнинг илк турларидан бўлмиш **экзогам** никоҳларни юзага келтиради. (экзогам никоҳ-Уруғлараро, қабиалараро никоҳ). Чунки табулар фақат ўз уруғи учунгина тааллуқли бўлиб, унда қон-қариндошлар ўртасида жинсий мўғоқот таъқиқ ая ан бошқа қабила ёки Уруғ аъзогарига эса таъаллуқли бўлмаган,

Шунинг учун эркаларга қаратадир, овлоқ жойда бошқа уруғга мансуб бўлган аёлни учратиш қилиб ундан шахвоний объект сифатида фойдаланиш мумкин бўлган. Мабодо эркалар узоқ муддат қишлоқ хўжалик ишлари билан банд бўлган вақтларида Бирон бир бегона эркак билан аёллар ҳам бу ишни қилишган.

Кейинчалик бу тасодифий алоқалар қабила қоидалари одатий, зарурий, кўзда тутилган одатларга айланиб боради. Бу ўринда одамларга, бу «бошқа уруғдагилар» билан бўлган алоқалардан тутилган нарсалар нисбатан бўйдоқ, бақувват, абжир эканлиги сезилиб боради. Бу айнан ҳозирги замон одами 'дотозарюпз' шакллана бошлаган даврга тўғри келади.

Шундай қилиб эндогамия (фақат бир уруғ вакиллари ўртасидаги жинсий алоқа)дан агамия, яни жинсий муносабатларнинг вақтинчалик тақиқланиши орқали экзогамия (турли қабила вакиллари ўртасидаги мунтазам жинсий алоқа) юзага келди. Бундан никоҳнинг гуруҳли никоҳ (дуалнорадовой) тури юзага келган. Гуруҳли никоҳнинг юзага келиши никоҳ жуфтлари даврасини маълум бир гуруҳ аъзолари билангина чегаралаб, бирмунча қисқартиради.

Гуруҳли никоҳ икки уруғнинг никоҳ алоқаларидан иборат бўлган-никоҳ муносабатларининг биринчи шакли бўлган.

Гуруҳли никоҳ шахсий никоҳ бўлмаган, яни унда бирон-бир доимий «эр-хотинлик» жуфтлари мавжуд бўлмаган. Шунингдек, оила деб аташ мумкин бўлган, болаларни боқиш ва тарбиялаш билан боғлиқ бўлган алоҳида бир муҳаббат ҳам бўлмаган. Гуруҳли никоҳда боланинг отаси ким эканлигини аниқлаш мушкул бўлган, болалар фақат ўз онасинигина билганлар. Гуруҳли никоҳнинг моддий асоси бўлиб, асосан уй хўжалигини юритиш ҳисобланган. Бу даврда аёл уй хўжалик ишлари билан боғлиқ бўлган барча ишларни бажарган ва шу билан боғлиқ ҳодда Уруғ аъзолари ўртасида ўзига ҳос ҳурматга эга бўлган. «Оналик» матриархат даври бир неча ўн минг йиллар давом этган. Кейинчалик гуруҳли никоҳ доирасида ўзаро майллар заминида етарлича доимий жуфтлар шакллана бошлади. Уруғнинг айрим аъзоларида ортиқча маҳсулот, шахсий мулкнинг пайдо бўлиши, оиланинг шаклланиши томон қўйилган янги қадам бўлган. «Совға айрибошлаш»ни юзага келтирди. Шу тариқа никоҳнинг яна бир тури индивидуал никоҳ юзага келган. Шунини айтиш жоизки, жуфтли оиланинг юзага келиши, бошиданоқ уни ўз уруғига қарши қўйишни ва оналик Уруғи асосларининг бузулишига олиб келишини билдирган. Яни эркак киши ўз мукофотини бошқа уруғдаги «Ўз аели» ва унинг болаларига қашалик кўп берса, унинг ўз оналик уруғига шунчалик кам улуш қолган. Жуфтли оилаларнинг янада асослироқ бўлиши учун совға дгоибошлаш ноадекват бўлиши керак эди, яни, эрнинг совғаси хатинниқидан кўпроқ бўлиши керак Шундай қилиб эр хотиннинг болаларини боқувчиси бўлиб қилиши лозим эди, шу билан бирга эркаларнинг хотин ва унинг болалари билан алоқаси мунтазам ва узоқ муддатли бўлиб борди. Ниҳоят қабиалараро никоҳ заминида доимий ўрин олган хўжалик бирлиги- жамос ташкил топди, унга эрлар ўз хотинлари ва болалари билан кирди. Эркалар ўз сингилларидан, аёллар

эса, ўз ака-укаларидан ажралишди. Янги иқтисодий ҳўжалик бирлиги еки оиланинг яна бир тури-жуфт оила юзага келди. Энди никоҳ ўзига, хотиннинг болаларини тарбиялаш ва боқишни таъминлашни мақсад қилиб қўйган эркак ва аёлнинг иттифокига айланди.

Ҳадислар

Оллоҳ Таолло Нисо сурасида айтадики: «Эй одамлар, сизларни бир жондан яратган ва ундан ўзига жуфт яратган парвардигорга тақво қилингки, шу жуфтидан қўпгина эркагу-аёлларни таркатди».

«Уйланиш Исломда муқаддас аҳднома ва васиқадир. Нур сурасида: ва аёллар сизлардан ишончли Васиқа олганлардир» дейилган.

Ислом динида мол-мулкни сарфлашда эркак ва аёлни тенглаштирган бўлсада, меросда ундай қилмади. Бир эр кишига икки аёлнинг насибасини тайин қилди. Бу ҳам адолатли ҳукмдир, чунки Ислом доирасида эркак кишининг молиявий маъсулияти аёл кишиникига нисбатан бир неча марта қўпдир. Агар аёл киши боқувчисиз бўлса, уни давлат ўз қафолатига олади. Шунингдек унинг болаларини боқиш ҳам отанинг ёки ота тарафидан бўлган қариндошларнинг вазифасидир.

Эркаклар ўз сингилларидан, аёллар эса, ўз ака-укаларидан ажралишди. Янги иқтисодий ҳўжалик бирлиги еки оиланинг яна бир тури-жуфт оила юзага келди. Энди никоҳ ўзига, хотиннинг болаларини тарбиялаш ва боқишни таъминлашни мақсад қилиб қўйган эркак ва аёлнинг иттифокига айланди.

Ҳадислар

Оллоҳ Таолло Нисо сурасида айтадики: «Эй одамлар, сизларни бир жондан яратган ва ундан ўзига жуфт яратган парвардигорга тақво қилингки, шу жуфтидан қўпгина эркагу-аёлларни таркатди».

«Уйланиш Исломда муқаддас аҳднома ва васиқадир. Нур сурасида: ва аёллар сизлардан ишончли Васиқа олганлардир» дейилган.

Ислом динида мол-мулкни сарфлашда эркак ва аёлни тенглаштирган бўлсада, меросда ундай қилмади. Бир эр кишига икки аёлнинг насибасини тайин қилди. Бу ҳам адолатли ҳукмдир, чунки Ислом доирасида эркак кишининг молиявий маъсулияти аёл кишиникига нисбатан бир неча марта қўпдир. Агар аёл киши боқувчисиз бўлса, уни давлат ўз қафолатига олади. Шунингдек унинг болаларини боқиш ҳам отанинг ёки ота тарафидан бўлган қариндошларнинг вазифасидир.

Ҳозирги замон оиласининг турлари

Ҳозирги замон оиласининг асосий функциялари

Олдинги мавзумизда оила, никоҳ ҳақида, никоҳ-оила муносабатларининг юзага келиши ва ривожланиши ҳақида, оиланинг классик турлари ҳақида фикр алмашдик. Унда келтириб ўтилган оила турлари классификациясига кўра ҳозирги замон оиласи «Моногом оила» лардан иборатдир. Бироқ ҳозирги замон моногом оиласи ҳам ўз навбатида бир-биридан тузилиши, таркиби, моҳияти ва бошқа хусусиятларига кўра яна бир қатор турларга бўлинади. »Ҳозирги замон оилаларининг қандай турларга эга эканлиги ва уларнинг ижтимоий-психологик хусусиятларини билиш, иларга хос муаммоларни ўрганиш, оилавий ҳаётда рўй бериши мумкин бўлган ноҳушликларнинг олдини олиш имконини беради. Қуйида шулар ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Оила уни характерловчи турли мезонларга кўра қуйидагиларга фарқланади.

1. **Тўлиқлигига кўра:** тўлиқ, нотўлиқ ва қайта тузилган (иккинчи никоҳ) оилалар.

2. **Болалар сонига кўра:** нуклеар (ота-она ва болалардан иборат бўлган) ва қўп бўғинли (икки ва ундан ортиқ авлоддан иборат оила аъзолари бирга яшовчи) оилалар.

3. **Болалар сонига кўра:** фарзандсиз, бир болали, икки болали, 3-4 болали, 5 ва ундан ортиқ болали оилалар. Турли мамлакатларда бу мезонлар турличадир. Масалан, АҚШ, Франция, Германия, Греция, Россия ва бошқа ривожланган давлатларда 3-4 болали оилалар қўп

болали оилалар ҳисобланади. Ўзбекистонда бундай оилалар фарзандлар сони ўртача бўлган оилалар сарасига киради.

4. **Эр-хотиннинг ижтимоий кехиб чиқишига кўра:** ишчилар, деҳқонлар, хизматчилар, зиелilar оиласи, аралаш типдаги оила.

5. **Эр-хотиннинг маъхумот савиясига кўра:** олий маълумотлилар, ўрта-махсус, ўрта, тугатилмаган ўрта, махсус ердмчи мактаб маълумотиға, ва турли савиядаги маълумотға эға бўлган қайлиқ ғсфдан ташкил топғна оиға.

6. **Оиланинг «ёишга» кўра:** ёш оила (1 йилгача 3-5 йиллик, 6-10 йиллик турмуш тажрибасига эға бўлган оилалар), ўрта ёшдаги оила, етук ёшдаги оила (қариялар оиласи).

7. **Эр-хотинларнинг ота-она оиласи** (ота-онаси)нинг моддий таъминганлик даражаси жихатидан қудаларнинг бир-бириға мос эканлиги ёки улар орасида катта тафовут мавжудлиги бўйича бир-бириға мос ва мос бўлмаган оилалар.

8. **Регионал жихатларига кўра:** шаҳар, қишлоқ, аралаш типдаги оила.

9. **Никоҳдан қоникқанлик савиясига кўра,** ажралиш савиясига-никоҳдан қоникқанлик даражаси қуйи савияда бўлган оила, ўрта савияда ва никоҳдан қоникқанлик даражаси юқори савиядаги оила.

10. **Оилада аёл ёки эркак етакчилигига кўра:** эр етакчи бўлган оила, хотин етакчи бўлган оила, эр ва хотин етакчилигини бирға бажарадиган (биархат) оила.

11. **Оилада эр-хотин орасидаш муносабатларға кўра:** авторитар, демократик, либерал, аралаш турдаги оилалар.

12. **Эр-хотинларнинг миллатига кўра:** бир миллатли ёки байналмилал оилалар. Байналмилал оилаларни ўз навбатида иккиға бўлиш мумкин:

- дини, урф-одатлари ёки тили бир гуруҳға кирган миллат вакиллари орасида никоҳлар, масалан: ўзбек-тожик, ўзбек-қозоқ, ўзбек-туркман, рус-украин, ўзбек-татар ва бошқалар.

- дини, урф-одатлари ёки тили бир гуруҳға кирмаган миллат вакиллари орасидаги никоҳлар, масалан: ўзбек-рус, ўзбек-украин, ўзбек-эстон ва бошқалар

13. **Юридик расмийлаштирилганлигига кўра:** синовдаги оила (бирға яшашади аммо ҳали никоҳни расмийлаштирмаган, чунки бир~ бирларини норасмий никоҳда синашяпти),

13. **Юридик расмийлаштирилганлигига кўра:** синовдаги оила расмийлаштириш арафасидаги оила (бирға яшашади, оила қуриш мақсади аниқ аммо, айрим объектив сабабларға кўра расмийлаштириш кечиктирилаяпти), никоҳдаги оила, никоҳдан ташқарии оила (айрим эркак кишиларнинг иккинчи, учинчи, юридик жихатдан норасмий оиласи). Никоҳдан ташқари оилаларнинг айримлари пинҳона бўлса, кўпчилиги ҳақида эркак кишининг биринчи оиласи ва қариндошлари билишади.

Оиланинг юқоридаги шартли ижтимоий-психологик классификацияси, уларға хос психологик хусусиятлар мутахассис (социолог, психолог) лар томонидан илмий ўрганилиши ва ёшларни оилавий ҳаётға тайерлашда хизмат қилиши керак.

Оила классификацияси. Оиланинг асосий функциялари

Ҳар бир оила ижтимоий тизим структура сифатида жамият олдида маълум бир функцияларни бажаради. Оиланинг ижтимоий-функциялари ҳақида гапирганда бир томондан жамиятнинг оилаға таъсирини, иккинчи томондан эса, умумий-ижтимрий тизимда оиланинг ўрнини, оиланинг ҳал қиладиган ижтимоий-функцияларини ҳисобға олиш лозим.

Барча олдинги жамиятларда оила қуйидаги асосий функцияларни бажарган: иқтисодий, репродуктив, тарбиявий, рекреатив, коммуникатив, регулятив (бошқарув).

Бу ҳақда шарқ алломалари: Абу Носир Фаробий, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Ибн Сино, Амир Темур, Алишер Навоий, Аҳмад Дониш ва бошқалар ўз асарларида ёзиб қолдирганлар. •

Албатта, бу санаб ўтилганлар ҳозирги замон оиласини асосий функцияларининг ягона классификациясини ташкил эта олмайди. Чунки, айрим манбааларда: наслни давом эттириш, тарбиявий, ҳўжалик ва ўзаро ёрдам каби функциялар ҳозирги замон оиласининг муҳим функциялари сифатида кўрсатиб ўтилган, социолог олимлар (У.М.Свердлов, В.А.Рясенсов, В.П.Ключников) эса инсон зотини давом эттириш, болаларни тарбиялаш ва ҳўжалик функцияларини фарқлайди; С.Д.Лаптенко ҳўжалик-маиший, аҳоли сонини қайта тиклаш, тарбиявий ва оила аъзолари дам олиши-ҳордиқ чиқаришини ташкил этиш; Н.Г.Юркевич-маънавий мулоқот, сексуал, болаларни дунёга келтириш, тарбия жараёнидаги ҳамкорлик, уй ҳўжалигини юритиш учун зарур воситаларни таъминлаш, дам олишни ташкил қилиш, ўзаро моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш; А.Г.Харчев-аҳоли сонини қайта тиклаш, ижтимоийлашув, ҳўжалик истеъмол ва дам олишни ташкил қилиш кабиларни фарқлайди. Мана, юқоридагилардан кўриниб турибдики, қатор оилашунос мутахассислар томонидан оиланинг асосий функциялари турлича классификация қилинмоқда. Бу ўринда оила функцияларини шунчаки санаб ўтиш эмас, балки уларни, бир томондан, одамларнинг моддий, ҳўжалик-маиший ва иккинчи томондан, эмоционал ва ижтимоий-психологик эҳтиёжларини қондирувчи функцияларга фарқлаш муҳим.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, ҳозирги замон оиласида эмоционал ва ижтимоий-психологик жараёнларни қондириш функциясининг аҳамияти ортиб бормоқда. Ҳатто соф моддий характерга эга бўлган функцияларда ҳам ҳиссийлик кўпроқ тус олиб бормоқда.

Олдинги мавзумизда оила, никоҳ ҳақида, никоҳ-оила муносабатларининг юзага келиши ва ривожланиши ҳақида, оиланинг классик турлари ҳақида фикр алмашдик. Унда келтириб ўтилган оила турлари классификациясига кўра ҳозирги замон оиласи «Моногом оила» лардан иборатдир. Бироқ ҳозирги замон моногом оиласи ҳам ўз навбатида бир-биридан тузилиши, таркиби, моҳияти ва бошқа хусусиятларига кўра яна бир қатор турларга бўлинади. »Ҳозирги замон оилаларининг қандай турларга эга эканлиги ва уларнинг ижтимоий-психологик хусусиятларини билиш, иларга хос муаммоларни ўрганиш, оилавий ҳаётда рўй бериши мумкин бўлган ноҳушликларнинг олдини олиш имконини беради. Қуйида шулар ҳақида қисқача тўхталиб ўтамыз.

Ҳозирги замон оиласининг асосий функциялари

Ҳар бир оила ижтимоий тизим структура сифатида жамият олдида маълум бир функцияларни бажаради. Оиланинг ижтимоий-функциялари ҳақида гапирганда бир томондан жамиятнинг оилага таъсирини, иккинчи томондан эса, умумий-ижтимоий тизимда оиланинг ўрнини, оиланинг ҳал қиладиган ижтимоий-функцияларини ҳисобга олиш лозим.

Барча олдинги жамиятларда оила қуйидаги асосий функцияларни бажарган: иқтисодий, репродуктив, тарбиявий, рекреатив, коммуникатив, регулятив (бошқарув).

Бу ҳақда шарқ алломалари: Абу Носир Фаробий, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Ибн Сино, Амир Темур, Алишер Навоий, Аҳмад Дониш ва бошқалар ўз асарларида ёзиб қолдирганлар. •

Албатта, бу санаб ўтилганлар ҳозирги замон оиласини асосий функцияларининг ягона классификациясини ташкил эта олмайди. Чунки, айрим манбааларда: наслни давом эттириш, тарбиявий, ҳўжалик ва ўзаро ёрдам каби функциялар ҳозирги замон оиласининг муҳим функциялари сифатида кўрсатиб ўтилган, социолог олимлар (У.М.Свердлов, В.А.Рясенсов, В.П.Ключников) эса инсон зотини давом эттириш, болаларни тарбиялаш ва ҳўжалик функцияларини фарқлайди; С.Д.Лаптенко ҳўжалик-маиший, аҳоли сонини қайта тиклаш, тарбиявий ва оила аъзолари дам олиши-ҳордиқ чиқаришини ташкил этиш; Н.Г.Юркевич-маънавий мулоқот, сексуал, болаларни дунёга келтириш, тарбия жараёнидаги ҳамкорлик, уй ҳўжалигини юритиш учун зарур воситаларни таъминлаш, дам олишни ташкил қилиш, ўзаро моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш; А.Г.Харчев-аҳоли сонини қайта тиклаш, ижтимоийлашув, ҳўжалик истеъмол ва дам олишни ташкил қилиш кабиларни фарқлайди. Мана, юқоридагилардан кўриниб турибдики, қатор оилашунос мутахассислар томонидан оиланинг асосий функциялари турлича классификация қилинмоқда.

Бу ўринда оила функцияларини шунчаки санаб ўтиш эмас, балки уларни, бир томондан, одамларнинг моддий, ҳўжалик-маиший ва иккинчи томондан, эмоционал ва ижтимоий-психологик эҳтиёжларини қондирувчи функцияларга фарқлаш муҳим.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, ҳозирги замон оиласида эмоционал ва ижтимоий-психологик жараёнларни қондириш функциясининг аҳамияти ортиб бормоқда. Ҳатто соф моддий характерга эга бўлган функцияларда ҳам ҳиссийлик кўпроқ тус олиб бормоқда.

Инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичида ҳозирги замон оиласининг асосий функциялари қаторида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин иқтисодий, репродуктив, тарбиявий, рекреатив, коммуникатив, регулятив (бошқарув феллоцитологик каоилар).

Оиланиш иқтисодий ва репродуктив функцияси.

Оиланинг иқтисодий функцияси унинг асосий функцияларидан бири ҳисобланади. Оила иқтисоди, бюджети, даромадини режали сарфлаш, қундалик харажатга, зарур буюмларга пул ажратиш, бир неча йилдан сўнг олинадиган нарсаларга маблағ йиғиш, тежаб бозор юритиш эр-хотиннинг катта тажриба, малакасига эга бўлишларига боғлиқ. Шунингдек, оилада ўсаётган бола ҳам манна шу малака ва қўникмаларига эга бўлиб бориши зарурлигини унутмаган ҳолда болага иқтисодий масалаларни ҳал этишни ўргата бориш лозим.

Оила ўзининг шу функцияси туфайли жамиятга, давлатга катта иқтисодий фойда келтиради.

Оиланинг муҳим бўлган функцияларидан яна бири бу унинг репродуктив (жамиятнинг биологик узлуксизлигини таъминлаш, болаларни дунёга келтириш) функциясидир. Бу функциянинг асосий моҳияти инсон турини давом эттиришдан иборатдир. Оила вазифаси фақатгина Янги авлодни дунёга келтирибгина қолмасдан, уларни инсоният пайдо бўлган даврдан бошлаб яшаб келаётган илмий ва маданий ютуқлари билан таништириш, уларнинг саломатлигини сақлаб туришдан ҳам иборатдир. Табитан берилган авлод қолдириш инстинкти одамда фарзанд кўришга, уларни ўстиришга. Бу эҳтиёжларни қондирмасдан туриб, киши одатда ўзини бахтиёр ҳис қила олмайди.

Оиланинг тарбиявий ва коммуникатив функцияси

Оиланинг муҳим аҳамиятга эга бўлган яна бар функцияси тарбиялаш функциясидир. Болаларнинг ақлий, жисмоний, ахлоқий, эстетик тарбиясига оилада асос солинади. Оила инсон деб аталувчи бинонинг фақат плейдеворини қўйиш билан чекланмасдан, балки унинг сўнгги ғишти қўйилгунча жавобгардир. Ота-она-санъаткор, бола-санъат асари, тарбия жараёни эса санъатнинг ўзидир.

Оиланинг **коммуникатив** функцияси оила аъзоларининг ўзаро мулоқот ва ўзаро тушунишга бўлган эҳтиёжга қондиришга хизмат қилади. Психологик тадқиқотларда таъкидланишича, турли ижтимоий ориентациялар, установкалар, ҳиссий маданият, одамнинг ахлоқий, маънавий ва психологик саломатлиги- оиладаги ўзаро, ички мулоқот характери, оиладаги ўзаро ички мулоқот характери, оиладаги катта аъзоларнинг мулоқотда психологик установкаларни намаён қилишлари, оиладаги ахлоқий-психологик иқлимга тўғридан-тўғри боғлиқдир.

Оиланинг рекреатив ва фелцитологик функцияси.

Никоҳ-оила муносабатлари юзага келган дастлабки, ибтидоий замонлардан буён унга характерли бўлиб келган хусусиятлардан бири, ундаги шахслараро муносабатлар талабларидан бири уни ўз аъзоларининг ахлоқий-психологик ҳимояланишини таъминлаш, шунингдек болаларга меҳнатга яроқсиз ёки кекса қариндошларга моддий ва жисмоний ердам кўрсатиш кабилардан иборат бўлиб келган.

Бу ҳолат ўз навбатида оиланинг асосий функцияларидан бирини, унинг рекреатив функциясини ташкил қилади. **Оиланинг рекреатив-ўзаро жисмоний, моддий, маънавий ва психологик ёрдам кўрсатиш, бир-бирининг саяматлигини мустаъдкамлаш, оила аъзолари дам охиғини ташкил этиги функциясидир.** Бу функция кейинги -дилАарда янада муҳим аҳамият касб этлоқда

Ҳозирги замон оиласининг тобора аҳамияти ортиб бораётган функцияларидан бири унинг фелцитологик функциясидир (итальянча «Fisite» бахт) Шахсий бахтга эришишга ўз

аъзоларининг бахтини таъминлашда қандай роль ўйнайди Бахтга интилиш ҳар бир инсон учун табиийдир ва айтиш мумкин бахтга интилиш уларни оила қуришга ундайди Инсон ўзига ато этилган бахтнинг тўртдан уч қисмини оиладан қолганга етар-етмас қисмини бошқа нарсалардан топади Оилада эр-хотиннинг бир-бирини тўлиқ тушуниши уларнинг ўзларини бахтли ҳис қилишларини таъминлайди

Оиланинг регулятив ва релаксация функцияси

Оиланинг регулятив функцияси оила аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларни бошқарув тизимини шунингдек бирламчи ижтимоий назоратни оилада устунлик ва обрўнинг амалга ошириши ўз ичига олади Бунда катталар томонидан еш авлодни назорат қилиш ва уларни моддий ҳамда маънавий томондан қўллаб-қувватлаш назарда тутилади

Ҳозирги замон оиласининг энг асосий функцияларидан Яна бири релаксация функциясидир Бу дегани оила аъзоларининг жинсий эмоционал фаолиятини, руҳий-жисмоний қувватини меҳнат қобилятини яна қайта тиклаш демакдир Маълумки, Фан-техника тараққийлаётгани ҳозирги босқичда ишлаб чиқариш муносабатларининг жадаллашуви, ҳалд ҳўжалигининг турли жабҳаларида янги технологияларнинг жорий этилиши ва шу каби қатор омиллар инсон руҳиятига олдингиларига қараганда кўпроқ жисмоний, руҳий зўриқишлар бермоқда Ишлаб чиқариш жараёнлари жадаллигининг бундай тарзда давом этиши шу жараёнлар иштирокчиси, бошқарувчиси-инсонни тезда толиқиб, меҳнат қобилятини йўқотишига олиб келиши мумкин

Иш кунини давомида кўтаринкилик кучли зўриқиш билан ишлаган ишчи, ходим ишдан сўнг ўз уйида оила қўрғовида бошқа ташвишларни унутиб улар унга кўрсатадиган меҳр-оқибатдан баҳраманд бўлиб улар билан бўладиган ўзаро мулоқот эмоционал қўллаб-қувватлаш далалардан руҳий қувват олиб, эртанги кун меҳнат фаолиятига ўзини қайта тиклаб олгани лозим бўлади Бунинг учун эса, унинг оиласида тинчлик тотувчилик, ўзаро ҳурмат, ўзаро тушуниш ва ижобий психологик иқлим ҳукм сурмоғи лозим.

Усмирларнинг ёш-психологик хусусиятлари

Психология фанининг муҳим соҳаларидан бири бўлмиш еш психологияси бевосита инсон психологиясининг намоён бўлиши ва ривожланишининг турли ешларда қандай кечиш Хусусиятлари, қонуниятлари механизмларини ўрганади Психика намоён бўлишининг еш хусусиятлари ўрганилар экан, шунинг назарда тутиш керакки, еш психологиясида турли еш давлари бир-биридан сезиларли фарқланади Булар чақалоқлик даври, илк болалик даври, мактабгача таълим даври, кичик мактаб еши даври, ўсмирлик даври, илк ешлик даври, ешлик даври етуқлик даври ва кексалик давларидир Бу давларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга, сифатларга эга бўлиб, улар бир-биридан одамнинг хронологик еш кўрсаткичларига кўрагина эмас балки шу даврда инсон руҳиятида кечадиган ҳодисалар, рўй берадиган ўзгаришлар, унинг руҳиятидаги умумий қонуниятларга кўра ҳам фарқланади Биз Ушбу мавзу орқали сизлар ҳақингизда сиз ўсмирларнинг еш психологик хусусиятларингиз ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Ўсмирлик автономиялари

Ўсмирлик давлрининг характерли хусусиятларидан Яна бири-бу даврда ўсмирларда кузатиладиган **ўсмирлик автономияси** ҳолатидир Ўсмирлик автономиясининг ҳуқуқий автономия эмоционал автономия маконий автономия каби турлари фарқланади Ўсмирлик даврида боға уз ҳаётини ҳавфсизлигини таъминлаш борасида нисбатан мустақилликка эришади Энди V узини ёзи ҳимоя қила олиши лозим бўлса ўзи ўз имкониятлари даражасида меҳнат қилиб, етарли даражада даромад қилиши Ўз эҳтиёжларини қўлга равишд- ёзи қондира оғиш!т мумкин бўғач! Юқорида I -ғириб ёTMчган х^ққИи автоғ^шя Айни вақт!ға бо^лв ^ смирлик I'шит етнши билан лнга қатор ҳуқуқИи имкониятғср бериши билан характерланади. Бу даврда бола юридик шахс ҳисобланиб, овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади. Мабодо, бу даврда ўсмир ота-онаси

ажралиб кетгудек бўлса, бу ҳолатда ўсмирнинг қаерда ва ким билан қолиши бола ҳоҳишига қараб ҳал этилади. Шунингдек бола бу даврда ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда расмий равишда жисмоний меҳнат билан шуғулланиши ҳам мумкин. Лозим бўлса улардан ўз хатти-ҳаракати, қилиқлари учун жавоб бериши ҳам талаб қилинади. Шу каби ҳуқуқий имкониятларга эга бўлиш ва бундан ўсмирнинг хабардорлиги унинг ҳуқуқий автономиясини юзага келишини таъминлайди. Бундай автономияга эга бўлиш ўсмирда ўз хатти-ҳаракати учун жавобгарлик масъулиятлилиқ ҳиссини юзага келтиради

Эмоционал автономия бола дунегга келган ондан бошлаб, у онаси ва атрофдагиларнинг эмоционал ҳиссий қўллаб-қувватлашига, меҳр-муқаббатини намоён қилишига, эркалашига эҳтиёж ҳис қилади. Агар бола ўз вақтида катталар томонидан ҳиссий далдани ола олса, ўзини эркин, тетик, ғолиб ҳис қилади ва улар билан қувониб юради. Ўзининг кичкинагина ҳаётида дуч келган «муаммолари»ни ҳал қилишда катталар ердамига муҳтожликни ҳис қилади, улардан мунтазам фойдаланишга интилади.

Ўсмирлик даврида эса аксинча, ўсмир энди «еш бола» эмас, энди у «катта одам». Катта одам эса мустақил бўлиши, ўз муаммоларини ўзи ҳал қилиши керак. Бу даврда катталар ердамига мурожаат қилиш тенгдошлар томонидан қораланди. Ва бунини ўсмирнинг ўзи ҳам ҳоҳламайди. Бу даврда ўсмирларга катталар томонидан олдингидек кўрсатиладиган илтифот, эркалашлар эриш туюлади. Энди улар ўзларини эркалаб, силаб-сийпалашларини, «арзимаган нарсалар» учун катталар томонидан билдириладиган олқишларни «ёқтирмайди». Энди улар атрофдагиларнинг ҳиссий қўллаб-қувватлашларидан холироқ бўлишга, ўз муаммоларини ўзлари шахсан ҳал қилишга интиладилар. Олдинлари кўчада, боғчада, мактабга юз берган воқеалар ҳақида уйдагиларга шикоят қили бота-онасидан ердам сўраган бўлсалар, энди оиладан ташқарида биронтасидан дакки эшитиб, калтак еб келган тақдирда ҳам бу ҳақда ота-онасига билдирмасликка ҳаракат қилади ва имкон қадар ота-оналарининг унинг «ишларига» аралашмаликларини ҳоҳлайди. Буларнинг барчаси ўсмирларда бевосита кузатиладиган эмотционал автономиянинг аломатларидир.

Ўсмирларда кузатиладиган автономия ҳолатининг яна бири **маконий автономиядир**. Бунга кўра ўсмирлар имкон қадар ўз хонасида елғиз қолишга Бирон бир ишни бажараётган еки Бирон бир жойда бўлган вақтларида имкон қадар еадиз бўлишга айниқса, ўз ота-онаси, оила аъзолари назаридан четроқда бўлишга, ўз ўй-Ҳаётлари билан Машғул бўлиб вақт ўтказишга интилиб қолиш ўсмир ҳам асосан ўз тенгдошлари ўз ота-онаси билан имкон қадар камроқ мулоқотда бўлишга интилиб, ўзи билан ўзи овора ўблиб қолади. Айни вақтда ўсмирда кузатилаётган бу ҳодисаларнинг асл сабабини тушунмаган айрим ота-оналар уларнинг бундай ҳолатидан хавотирланиб, улар билан олдинта қараганда кўпроқ қизиқиб қоладилар. Бошқача қилиб айтганда, уларнинг автономиясига «бостириб кирадилар». Бунини эса ўсмирлар ёқтирмайди. Бундай ҳолатлар ўсмирлар ва уларнинг ота-оналари ўртасидаги ўзаро муносабатларида келшимовчиликлар, низоларнинг юзага келишига асос бўлиши мумкин.

Юқорида қисман тўхталиб ўтганимиздек, ўсмир руҳиятида кузатиладиган характерли хусусиятлардан бири-уларнинг ўта таъсирланувчан, жиззаки, кўрс, сал нарсага хафа бўлиши унинг ҳиссий нотурғунлиги ифодасидир. Бундай ҳолатларнинг юзага келиш сабабларидан бири бевосита жинсий балоғатга етиш, ички секреция безлари, Айниқса, жинсий безлар функцияларининг фаолашуви ва шулар билан боғлиқ ҳолда ўсмир организмида рўй берадиган психологик ўзгаришлардир.

Жинсий балоғатга етиш.

Ўсмирлик даврида кузатиладиган характерли ҳолатлардан бири жинсий балоғатга етишдир. Жинсий балоғатга етиш қандай амалга ошади? Жинсий безлар ва у билан боғлиқ бўлган жинсий белгилар бола ҳали она қорнидалигидак пайдо бўлади ва бола туғилганидан

бошлаб, то ўсмирлик давригача жинсий ривожланишни белгилаб бердаи. Жинсий безлар ва уларнинг функциялари бола ривожланиш жараёнининг яхлитлиги билан узвий боғлиқ бўлади. Онтогенетик тараққиётнинг маълум бир босқичида жинсий ривожланиш кескин жадаллашади ва физиологик жинсий етуклик амалга ошади. Жинсий ривожланишнинг тезлашиши ва жинсий балоғатга етиш даври *жинсий балоғатга етиш даври* деб аталади ва ўсмирлик ёшига тўғри келади. қиз болаларнинг жинсий балоғатга етишиши ўғил болаларга қараганда 1-2 йил илгарилаб кетади. Жинсий балоғатга етиш нисбатан индивидуал характерга эга бўлиб, у вақти ва темпига кўра турли болаларда турлича кечиши мумкин.

Жинсий балоғатга етиш муддати^{ва} унинг жадаллиги турлича бўлиб, у кўплаб омилларга: саломатлик ҳолати, овқатланиш характери, иқлим маиший ва ижтимоий-иқтисодий шароитларга боғлиқ. Бунда наслий хусусиятлар ҳам муҳим рол ўйнайди.

Ноқулай маиший шароитлар, етарлича ва тўғри овқатланмаслик, уларда зарур витаминларнинг етишмаслиги, оғир еки қайталанувчан хасташлар жинсий балоғатга етиш даврини кечиктириб юборишга олиб келиши мумкин. Одатда, катта шаҳарларда ўсмирларнинг жинсий балоғатга етиши қишлоқ жойлардагига қараганда эртароқ юзага келиши кузатилади.

9-мавзу: Никох олди омиллари. Муҳаббат психологияси

Қайси мутафаккир ёки олим, шоир ёки ёзувчининг асарларини олиб кўрмай, уларнинг ҳеч қайсиси ўз ижодий фаолиятида инсон ҳиссиётларининг энг кучли ва сирлиси, сержило ва сеҳрлиси ҳисобланган муҳаббатни четлаб ўта олмаган Инсоният бор экан, муҳаббат одамни сирли туйғулар оламига етаклаган, уни енгиб бўлмас ғовлардан ўтишга ва чўққиларни забт этишга ундаган, уни рағбатлантирган, унга бахтиер онларни тўхфа этган. Ҳатто ўлим тўшагида етган кишига ҳам умид баришлаб, ҳаёт нашасини сурдирган, оддий кунларига камалак жилоларини арғумон этган, унинг атроф-муҳитни ҳамда ўзлигини идрок қилиши учун туртки бўлган Шахс рухиятида ҳатто ўзига ҳам номаълум бўлган қудратни кашф этган Кўҳна ва ҳамиша навқирон ҳисобланган бу инсоний туйғу ҳаммага баробар азиз ва муқаддасдир.

Муҳаббат ва ёш. Муҳаббат онтогенезига назар ташлаганда севги ҳиссининг илк куртакларини боғча ешдаги болаларда ҳам кўриш ва буни ҳар бир тарбиячидан сўраб, ишонч қосил қилиш мумкин. Лекин табиийки, бу ҳали тўлақонли муҳаббат бўла олмайди. Болалиқдаги севги ҳисларида физиологик компонент, яъни жинсий интилиш деярли бўлмайди. Улардаги ҳиссиётнинг аксарият қисми руҳий компонентдан иборат. Мактаб ешидаги ўғил ва қиз болалар ўртасидаги муҳаббат ҳислари эса бирмунча фарқ қилади.

Ўспиринлик ешидаги қиз болаларда руҳий компонент жинсий компонентдан устунлик қилса, ўғил болаларда ҳиссиёт дивергенцияси-бўлиши кузатилади. Яъни улар муҳаббат ҳисларини битта қизга нисбатан бошидан кечирсалар, жинсий етилишни катта ешли аелга нисбатан ҳис этадилар. Улардаги ҳиссиёт! икки объектга бўлинади. Бу фақат ўғил болаларга хос бўлиб қизларда бундай ҳолат кузатилмайди.

Муҳаббат ва мижоз: Севги-муҳаббатнинг пайдо бўлишини бевосита мижоз тоифасига боғлаш ҳато бўлар эди, аммо мижоз билан ҳиссиётнинг ифодаланиши орасидаги ўзаро боғлиқликни ҳам иикор этиб бўлмайди.

Холерик ва сангвиник тоифасидаги еки уларнинг аралашувидан иборат тоифадагилар ўзгалар билан тез ва осон тил топишади. Бу тоифадаги эркак ва аеллар ўзларига тил топишда унчалик қийналмайдилар. Шунингдек, бундай тоифадаги одамлар флегматик ва меланхоликларга нисбатан тез ва осон севиб қоладилар. Чунки уларда ҳиссиёт ташқи томондан кучли ифодаланган ва шу сабабли ҳам ҳиссий қониқиш осонроқ ва тезроқ содир бўлади. Бундайлар юқоридаги айтиб ўтилган босқичларни бирмунча тезроқ босиб ўтишлари ҳам мумкин.

Флегматик ва меланхоликлар эса ўзгалар билан гил топишишлари анча қийин. Улар дуч келган кимса билан дўстлашиб келавермайдилар. Аммо дўстликнинг қадрига этадилар ва арзимаган сабаб учун дўстликдан кечмайдилар. Бу тоифадаги кишиларда ҳиссиёт ниҳоятда чуқур ва пинҳона кечадики буни бошқаларнинг ташқи томондан сезиши қийин.

Буни худди даренинг чуқурлигини унинг сатҳига қараб билиб бўлмаганига ўхшатиш мумкин

Мухаббатнинг белгилари: ҳиссиетдаги айрим босқичларга кўра муҳаббат турини босқичини ва умуман севги ҳисларининг бор-йўқлигини аниқлаш Ибн Сино каби «оғир хасталик»жа ташхис қўйиб, уни давволаш чораларини кўриш мумкин. Бу ҳиссиетларнинг айримлари аслида биринчи босқичдаёқ кузатилади ва иккинчи босқичда ниҳоятда кучли, ҳамда ҳар томонлама ифодаланди. Улар қуйидагилардан иборат:

1. «Биргалик» эффекти. Бундай ҳолларда муҳаббат ҳисларини бошдан кечираётган шахсни онгида, тасаввурида, ҳаёлида доимо севиқли ери гавдаланиб туради. Нима иш қилмасин ва қаерда бўлмасин, ҳатто еридан жуда узоқ масофада бўлсада, ҳаёлан у билан гаплашади, яшайди.

2. Идрокнинг идеаллашиши. Бундай ҳолларда севилган инсон идеаллаштирилган ҳолда идрок этилади. Тақдорланмас даражадаги шахс сифатида, ҳар томонлама мукаммал шаклланган, ниҳоятда чиройли, ақли, одобли ва ўзга ижобий ҳислатларни ўзида мужассаамлаштирган йигит еки қиз сифатида намоён бўлади.

3. Алтруизмнинг кескин ифодаҳанганлиши, Бу босқичда амруизмнинг оғирлик маркази муҳаббат гимсоли бўлган қиз еки йигитга йўналган бўлади. Алтруизм ниҳоятда кучли бўлишда инсон севган киши учун ҳамма нарсага тайёр бўлади. V севган кишининг манфаатини ўзининг манфаатидан устун қўяди ва буни биринчи даражали зарурат ҳисоблайди.

Мухаббат кучига чексиз ишонии. бундай ҳисларни бошдан кечираётган шахс севгилиси билан бирга бўлишни, бўш вақтларини бирга ўтказишни ва оила қуриб, умрининг охиригача бирга бўлишни орзу қилади, шунга интилади, у кўпинча бу режасини амалга оширади. Бундай олий бахтга эришиш йулида турли тўсиқлар учраши мумкин.

4. Севгилисида бошқалар кўрмаган жиҳатларни кўриш, ўзгалар аҳамият бермаган ҳислатларни сезиш. Ҳали яққол ифодаланмаган қобилиятни аниқлаш, унинг қандай мутахассис бўлиб етишишини олдиндан кўра билишнинг барчаси муҳаббат зийраклигининг намоён бўлишидир.

Севгининг фаслий ўзгариши. Рашк ҳислари

Севишганларнинг ўзаро муносабатларини характерловчи вазият, шароитлардан бири бу-рашқдир. Рашк оила қурганлар учун -севгининг ўзига хос зарур элементларидан биридир.

Психологлар рашкни «золимона рашк» ва «иззат—нафси поймол қилинганликдан» бўладиган рашкларга фарқлайдилар. Золимона рашкни одатда худбин (эгоист), қайсар, золим, ҳиссий совуқ ва бегоналашиб кетган одамлар юзага келтирадилар. Бундай одамлар одатда турмуш ўртоқларига фақат бир буюмдек ўз манфаати, фароғатини қондириш объекти, ўз мулкидек қарайдилар. Уларда бошқа одамнинг шахсий хусусиятларини сезиш ҳурмат қилиш қобилиятлари ривожланмаган бўлади. Иззат-нафси, шани камситилганликдан буладиган рашк-бу одатда хаяжонланадиган, ҳар нарсадан гумонсирайверадиган, ўзига ишонмайдиган хавф-хатар ва нохушликларни буртиришга мойил нуқсонлар комплексидан жабрланувчи одамларга хосдир. Уларнинг рашки унчалик ғзаби, қаҳрли булмаслиги бироз юмшоқроқ намоён бўлиши мумкин. Бирқ уларнинг ҳам ўз моҳиятига кўра оилавий бахт учун захри зарари кам эмас.

Никоҳ олди омиллари

Оила деб аталмиш муққадас макон, «оила қасри»нинг мустакамлиги шу қасрнинг пойдевори бўлиш никоҳ олди омиллари хусусиятларига, уларнинг қай даражада тўғри ва мустаҳкам бўлса унинг устида қурилган иморат ҳам кўркем, ёруғ, унда истиқомат қилувчиларга қулайлик, хотиржамлик, тинчлик, ҳузур-халоват бағишлайдиган бўлади.

Ҳеч бир девор ёки уй пойдеворсиз бўлмаганидек, сизнинг қуражак оилангизнинг ҳам ўзига хос пойдеворлари бор. Улар шу оиланинг юзага келишига, қурилишига асос бўлган никоҳ олди омилларидир.

Гап никоҳ олди омиллари ҳақида борар экан, шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, никоҳ олди омиллари у ёки бу никоҳнинг юзага келишига асос бўлган кўплаб ижтимоий, иқтисодий, биологик, физиологик, маънавий, ахлоқий ва бугунги кунларимиз учун энг муҳим бўлмиш психологик омилларини ўзида мажассамлаштирган. Кўп қиррали омиллар комплексидан иборат бўлиб, оила қураётган ёшларнинг, шу ўзлари қураётган оилавий ҳаётларига қай даражада «етилган»ликларини белгилаб беради. Бу ерда энг муҳими шу ёшларнинг оилавий ҳаётга, никоҳ талабаларига қай даражада жавоб бера олиши назарда тутилади.

Никоҳга етуклик хусусиятлари

Жинсий муносабатлар масаласи ўта нозик масаладир, бу борада кўпинча «ёлтон, бачканаларча уятчанлиюжа дуч келинади. Баъзи бир ота-оналар ва ўқитувчилар хатто маориф раҳбарлари ҳам мактабда жинсий тарбия бериш масаласига эътироз билдирадилар ва «Жинсий тарбия, жинс масаласига оид барча зарур маълумотлар биология қурисларида берилган, бунинг устида «ота-боболаримиз бундай жинсий саводхонликсиз ҳам бинойидек яшаганлар», -қабилда мулоҳаза юритадилар

Айнан шунақа йўллар билан ёшларга жинсий тарбиядек ўта нозик ва зарур масалалар юзасидан бериладиган ҳар қандай санитар гигиена оқартув маълумотларнинг аҳамияти бутунлай камситилиб келинмоқда Бу эса миллионлаб ўсмирларнинг жинсий балоғатга етишиш вақтида ғафлатда қолишларига ва ўбнинг оқибатида айрим ҳолларда ҳаётда тузатиб бўлмайдиган хатоларга йўл қўйишига олиб келишига сабаб бўлмоқда Оилавий ҳаётда эса жинсий ҳаёт психологияси ҳақидаги билимларга эга бўлиш ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган масаладир Турли мутахассислар томонидан берилган маълумотларни комплекс таҳлил қилган айтиш мумкинки, ҳар бир тўртинчи ажралишган эр-хотинларда (ажралишларнинг 29%ида) жинсий мутаносибликнинг у еки бу тарзда бузилиши (эр-хотиннинг жинсии номуаносиблиги) сабаб бўлмоқда

Шундай қилиб, жинсий етуклик одам анатомияси ва физиологияси нуқтаи-назаридан етарлича Аниқ ва равшан бўлган ҳодисадир Бироқ унинг психологик, ахлоқий жиҳатлари ута мураккаб Шунинг учун ҳам одамнинг никоҳга етуклик дейилганда унинг физиологик нуқтаи-назардангина етилишини назарда тутиш жинсий етукликнинг тўлиқ моҳиятини билдирмайди, бундан ташқарии одам жинсий ҳаёт психогигиенаси борасида ҳам зарур илмий психологик билимларга, тўғри тасаввурларга ҳам эга бўлмоғи зарур Бу эса шубҳасиз алоҳида эътиборни талаб махсус тайергарлик, ўқитишни талаб қиладиган жараендир

Ёшларни никоҳга жинсий етуклик масаларидан ташқарии юқорида келтириб ўтилагидек, Яна бир нечта ижтимоий етуклик турларини фарқлаш мумкин Булар жинсий, фуқаролик, касб-ҳунар, ижтимоий-иқтисодий, маънавий, ахлоқий ва психологик етукликлардир Буларнинг орасида ёшларнинг жинсий (физиологик) етуклиги бошқаларига қараганда анча эрта амалга ошади, қуйида бу масалаларга боғлиқ равишда Яна қандай муаммолар мажмуининг юзага келиши мумкинлиги ҳақида тўхталиб ўтамыз

Фуқаролик, ҳуқуқий етуклик бу одамнинг ҳуқуқий жиҳатдан балоғатга етиш ёши билан, у ҳуқуқий жиҳатдан оила қуриш, фарзанд кўриш ҳуқуқига эга бўлган шахс бўлиб ҳисобланиши билан белгиланади Бизнинг мамлакатимизда бу 18 ёш деб белгиланади Бу вақтда у конституцияда белгиланган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлардан фойдалана оладиган бўлади 18 ёшни шахснинг ҳуқуқий етуклик ёши деб ҳисоблаш мумкин

Касб-ҳунар етуклиги- бу ҳам анча мураккаб тушунчадир бунинг мураккаблиги шундаки, бир томондан у қандайдир билим юртини ўқув курсларини битириш яъни маълум бир иш турини бажариш учун зарур бўлган махсус билимларга эга бўлиш билан белгиланади

Шахс етуклигининг яна бир жиҳати **ижтимоий-иқтисодий етуклиги**- бунда одамнинг узини ва уз оиласини моддий жиҳатдан

мустақил таъминлай ола билиш назарда тутилади Шундай қилиб «етуклик» тушунчаси ўзида кўплаб жиҳатларни мужассамлаштиради

Гап шахснинг **психологик етуклиги** ҳақида боргудек бўлса, бунда даставвал унинг турли ҳаётий вазиятлар ва шароитларни ҳушер баҳолай олиши назарда тутилади

Никоҳ ёши хусусиятлари

Демографик нуқтаи-назардан олинганда, оила қуриш деганда маълум бир кишиларнинг эмас, балки бутун бир авлоднинг оила қуриши назарда тутилади. Бу ўринда тўлиқ ишонч билан айтиш мумкин-ки авлод еш жихатдан қанчалик катта бўлса, у биз кўриб чиқаятган жихатларнинг ҳар бири бўйича кўпроқ етук бўлади. 20-24 ешдаги гуруҳ, 20 ешдан кичик бўлган авлодга қараганда кўпроқ ҳаётий тажрибага эга бўлади. 25-29 ешларда эса 20-24 ешдагиларга қараганда ижтимоий-иқтисодий ва касб-хунар етуклиги бўйича янада юқорироқ даражага эга бўладилар. Ўзбекистон Республикасининг «Оила кодекси» да эркак ва аёллар учун минимал никоҳ ёши сифатида 18 еш кўрсатилган. Бу ёшни маҳаллий ҳокимият қарорига кўра, алоҳида истисноли ҳолатларни ҳисобга олиб, аёллар учун бир ешга қисқартириш мумкин.

Никоҳ омиллари

Никоҳ мотивларининг хусусиятлари

Никоҳ олди омилларидан яна бири-шу никоҳ қурилишига асос бўлган никоҳ мотивларидир «Мотив» ибораси психологияда маълум бир хулқ фаолиятнинг юзага келишига асос бўлган куч туртки, манбаа асосни билдиради. Оилалар қандай мотивлар туфайли юзага келиши мумкин? Булар севги туфайли оила қуриш, моддий ёки ўзга манфаатдорлик туфайли оила қуриш стереотип бўйича оила қуриш бунда ёшлардан нима учун турмуш қурганликлари сўралганда, одатда ҳамма тенгдошларим уйланаётган эди мен ҳам уйландим, ёки ҳамма дугоналарим оила қураётган эди мен ҳам турмушга чиқдим деган жавобни берадилар. Шу санаб ўтилган учала мотив севги, моддий манфаатдорлик туфайли стереотип бўйича қурилган оилаларнинг қай бири мустаҳкамроқ бўлиши яъни қайси мотив никоҳ оила мустаҳкамлигини кучлироқ таъминлаши қуйида батафсил берилади. Ҳаётда ўз тасдиғини топган «севги» туфайли оила қуриш бахтли ва мустаҳкам никоҳнинг асосини таъминлайди.

Никоҳгача танишиги шартлари ва муддатлари

Никоҳ олди омиллари таснифида қайд этиб ўтилган омиллардан яна бири ешларнинг оила қургунларига қадар бир-бирларини қанча вақт билганликлари, улар қандай шароитлар ва шартларга кўра танишиб, оила қуришларидир. Ҳозирги ешларимизга жуда яхши маълумки, оила кодексига биноан никоҳдан ўтиш учун ариза берганларидан сўнг ўттиз уч кун яъни бир ой муҳлат берилади. Бўлажак эр ёки хотин сифатида севишганлар бир-бирининг шахсий хусусиятлари, индивидуал сифатлари, дуне-қарашлари, шахсий йўналганликлари ҳақида аниқроқ маълумотларга эга бўлсалар, уларга биргаликдаги ҳаётларида бир-бирини тушуниб, бир-бирларига мослашиб кечишларига ердам беради. Никоҳ олди омилларининг Яна бири ешларнинг танишиш шартларидир. Улар ҳам ўз навбатида турли-тумандир. Кимдир ўқиш ёки иш жойида, кимдир ўзи, кимдир бирор ўртоғи, қариндоши, кимдир совчилар ердамида, кимдир кўчада, транспортда, кимдир тўйлар ёки кечаларда ва ҳақозо шароитларга кўра танишишлари мумкин. Ўзбек оиласининг этник хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда еш оиланинг юзага келиш шартлари орасида кенг тарқалганларидан бири, совчилик туфайли оилаларнинг юзага келишидир.

Оилавий ҳаёт ҳақидаги тасаввурлар

Оила мустаҳкамлигига ҳал қилувчи таъсир этувчи никоҳ олди омилларидан яна бири-ешларнинг ўз оилавий ҳаёти ҳақидаги тасаввурларидир. Уларнинг қанчалик реалликка яқин бўлиши, шу оила мустаҳкамлигининг бош гарови ҳисобланади. Кўпчилик ешларимиз айниқса муваффақиятли оилаларда тарбия топган ёшлар оила қуриш арафасида аксарият ҳолларда ўзларининг бўлажак оилавий ҳаётлари учун ўз ота-онаси оиласини идеал қилиб оладилар.

Аёл диенати ёки молу дунеси ехуд жамоли учун никоҳ қилинади. Сен диёнатлисини танлагин, барака топасан¹.

Қайси бир аёлга уйланиш дилга тушиб қолса, олдин уни бир кўришлик ёмон эмас. Никоҳ тўйида бир қўй сўйиб бўлса ҳам зиёфат бер¹.

Кимки бировнинг еки ўз оиласида низо чиқишига сабабчи бўлса, у мўмин эмас
Хикматли сўзлар

Севиб олмасанг ҳам синаб ол
Синалмаган фаришгадан, синалган шайтон яхши
Кўнглинг билан эшит, қулоқ алдайди
Ақлинг билан кўр кўз алдайди

10-Мавзу. Оилада шахслараро муносабатлар динамикаси ва мулоқот **Оилада мулоқот.**

Мулоқот жараёнида юзага келадиган тўсиқлар.

Одамлар ўртасидаги мулоқот, турмуш тарзининг барча жабҳаларида бошқа одамлар билан бўладиган ўзаро муносабатнинг энг муҳим шартларидан ҳисобланади. Мулоқот маданиятига биринчидан, ўз-ўзини билиш ва бошқа одамларни тушуна олиш қобилияти яъни уларнинг психологик хусусиятларини тўғри баҳолай олиш иккинчидан уларнинг ҳулки ва ҳолатларига нисбатан мос муносабат билдира олиш учинчидан ҳар бир одамга нисбатан унинг шахсининг индивидуал хусусиятларига энг маъқул келадиган психологик мулоқот шакли, усули, ва услубларини танлай билиш киради. Мулоқот энг аввало одамни одам томонидан идрок қилишидан бошланади. Мулоқот маданиятини ошириш учун илк ешликдан бошлаб, бошқаларга нисбатан ҳурмат ва самимият билан муносабатда бўлишни, уларга ҳамдардлик, инсонпарварлик, меҳрибонлик қилиш қобилиятларини шакллантириб бориш керак бўлади. Одамлар ўртасидаги бир-бирларини тушунишнинг етишмаслиги кўпинча шахслараро муносабатларнинг бузулиш сабаби бўлиб ҳисобланади.

Психологлар мулоқот жараёнида юзага келиши мумкин бўлган тўсиқларнинг қуйидагиларини фарқлайдилар: психологик вазиятли, мазмуний ва мотивацион тўсиқлар.

Психологик тўсиқ-бу шеригига маъқул тушмай қолиш тушунилмай қолишдан кўрқиб у томондан инкор этилиш ва калака қилинишдан кўрқиб, энг эзгу ҳисларини ва ниятларини самимий изҳор этишига жавобан кўполлик билан жавоб берилиши мумкинлигидан хавотирланиш кабилар туфайли интеллектга оид, меҳрибонликка оид, кучга оид шахсий имкониятларини намоён қилишга ҳалақит берувчи ўзига хос ички психик тормоздир.

Вазиятли тўсиқлар-бу суҳбатдошларнинг бир ҳил вазиятни турлича тушунишлари билан боғлиқ.

Мазмуний тўсиқлар- одатда суҳбатдошини тушунмаганлик туфайли *утиш* мазкур жумласи қандай маънода айтилгани, у қандай фикрни илгари сураётгани нимани назарда тутаяпти, нимага олиб боради каби мулоҳазаларга бориш туфайли юзага келади.

Мотивацион тўсиқлар-шундай вазиятларда юзага келадиги бунда гапиратган одам е ўзи баён қиладиган фикрнинг мотивини етарлича англай олмайди, еки атайин уларни еширишга ҳаракат қиладиган бўлиши мумкин. Булардан ташқари мулоқотда тўсиқ бўлиб, суҳбатдошларнинг психологик маъданиятлилиқ нуқсонлари ҳам сабаб бўлади.

Оилавий муносабатлар

Еш оилаларда эр хотин муносабатлари ўзига хос ҳудудий этник жинсий е шва индивидуал психологик хусусиятларга эга бўлган эр хотин муносабатлари шаклланишининг энг нозик ва ҳал қилувчи шакли ҳисобланади. Еш оилаларда эр-хотин муносабатларининг қай тарзда ривожланиши аввало шу оиланинг юзага келишига асос бўлган никоҳ олди омилларининг характерига шу оилаларнинг юзага келиш шарт шaroитлари билан узвий боғлиқдир.

Эр-хотин муносабатларининг ўзига хослиги

Эр-хотинларнинг оиладаги мулоқоти, шахслараро мулоқотнинг умумий қонуниятларига бўйсунуш билан бирга даставвал ишдан ташқари бўш вақтларини биргаликда ўтказиш билан шартланган ўзига хос хусусиятларига ҳам эга.

Психологлар мулоқотнинг ўзига хос уч ҳил коммуникатив позициясини фарқлайдилар. Булар «ота еки она» «катта», «бола» Уларнинг ҳаммаси бир одамда мужассам бўлиши

мумкин «Ота еки она» позициясида бўлиш-бу ўзининг бошқалардан устунлигини англаш, рағбатлантириш ва жазолаш ҳуқуқига эгаликни ҳис қилиш демакдир

«Катта» позицияси Одамнинг атрофидагилар билан тенг даражада мулоқотда бўла олишни билдиради Атрофдагиларга ўз ҳукмронлигини ҳам ўтказмайди еки ўзига нисбатан мақулловчи муносабатни ҳам кутмайди

«Бола» позитцияси Бунда одам хафагарчиликка юқори сезгирликни кўнгли бўшлиқ осон ишонувчанлик, ўйинқароқлик, инжиқлик, бошқалардан меҳр олишни исташ кучлироқ одам томонидан паноҳ тутишни ваз у кабиларни намаен қилади

Оиланинг мустаҳкам бўлиши, эр-хотиннинг бахтиер тинч-тотув яшашларида уларнинг ўзаро қовушуви муҳим роль ўйнайди Ўзаро қовушувларни шартли равишда учта таркибий қисмга ажратиш мумкин

- 1 Биологик қовушув
- 2 Психологик қовушув
- 3 Ижтимоий қовушув

Қачонки эр ўз хотинига ва хотин ўз эрига қарашса, тангриҳам уларга раҳмат назари билан қарайди. Борди-ю кафтини кафтига қўйса, бармоқлари орасидан гуноҳлари дув-дув тўкилади. Сизларнинг яхшиликларингиз ўз аҳли аёлига хушмуомалада бўладиганларингиздир.

Оилавий низолар Эр-хотин низолари

Оилавий низоларнинг энг характерларидан бири бу эр ва Хотин ўртасидаги низолардир. Хўш, энг эзгу ниятлар билан, бир-бирларини севиб оила қурган ёшлар нега оила қуришгандан кейин уларнинг ўзаро муносабатларида низо-жанжаллар рўй беради? Улар нима учун учрашадилар? Умуман эр-хотинлик ҳаётида низоларсиз, уруш, жанжалларсиз ҳам яшаса бўладими? Бу каби саволларни Яна кўп давом эттириш мумкин,

Халқимизда гап бор: Ошсиз бўлиши мумкин, лекин низосиз уй бўлмайди, Фақат, низонинг низодан фарқи бор. Бу ҳақда куйида батафсил тўхталиб ўтамиз

Ҳақиқатдан ҳам, илк болалиқданоқ кўплаб эртақлар эшитиб, кейинчалик ўзлари ҳам уларни турли китоблардан ўқиб ўсган ёшлар ўзларининг бўлажак оилавий ҳаётларини адекват тасаввур эта олишлари мушкул. Чунки эртақларда ҳам, кинофильмларда ҳам қаҳрамонлар бир-бирларига етушгунларига қадар не-нет машақатларни, заҳматларни бошларидан кечириб, бу йўлда дуч келган қора кучларни енгиб, охир-оқибатда висолга эришадилар. Шундай эртақмонанд тасаввурлар, орзулар оғушида оила қурган ёшлар ўзларининг оилавий ҳаётларида дастлабки муаммоларга дуч келишлари биланоқ, уларнинг оилавий ҳаётлари ўзлари кутганларидек бўлмаётганлиги турмуш ўртоғини танлашда «хато қилганлиги», улар олдинги (тўйдан олдинги) ҳолатига нисбатан маълум даражада, албатта «салбий» томонга ўзгариб қолганлиги кабиларни «тушуна» бошлайдилар. Шунингдек, ёш оилада эр~ хотинларнинг ўзаро муносабатлари ривожланишнинг ўзига хос қонуниятлари, Айниқса, ёш ўзбек оиласида унинг этник, ҳудудий хусусиятларидан келиб чиққан ҳодда еш келин ва кевнинг Янги ижтимоий шароитларга мослашиши жараёни билан боғлиқ кийинчиликлар эр-хотин мў>;осабатларида низош вазиятлар Еа низоларни юзага келтириш лх

Афсуски, бундай жараёнлар деярли ҳар бир оила учун муқаррар бўлган ва аксарият ёшлар оила қуриш арафасида ўз никоҳларидан кутмаган жараёнлардир.

Оилада юзага келиш эҳтимоли бўлган низо жанжалларнинг сабабларини аниқлаш ва уларнинг оддини олиш масалаларини ижобий ҳал қилиш учун биринчи навбатда, уларнинг кимлар ўртасида юз бераётганлигини фарқлаб олиш, мақсадга мувофиқдир. Оилавий низоларда кимлар ишгирок этаётганига кўра уларни қуйидагича асосий турларга ажратиш мумкин:

- Эр-хотин ўртасидаги низолар;

- Қайнона-келин ўртасидаги низолар,
- Қайнона-куёв ўртасидаги низолар;
- Овсинлар ўртасидаги низолар;
- Ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги низолар.

Эр-хотин муносабатларида низоларнинг ривожланиши йўли

Албатта, бу рўйхатни янада давом эттиравериш мумкин, лекин ҳозирча шу юқорида келтирилган билангина қифояланиб, оилавий ҳаётда рўй бериш эҳтимоли нисбатан юқори бўлган низоларнинг энг асосийси бўлмиш эр-хотин ўртасидаги низоларнинг айрим хусусиятларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир

Психологик адабиётларда низолар шартли равишда «конструктив-бириктирувчи» ва «деструктив-ажратувчи» низоларга фарқланади.

Бириктирувчи низоларнинг юзага келишига асос бўлган муаммолар ва уларнинг ҳал қилиниши ҳам эрнинг, ҳам хотиннинг, бугун оиланинг манфаатларига қаратилган бўлади. Агар улар ҳал этилса, бунинг оқибатида оиланинг умумий манфаатларига оид муаммолар ўз ечимини топади.

Ажратувчи низоларга уларнинг юзага келишига асос бўлган муаммо ва унинг ечими эр-хотинлардан бирининг манфаатига қаратилган бўлади. Бундай низоларда бир томон манфаатининг ҳал этилиши кўпинча, иккинчи томон манфаатининг бой берилиши ҳисобига амалга ошади.

Ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги низолар

Бундай келишмовчиликлар учун замин бўлиб, қуйидагилар хизмат қилади.

1. Дунёқарашлар орасидаги мавжуд фарқнинг ҳисобга олмаслиги

2. Ёшларнинг бўш вақтини мустақил ташкил этиш, дўстлар танлашдаги мустақиллиги, ҳиссиёт соҳасидаги мустақиллиги, модага, бугунги кун талабига мос кийиниши, касб танлашдаги мустақиллиги, умр йўлдоши танлашда мустақиллик учун ота-оналари билан баъзан кураш олиб боришнинг хуш келмаслиги,

3. Ота-оналарнинг ичкиликка ружу қўйиши еки ор-номусни йиғиштириб қўйиб, бузуқчилик қилиши;

4. Баъзи болаларнинг меҳнат қилишга ўрнатилмаганлиги ва унинг оқибатида енгил-елпи ҳаёт кечиришига ўрганиб қолиши;

5. Айрим ешларнинг фарзандлик бурчини унутиб қўйиши ва ҳакозо

6. Ота-оналарнинг психологик-педагогик билим-савияларини етарли даражада эмаслиги натижасида юзага келадиган келишмовчиликлар

Ота-оналар ва болалар муносабатига оид юқоридаги каби камчиликлар натижасиде оиладан ҳаловат йўқолади, ўртага совуқчилик тушади. Фарзандлик бурчнини бажармаслик ^-екда турсин ҳатто ичиб келиб ота онасига қўл кутарадиган фарзандлар ота-онасини шарманда қилаётган суюқоқ фахшпарастлар борлигига нима дейсиз?

Баъзи ота-оналар болаларда 3 6, 13 14 ешларда муқаррар равишда бўлиб ўтадиган кризисларни билмайдилар Бу еш босқичларида бола руҳиятида янги психологик қушилмалар юзага келади Бу эса уларнинг катталар, жумладан, ота-оналар билан бўлган муносабатларида кўзга ташланади Буни сезмаган баъзи ота-оналар «болам ниҳоятда қайсар, қулоқсиз бўлиб қолди» деб ўйлайдилар ва шикоят қилишга тушадилар Бунга қарши ўзларича чора тадбирлар белгилашлари натижасида ота-она ва бола бир-бирларини тушунолмайд қоладилар Боланинг ота онадан бешиш ҳоллари кузатилади.

Қайнона-келин ва қайнона-куёв ўртасидаги низолар

Оилага янги тушган келинларнинг кўпчилиги юзага келадиган баъзи қийинчиликларни осонлик билан енгиб, келинлик вазифаларини кўнгилдагидек эплаб кетадилар Улар тезда қайноналар меҳрига сазовор бўладилар

Бироқ ҳаётда қайнона-келин орасида турли тўқнашувлар ҳам содир бўлиб туради Гап қайнона-келин ўртасида борар эҳақ бу масала азал-азалдан одамларнинг, ҳатто атоқли намояндаларнинг диққат эътиборида бўлиб келган муаммолардан биридир

Жумладан, 19-асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган шарқ мутафаккири Аҳмад Дониш ўзининг «Наводир ул вақое» номли китобида қайнона-келин низолари ҳақида езар экан, шундай дейди « қайнона-келин низолари бундан олдинги оилаларда ҳам бўлган , ҳозир ҳам бор ва бундан кейин ҳам бўлади Ул ар нима учун уришадилар,ўзлари ҳам билмайдилар Шунинг учун уришаверадилар »

Демак, бу ўринда қайнона-келин низолари сабабларини Аниқлаш, уларни бартараф этиш алоҳида аҳамиятга молик масала эканлиги кўриниб турибди

Баъзи қизларда никоҳгача оилавий ҳаётга, қайнонага, қайнона-келин муносабатларига нигбатан салбий тассаввур шаклланган бўлади

Ҳаётда идеал қайнона ҳам, идеал келин ҳам бўлиши мумкин эмас

Келинлар узлари тушган янги оила аъзоларига илк тассурот асосида баҳо беришга ошиқмасликларлари лозим ана шунда бу оила тинч тотув бўлади

Келиш мовчиликлар қайнона билан куев орасида ҳам булади

Ичкуев баъзи ҳолларда келин хонадонига моддий жиҳатдан қарамлиги бу ғадл Қайнона ҳамиша ҳам зийрак ва андишали бўлавермайди Куевнинг психологик ҳушерлиги ошади, бирмунча қисилади Баъзи қайноналар куевга ноўрин гапларни айтади, кесатикларни ишлатади Бетайин қайнонанинг ешларнинг оилавий ҳаётига бундай равишда аралашуви турли низоларни юзага келтиради Бунда, келин ҳам оғир аҳволга тушади бир еқда Эри иккинчи томонда волидаси, ўртада қозилик қилишга ҳаракат қилади бундай қобилият эса ҳаммада ҳам бўлавермайди Оқибатда келин е онаси, еки эри томонга ўтади Ҳар иккала ҳолда ҳам оила барбод булиши мумкин Шундай ҳолларнинг олдини олиш учун қайноналар ешлар ҳаётига камроқ аралашмоғи керак

Ажралиш ва унинг оқибатлари

Ажралиш муаммоси ҳозирги замон инсоният жамиятининг энг муҳим ижтимоий муаммоларидан бири ҳисобланади Ўзбекистонда ҳам ажралиш муаммосини ўрганишга кенг илмий жамоатчилик эътибори қаратиб келинмоқда Бу муаммони турли соҳа мутахассислари юристлар демографлар, иқтисодчилар, социологлар, психологлар ўрганмоқдалар Уларнинг эътибори бу ҳодиса сабаблари, омиллари, мотивларини ўрганиш, уларни бартараф этиш, ажралишларнинг салбий асоратларини камайтириш масалаларига қаратилган Чунки оилаларнинг бузилиши туфайли нафакат шу ажралишган эр-хотин ва унинг фарзандлари, балки жамият ҳам кўп зарар кўради Ажралишлар кўплаб ноҳуш ҳодисалар нотўлиқ оилалар сонининг ортиши болалар ва ўсмирлар ўртасида қонунбузарликнинг кўпайиши, педагогик назоратсиз қолган болалар сонининг ортиши, елғизлик, собиқ эр-хотинлар ва қариндошларнинг ўзаро муносабатлари емонлашуви кабиларнинг юзага келишига сабаб бўлади Бу ўринда ҳақли равишда ажралишлар шу қадар салбий оқибатларни юзага келтирадиган бўлса уни расмий равишда тақиқлаб қўйса бўлмайдими?-деган савол юзага келиши мумкин Албатта мумкин масалан дуненинг айрим давлатларида Италия Нидер ғандияда яқин замонллргача ажралиш ҳуқуқий жиҳатдан аиҳоятда мураккаб жараен эди Ажралишларнинг ўзига хос 1ттимоеи-психоғогик ва этнопсихоғогик хус^сиятғар^: мавжғддир Бғ ^т, сғсиятғар оиғағарнинг бузулишига оғиб кеғади"ан сабаблар уларнинг амалга ошиш жараени, оқибатлари ажралишгача ва ундан кейинги даврда эр-хотинларнинг аҳволи кабиларда ифодаланади Шундай хусусиятлардан бири ажралиш ниятини билдириб, расмий ташкилотларга мурожаат қилувчи ажралиш ташаббускори Ким эканлигида намоен бўлади Шарқ оилаларида Айниқса, ўзбек кишлоқ оилаларида ажралиш ташаббускори кўпроқ эркаклар бўладилар Агар ажралишларнинг аел ва эркакка кўрсатадиган асосий таъсирларини санайдиган бўлсак, улар қуйидагича бўлади

Жамият учун-нотўлиқ оилалар сони кўпаяди, оилалараро адоват юзага келади. Бир жинснинг иккинчи жинсга нисбатан нафрати пайдо бўлади, фоҳишабозлик ортади, тери таносил касалликларининг ортиши кузатилади, шахснинг ижтимоий фаллиги сусаяди

Эркак учун-елғизлик ҳиссининг ортиши, гиёҳвандлик ва ичкиликбозликка берилиш, турли касалликлар

Аёллар учун-елғизлик ҳиссининг ортиши, қайта оила қуриш имкониятининг чекланганлиги, неврозлар, стресслар, турли хасталиклар, ўз жонига қасд қилиш.

Ажралишларга сабаб бўлувчи омиллар

Кўпинча ажрашаётганлардан ажралиш сабабини сўралса, улар қандайдир ҳамма учун стандарт бўлиб қолган сабабларни кўрсатишга ҳаракат қилишади. Масалан, «характеримиз тўғри келмади», «ўзга шахснинг аралашуви», «қўполлик», «моддий қийинчилик», «ичкиликбозликка берилиш», «яшаш шароитининг ноқулайлиги», «ота-оналарнинг ноўрин аралашуви» ва ҳ.к.

Агар таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, вазиятга қараб бундай кўрсаткичлар баъзиларда сабаб, баъзилар учун эса баҳона вазифасини ўтайди.

Ажралишларнинг сабабларини Аниқлаш мақсадида ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, ўзбек оилаларида ажралишларнинг мотивлари сифатида кўрсатилган таъсирлардан асосийлари, юқорида қайд этилганидек, «турмуш ўртоғининг қўполлиги», «бир-бирига нисбатан бефарқлиги» кабилар кўрсатилган.

Ажралиш ва унинг олдини олиш.

Ажралиш муаммоси ҳозирги пайтда жамиятнинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Оилаларда ажралишларининг мавжудлиги бизнинг республикамызда ҳам кенг жамоатчилик диққатини узига қаратиб, бу муаммонинг ечимини топиш учун керакли чораларни кўришга даъват этмоқда. Чунки юқорида қайд этилганидек, ажралишлар натижасида миллионлаб одамлар энг аввало, фарзандлар, аёллар, қолаверса эркаклар ва ҳатто ажралишганларнинг яқинлари ҳам «маънавий жароҳат» оладилар. Буларнинг барчаси ўзбек оиласида ажралиш масаласига жиддийроқ эътибор бериш лозимлигини ва унинг олдини олиш, салбий асоратларни камайтириш чора-тадбирларини илмий асосланган ҳолда ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

1. Турмуш ўртоғи танлашда шишилманг ва адашманг. Ҳаёт тақозоси билан ва тажрибали кишилар маслаҳатига кўра ажралишингиз муқаррар бўлса, вақтни чўзиб ўтирманг ва фарзанд кўришдан сақланг.

2. Ажралиш-сизга, турмуш ўртоғингизга, ота-оналарингизга, фарзандларингизга имкони борида салбий таъсир қилмаслиги чораларини кўринг.

3. Сизнинг ажралишингиз қариндошлар орасига совуқчилик тушурмаслиги зарур.

4. Ажралишган турмуш ўртоғингиз билан ижобий муносабатни сақлаб қолинишини таъминланг.

5. Бу аввало сизнинг фарзандларингиз, ота-онангиз, қолаверса шахсан ўзингизнинг манфаатингиз эканлигини унутманг.

6. Эр-хотин ажралиши болаларнинг отасиз еки онасиз ўсишига олиб келмаслиги керак.

7. Ажралиб кетган эрингиз еки хотинингиз хақида фарзандларингизга салбий маълумотлар бериб, у ҳақда салбий тасаввур шакллантиришдан сақланг.

8. Ажралиш энг сунгги чора! У фақат сизнинг эмас, балки яқинларингиз тақдирига ҳам салбий таъсир кўрсатишини унутманг.

9. Имкониятингиздан келиб чиқиб-шу соҳа мутахассиси бўлган психолог билан маслаҳатлашинг.

Ҳикматлар

1. Келса Хотин уруғи, топилади йўриғи.

2. Келса эрнинг уруғи, бўлар юрак буруғи.

3. Овсинлар иноқ бўлса, ога-инилар чиноқ бўлмас.

4. Борлик юмуш келтирар, йўқлик-уруш.

11-мавзу: Оилада бола тарбияси. Ижтимоий тарбиянинг босқич ва воситалари

Ижтимоий тарбиянинг асл маъноси ҳам, вазифаси ҳам боладаги ижтимоий фаолликни ошириш орқали, ундаги ижобий фазилатларни камол топтиришдир. Одатда оилада ижтимоий фаолликни ошириш бола иродасини чиниқтириш орқали амалга оширилади. Чунки кўпинча ота-оналар болаларининг ақлли, фаросатли бўлиб етишларига эътибор бериб, унинг руҳиятини ҳамда жисмоний қуваатини оширишга, иродасини мустаҳкамлашга безътибор қоладилар. Бунинг оқибатида бола турмуш суқмоқларида тез қоқиладиган, турли ижтимоий вазиятларда қийинчиликларни енга олмайдиган, руҳияти мўрт бўлиб катта бўлади. Шунинг учун ҳам оилавий ижтимоийлашувда боланинг ижтимоий билимдонлиги, ижтимоий кўникмалар ва уларни оширишга қаратилган чора-тадбирларга алоҳида урғу берилади.

Мутахассислар оилавий социализациянинг босқичлари, функцияларини тафовутлаш билан биргаликда унинг ҳар бирида ўзига хос ижтимоийлашув усуллари устивор бўлишини ҳам таъкидлайдилар. Масалан, рус социологи *Н.Андреенкова*¹ ижтимоийлашув жараёнини икки катта босқичда тасаввур қилади. Унинг **биринчи босқичи** – индивиднинг ижтимоий мавжудот сифатида шаклланишини таъминловчи ҳаёт бўлагини ўз ичига олиб, у инсон ҳаётининг қарийб учдан бир қисмини ташкил этади. Бу даврда асосан боланинг:

- *дастлабки илк социализацияси (болалик даври);*
- *норматив хулқнинг маргинал жиҳатларини ўзлаштириш даври (ўсмирлик даврига тўғри келади);*
- *ўспиришликдан балоғат ёшига ўтиш даврини ўз ичига олган ижтимоийлашув оқибатлари яхлит намоён бўладиган босқич.*

Иккинчи босқич – шаклланиб бўлган шахснинг жамиятда фаолият юритиши давларини ўз ичига олган ҳаёт босқичи. Бунда шахс дастлаб меҳнатга яроқли жамият аъзоси сифатида, сўнгра нақақа ёшига етган инсон сифатида ўз ўрнига эга бўлади.

Ижтимоийлашувнинг дастлабки йилларида унинг самарадорлиги кўпроқ юқорида таъкидлаганимиздек, оила, ундаги ижтимоий-психологик муҳит ва ота-онанинг тарбиячилик бурчини қандай адо этганлигига боғлиқ бўлса, унинг кейинги босқичларида таълим муассасалари ва меҳнат жамоаларининг роли ортиб боради. Шунга мос равишда ижтимоийлашув усуллари ҳам турлича бўлади.

Кўплаб олимлар ва оила масалалари бўйича мутахассисларни хавотирга солган жиҳат шуки, замонавий оила ўзининг бола шахсини ижтимоийлаштирувчи вазифасини яхши ва тўлиқ адо этмаяпти. *А.Антонов*нинг таъкидлашича, замонавий оила оилавий турмуш тарзини шакллантира олмаётганлиги сабабли ҳам ўзининг бола тарбияси борасидаги ижтимоий билимдонлигини намоён эта олмаяпти.² Бундан ташқари, Ғарб мамлакатларида ўтказилган тадқиқотларда аксарият аёлларда оналик установкаларининг йўқлиги, бола тарбиялаш хоҳишининг йўқлиги, қўйди-чикдининг бемалол амалга оширилиши, расман ФХДЁ бўлимларини никоҳни қайд этмай яшаш (фуқаролик никоҳи), ажримлардан кейинги эркак ва аёлнинг ўзаро ёмон муносабатлари болаларнинг ижтимоийлашувига нисбатан салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундай эр-хотинларнинг фарзандлари бир томондан умуман оила институтига ва никоҳга нисбатан салбий қарашларга эга бўлиб, вояга етсалар, иккинчи томондан, уларнинг характерида асосан худбинлик, эгоизм, агрессивлик каби салбий сифатлар эгаси сифатида шаклланмоқда. Демак, жамиятда ўз даврига муносиб, соғлом фикрловчи ёшларни тарбиялаб, вояга етказишнинг муўим омили бу расмий никоҳда бўлган эр-хотинлар оиласининг баҳамжиҳатликда яшашларидир.

Ота-оналик установкалари ва тарбия шакллари

Шундай қилиб, ижтимоий тарбиянинг дастлабки ўчоғи оила бўлиб, айнан ота ва она дастлабки ижтимоий кўникмаларни бола онгига сингдирувчи, унинг иродасини чархловчи инсонлардир. Оилавий муносабатлар болани нафақат шахс сифатида ўзлигини англаш, балки ўзини у ёеки бу жинс вакили сифатида идрок этиш ва шахсий фазилатларини

¹ *Андреенкова Н.* Роль семьи на разных этапах социализации индивида // Динамика изменения положения женщины и семья. – М.: 1972. – С.4.

² *Социология семьи / Под ред. А.И. Антонова.* – М.: 2005. – С. 235.

такомиллаштиришга ҳам ёрдам беради. Бизнинг кузатишларимиз шунини исботладики, оиланинг тўлиқ бўлиши, яъни, унда ҳам ота, ҳам онанинг тинчлик-тотувликда яшашлари ва унда нормал инсоний муносабатлар, соғлом маънавий муҳитнинг мавжудлиги боланинг ҳар томонлама яхши ривожланиши, соғлом, ақлли, кучли ирода соҳиб бўлиб етишига имкон беради. Болага ҳам отанинг ҳам онанинг бўлишининг зарурати шу билан изоҳланадики, масалан, қиз бола онаси ва унинг оилада ўзини тутишига қараб, ўзини аёллар жинсига тааллуқли эканлигини англашдан ташқари, келажакда қандай она бўлишини тасаввур қилса, отасига, унинг онасига бўлган муносабатига қараб, ўзини келажакда оила қурганда қандай оила соҳибаси бўлиши лозимлигини англаб боради. Худди шундай, ўғил бола онасининг фазилатлари, оиладаги тутими ва отасига муносабатини идрок қилиб борар экан, келажакда қандай қиз билан турмуш қуриш мумкинлиги, танлайдиган қизи қандай сифатлар соҳибаси бўлиши лозимлигини билиб борса, отаси ва унинг оилада мавқеига қараб, ўзини эркак сифатида келажакда тасаввур қилиш билан биргаликда турмуш ўртоғига қандай муносабатда бўлиш лозимлиги тўғрисида билим ва тасаввурларини орттириб боради. Бу психологик қонуният бўлиб, шахснинг оиладаги шахсий ва жинсий социализациясининг етакчи тамойили ҳисобланади. Шу боис ҳам боланинг том маънода яхши тарбия олиб, жамиятда ва оилавий муносабатларда муносиб мавқега эга бўлиши учун оила муҳити соғлом, барқарор, эр ва хотин бир-бирларига ғамхўр, меҳрли в асадоқатли бўлишлари ўта муҳимдир.

Демак, оила боланинг ижтимоий муносабатларга тайёр бўлишида муҳим аҳамият касб этган педагогик муҳитдир. Шу боис ҳам олимлар оиланинг энг муҳим ва дастлабки вазифаларидан ҳам бирини тарбияловчи функция эканлигини доимо эътироф этадилар.

Оилавий социализация жараёнини бир томонлама, яъни, фарзандлар тарбиясидаги роли билан чеклаш тўғри бўлмайди. Чунки айниқса, ёш оилада никоҳдан сўнг эр ва хотин бошқа оила аъзолари жамиятида хоҳласа-хоҳламаса ўз-ўзидан тарбияланиб, характер хислатларини ўзгартириб борадилар. Масалан, илгари тортинчоқ, уятчан, иккиланувчан йигит, уйлангач, турмуш ўртоғи нигоҳида обрўси меҳр-муҳаббат туфайли ошган сари, ўзида куч-қудратни, иродани сезиб, дадил, фаол, ўзига нисбатан ижобий фикрли, ақлли, босиқ бўлиб бориши табиий. Келинчак ҳам янги хонадон шароитига кўникиб борган сари, унинг анъаналарини муваффақият билан ўзлаштириб борган сари, турмуш ўртоғининг меҳрли муҳаббати, қайннона ва қайнотанинг ғамхўрлиги, эътиборлилиги оқибатида янада ифбатли, сермулоҳазали, зийрак ва фаросатли бўлиб, ўзидаги илгари мавжуд айрим салбий характер сифатларидан қутулиши ҳам мумкин. Бу – эр ва хотин учун оила муҳитининг янги босқичдаги ижтимоийлашув маскани сифатидаги ўрнини исботлайди.

Лекин айрим оилаларда эр ва хотин ўртасида самимий, илиқ муносабатларнинг йўқлиги, ташқи томондан номига оила қурганликлари, маънан эса бир-бирларига нисбатан беганодай қолганликлари боис бу ерда ўзаро муносабатлар ҳамиша таранг, юзаки бўлиб боради. Табиий, бундай муносабатлар нафат уларнинг ўзига балки уларни ўраб турган бошқа қариндошлар, айниқса, фарзандларга фақат салбий таъсир этади, ёшларнинг ижтимоийлашув жараёнига тўғаноқ бўлиши ҳам мумкин. “Кўча болалари”, “тарбияси оғир болалар”, вояга етмай туриб жиноятга қўл урган ўсмирлар аксарият ҳолатларда айнан шундай оилавий муҳитнинг қурбонлари ҳисобланади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, боланинг ижтимоийлашуви жараёнида мактабгача тарбия масканлари, мактабнинг роли ва аҳамияти ҳам бор. Лекин улардаги таълим-тарбия жараёнининг самарадорлиги энг аввало, оилавий тарбияга боғлиқ эканлигини, “Қуш уясида кўрганини қилади” мақолининг моҳиятини ҳамма билади. Махсус тарбия масканлари олдида оиладаги ижтимоийлашувнинг афзаллиги шундаки, оиладаги барча ўзрао муносабатлар табиий муҳитда, иносий муносабатлар тамойилига асосланиб амалга оширилади. Қолаверса, ўртача Ўзбекистондаги оилаларда 3-4 нафардан фарзанд бўлса, икки ота ва она учун уларга етарли эътибор бериш учун имконият кенгрок, мактаб ёки боғчада эса гуруҳлардаги болалар сони кўп ва таълим-тарбия жараёни махсус дастурлар ва аниқ режим асосида амалга оширилгани учун болаларнинг бир текисда ривожланиши ва камол топиши учун етарли бўлмайди. Демак, оилавий социализациянинг самарадорлиги оила билан бошқа тарбия масканлари ўртасида ўрнатилган ҳамкорликдаги уйғунликка бевосита боғлиқ.

Оила, мактаб, педагог ҳамкорлиги

Ўсиб келаётган авлоднинг жамият нормаларини тўла қонли қабул қилиши, ўз даврининг яхши ва керакли кишиси бўлиб етишиши оиланинг бошқа расмий тарбия масканлари билан ўрнатадиган тўғри муносабатлари бевосита боғлиқ. Ижтимоийлашув жараёнида мактабгача таълим муаасасаларининг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Чунки мактабгача таълим муаасасаларининг ходимлари боланинг ота-онаси билан бевосита, ҳар куни мулоқотда бўлади ва улар мактаб маъмуриятидан фракли икки хил функцияни бажаради: расмий ва норасмий. Ундан ташқари, тарбиячининг ўзи ота-онага нисбатан икки хил ҳолатда бўлади – расмий тарбиячи ва самимий, эътиборли суҳбатдош тарзида. Лекин оила аъзолари билан мактабгача таълим муаасасаларининг ходимларининг битта бола тарбиясидаги ишларини уйғунлаштириш, яхши самарага эришиш унчалик осон иш эмас. Чунки иккала томон бир-бирига ишонган тақдирдаги улар ўртасида самимий мулоқот бўлиши ва тарбияда ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Бундай муваффақиятли муносабатларнинг бир қатор психологик тамойилларини ажаратиш мумкин:

- аввало, тарбиячи ота-онага фарзандини фақат яхши томондан кўрсата билиши лозим. Яъни, боқчадаги боланинг образи ота-она учун ижобий бўлсагина, улар фарзандини хонадонидан яхши кайяит билан олиб келади ва уйга қайтаётганда ҳам тарбиячи билан илиқ хайрлашиб, боланинг ҳам уни ҳурмат қилиши ва машғулотларга айтганларига қўлоқ тутиши лозимлигига ўргата олади. Акс ҳолда ота-она оғриниб боласини боқчага олиб келади ва уни мактабгача таълим муаасасасининг тартибларини менисмаликка ўргатиб қўйиши мумкин. Демак, биринчи тамойил – ота-онага мактабгача таълим муаасасасидаги бола тўғрисида ижобий образ ярата олиш;
- мактабгача таълим муаасасаларининг тарбиячилари ота-она билан кундалик мулоқотда боланинг эришган ютуқлари, қандай билим, малака ва кўникмага эга бўлганини кўрсата олишлари лозим. Масалан, тенгқурлари билан мулоқотда ўзини қандай тутгани, дўстлари мавжудлиги, берилган шеър ёки бошқа топшириқни бугун айнан қай тарзда ўзлаштира олганлиги, кимга қандай ёрдам бера олгани, социометрик мақоми қандай эканлиги ҳамқида норасмий тарзда маълумот бера олиши керак. Демак, боланинг ютуқларидан ота-онани хабардор қилиб бориш тамойили ота-она билан тарбиячининг ҳамкорлигини мустаҳкамлайди.
- тарбиячи боланинг уйдаги хулқи ва ютуқлари ёки камчиликларини билиб туриши шарт. Бу ота-она билан ишончга асосланган диалог жараёнида аниқланади. Чунки тарбиячи боланинг уйда қандай ўзини-тутуши, одат ва қилиқларини билмаса, унга тўғри педагогик ёндашувни ташкил этолмайди. Яъни, учинчи тамойил – боланинг оиладаги, уйдаги мақомини билиш.

Юқоридагиларнинг бола ижтимоийлашувида инобатга олиниши мактабгача таълим муаасасаларининг оила билан ягона шиор остида “Келинг биргаликда ўрганайлик!” ишлашга ва ютуқларга эришишга имкон беради. Бунда асосий манфаатдор томон ва фаоллик кўрсатувчи биринчи навбатда ота-она бўлиши лозимлигини унутмаслик керак.

Охирги йилларда оилавий таълимнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Кўплаб мамлакатларда қатор қонун ҳужжатлари ва норматив актлар қабул қилинганки, уларга кўра, ота-онанинг хоҳишига кўра оила муҳитида, хонадонда боланинг таълим ва тарбиясини ташкил этиш мумкин. Бундай тарбиячиларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари қонун билан кафолатланган. Масалан, “Россия Федерациясида оилавий (уй шароитидаги) таълим тўғрисидаги Низом”, “Уйда таълим олишнинг намунавий Низоми” каби ҳужжатлар мамлакатнинг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни билан кафолатланган бўлиб, унга кўра агар ота-она хоҳласа, хонадон педагоги уйга келиб бола (лар)га таълим беради. Бу каби гувернаткалар хизматидан фойдаланиш, уй энагаларини ёллаш каби тажриба кўплаб ривожланган мамлакатларда кенг қўлчан ёйган. Юртимиз Ўзбекистонда ҳам ушбу ҳаракатнинг дастлабки айрим кўринишлари пайдо бўлган. Лекин бизда оилавий таълим алоҳида кўмакка муҳтож, етим, ногирон болалар учун ташкил этилган. Чунки ўзбекистонлик болалар аввало қонунан берилган имкониятлар боис 2-3 йилгача бевосита онанинг ардоғида бўлиши мумкин, бу даврда икки ёшгача фарзанди бўлган онага давлат томонидан нафақа ҳам

тайинланади. Агар оилада имконият бўлса, кейинги даврларда бола яна онаси ёки бувилари ёрдамида катта бўлади, мактабгача таълим муаасасаларига жалб этилади.

Туғилишдан ногиронли бўлган, мактабга бориш ўқиш имконияти чекланган болаларга эса “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, уй шароитида ўқитиш ташкил этилган. Бундай педагогларга қўшимча имтиёзлар ҳам берилади, улар 6 соатлик дастур асосида ногирон болага энг зарур билим, малака ва кўникмаларни уйда берадилар. Бу ҳам Ўзбекистоннинг ижтимоий соҳани ислоҳ қилиш борасида сиёсати бўлиб, юртимизда бирорта бола мактаб ёшида таълимдан четда қолмайди.

Нормал тараққиётли болалар мактабгача таълим муаасасаларидан сўнг мактабга жалб этиладиларки, бу ерда ҳам таълимнинг ҳамда тарбиянинг самарадорлиги оила билан ҳамкорликка таяниши барчага маълум. Шунинг учун ҳам ҳар бир ўрта мактабда “Ота-оналар Кенгашлари” ташкил этилган, уларга каттагина ҳуқуқ ва ваколатлар берилганки, бу “Мактаб – оила – маҳалла” концепциясининг амалда ишлашининг исботидир. Лекин бу борада муаммрлар йўқ эмас, чунки мактаб маъмурияти, пелагоглар ҳар доим ҳам барча ўқувчиларнинг оиласи, ундаги шароитлар, ота-онанинг бола ўқишига қанчалик қизиқиши ва манфаатдорлигини яхши билмайди, натижада баъзан айнан мактаб йилларида бола психологияси кескин ўзгариб, у девиант хулқлилар тоифасига ҳам тушиб қолиши мумкин.

Яъни, мамлакатимизда Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури ҳамда Таълим тўғрисидаги Қонун асосида узлуксиз таълимнинг барча босқичида ёшларнинг ижтимоийлашуви жараёни кечишини унутмаслик, ҳар бир босқичда унинг самараси ижтимоийлашув усул ва воситаларининг тўғри ва аниқ танланиши боғлиқлиги билиш катта ижтимоий аҳамиятга молик ишдир. Зеро, бола тарбияси ва тўғри таълими бўйича аниқ ва асосли билимлар соҳиби бўлмиш ўқитувчининг оила билан алоқаси қанчалик яхши ва мақсадли бўлса, бола тарбияси кўнгилдагидек бўлади, бу борада аниқ тасаввурга эга бўлмаган айрим ота-оналар учун ҳаёт мактаби бўлиб хизмат қилади.

Оилавий психологиянинг тадқиқот методлари

Оила психологиясининг асосий методларига қуйидагилар киради:

– **Кузатиш методи.** Оилавий муносабатларни кузатиш деб оилавий ва турмуш вазиятларида одамларнинг ташқи хулқ-атворини идрок этиш ва мунтазам қайд этиб боришга боғлиқ фаолиятга айтилади. Одатда тадқиқот ўтказаятган психологнинг кузатаётганлигини оила аъзолари билмасликлари, сезмасликлари керак. Кузатув натижаларини қайд этиш аниқ кўрган-кечирганларни қандай бўлса шундайлигича ёзиб бориш ёки эсда сақлаб қолиб, кейин ҳеч бир субъектив хулоса ёки таҳлилсиз дафтарига белгилаб бориш тарзида кечади.

– **Конкрет вазиятларни таҳлил қилиш методи.** Оила муҳитида ёки ҳаётий шароитларда рўй берган воқеа-ҳодисаларни қайд этиш унга комплекс ёндашувни талаб этади. Бунда ўрганаётган шахс тестлар ўтказиши, оила аъзоларининг биографик маълумотларини таҳлил этиши ёки аниқ мақсадли сўров ўтказиши мумкин.

– **Сўров методи.** Одатда психолог бир хонадонга кириб, ҳаммада бирдан сўров ўтказиш олмайди, у ким билан, қачон ва қандай мақсадда сўров ўтказиши лозимлигини аниқ билиши ва олдиндан танловни белгилаб қўйган бўлиши лозим. Одамлар танлаб олинган, сўровномага киритилган ҳар бир саволнинг ифодаланишига эътиборни қараатиш лозим. Чунки бир шахсга жуда осон ва аниқдай туюлган савол бошқа бир шахс учун қийин, ноқулай, мавҳум бўлиб туюлиши мумкин. Масалан, саволнинг мазмунини тушунишда уйда ўтирган бека билан оила аъзоси бўлган педагог аёл ўртасида фарқ бўлиши мумкин. Сўров одатда бевосита юзма-юз кўришиб ўтказилиши, телефон орқали ёки почта орқали юборилган ёзма саволнома тарзида ўтказилиши мумкин. Оила психологиясида сўровномалар тарқатиш орқали одамларнинг фикрлари, муносабатларини аниқлаш кенг тарқалган.

– **Эксперимент.** Ушбу усул ёрдамида бир омил таъсирининг бошқа бир омил ёки ҳолатнинг келиб чиқишига туртки бўлишини аниқлаш мумкин. Одатда оилавий муносабатлар динамикасини ўрганишда, у ёки бу ҳодисалар ёки омиллар ўртасидаги боғлиқликни аниқлашда эксперимент усулидан фойдаланилади. Бунда бир неча хонадон экспериментал, яъни синов ўтказиляётган гуруҳ ҳисобланса, бошқалари назорат гуруҳи

сифатида сақланади, экспериментдан сўнг, олинган натижалар иккала гуруҳ мисолида қиёсланади. Чунки бундай таққослаш ўтказилмаса, эксперимент ўтказилган гуруҳдаги ўзгаришларнинг салмоғини қайд этиш мушкул бўлади. Республика “Оила” илмий-амалий маркази олимлари 2006 йилда мамлакатимизнинг айрим ҳудудларида танлаб олинган гуруҳларда ўзига хос эксперимент ўтказишган: маҳаллада “Оила университетлари” ёки “Ота-оналар университетлари” ташкил этиб, эксперимент олдида университет тингловчиларининг қатор масалаларда оилавий установакаларини қайд этганлар, сўнгра аниқ дастур асосида 6 ой мобайнида машғулотлар, давра суҳбатлари, маърифий тадбирлардан сўнг яна ўша сўровнома орқали улар фикрлари ўрганилиб, натижалари мониторинг қилинганда, тарғибот-ташвиқот ишларининг самарадорлиги қайд этилган. Бу ҳам ўзига хос эксперимент бўлиб, муайян мақсад ва натижани кўзлайди.

– **Статистик методлар.** Математик статистиканинг қатор усуллари эмпирик изланишлар давомида қўлга киритилган маълумотларнинг қай даражада илмий жиҳатдан асосланганлигини исботлаш мақсадида қўлланилади. Айниқса, бир ходиса ёки ҳолатнинг биошқа бир ҳолат ёки ходисанинг оқибати, сабаби эканлигини исбот этиш учун статистик методларни қўллаш барча тадқиқотларнинг талабларидан биридир. Масалан, оила аъзоларининг бирор қадриятларга нисбатан муносабатларида яқинлик, ўхшашлик борлигини исботлаш учун кореляцион методлардан фойдаланилади. Масалан, *Спирмен*нинг ёки *Кэндалл*нинг корреляция коэффицентларини ҳисоблаш усуллари бундай шароитларда жуда қўл келади. Ёки олинган эмпирик рақамларнинг ишончлилиги ва математик жиҳатдан тўғрилигини исботлаш мақсадида тадқиқотчилар *Стьюдент*нинг *t* – мезонини қўллайдилар. Бундай ёндашув олимнинг меҳнати асосланган, маълумотлари ишончли эканлигини тасдиқлайди.

Оилавий муносабатларни тадқиқ этишнинг назарий-методологик асослари

Юқорида таъкидланганидек, оила ва никоҳ масалаларини ўрганиш бир томондан осон, жўнга ўхшаса, иккинчи томондан, ўта мураккаб ва нозикдир. Бу ҳолат оила психологияси бўйича ўтказиладиган тадқиқотларнинг ўзига хос методологик жиҳатларини ажратишни тақозо этади. Аввало, бу ўринда **оила ва никоҳ** тушунчаларининг ўзига илмий таъриф бериш лозим. Эски фалсафий луғатларда “Оила – бу жамиятнинг ячейкаси (кичик ижтимоий гуруҳ), эр-хотинлик ҳамда ота-оналик муносабатларини тиклаш орқали шахсий турмуш тарзини ташкил этишнинг муайян кўриниши, яъни, бир ерда умумий ҳўжалик юритадиган эр ва хотин, ота-оналар ва фарзандлар, ака-укалар ва опа-сингиллар ҳамда бошқа қариндошларнинг биргаликда яшашини ифодаловчи муҳим бўғин”³ деб таъриф берилган. Бу каби таърифлардан оиланинг 4 та муҳим тавсифи келиб чиқади:

- Оила – *жамиятнинг бўғини (кичик ижтимоий гуруҳ);*
- Оила – *шахсий яшаш тарзини ташкил этиш шакли;*
- Оила – *эр-хотинларнинг бирлашуви;*
- Оила – *эр-хотинларнинг бошқа яқин қариндош: ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари, момолар ва боболар, фарзандлар ва уларнинг фарзандлари билан кўпқиррали муносабатлар ўрнатиш имконияти.*

Тадқиқотларда энг муҳим методологик тамойил шундан иборат бўладики, оилани ўрганаётган шахс уни оддий оила аъзолари йиғиндиси сифатида эмас, балки барча оила аъзолари ўртасида мураккаб ва серқирра муносабатлар тизими мавжудлигини, улар ҳар бир аъзонинг беражак жавобларида акс этишини унутмаслик керак. Яъни, оила ва ундаги муносабатлар ҳамisha ташқи психологик таъсири комида бўлади. Унга кичик ижтимоий гуруҳ сифатида қараш эса, кичик гуруҳга хос бўлган деярли барча ижтимоий-психологик қонуниятларнинг борлиги ва улар ҳар бир оила аъзосининг мақомини белгилашини инобатга олишни тақозо этади. Аслида умуман жамият микёсида олиб қаралганда, оила, айрим олимлар (*Г.М.Андреева, А.И.Захаров, В.С.Торохтий, Н.Я.Соловьева* ва бошқалар) нинг ҳақли

³ Философский словарь / Под ред. И.Т. Фролова.-М., 1980 – С. 326

этироф этишлари бўйича, бу – бирламчи гуруҳдир.⁴ Яъни, бирламчи гуруҳга хос бўлган эмоционаллик, муносабатларда расмийлик ва норасмийликнинг уйғунлашуви, ижтимоий-психологик муҳитнинг инсоний муносабатларга боғлиқлиги ва ҳ-золар оилавий муносабатларга ҳам хосдир.

Шу боис ҳам оила йўналишида ўтказиладиган тадқиқотларда унинг ижтимоий гуруҳ сифатида ўзигагина хос бўлган сифатлари, хусусиятлари борлигини унутмаслик лозим. Булар қуйидагилар:

- *бир эмас, бир неча умумий мақсадларнинг бўлиши; яъни, агар меҳнат жамоасида аъзоларни бирлаштирувчи ягона мақсад тан олинса, оилада бундай мақсадлар бир нечта ҳам бўлиши мумкин ва улар оилавий ҳаёт мобайнида ўзгариб ҳам туради. Масалан, яхши ният билан биргаликда яшаш мақсадига кейинчалик соғлом фарзанд кўриш, ўғил бола бўлса, суннат тўйи қилиш, фарзандни мактаб таълимига тайёрлаш, тўй қилиш, уйлантириш каби қатор йирик мақсадлар ва орзу-ҳаваслар пайдо бўлаверади, оилавий ҳаётнинг мазмуни ва унинг жозибаси ҳам ана шу каби мақсадлар ва уларни амалга оширишида эр-хотин иноқлиги, ҳамфикрлиги билан белгиланади;*
- *оила аъзолари манфаатлари, қизиқишлари ва интилишлари муайян тафовутлар ва келишмовчиликларнинг табиий ҳолат эканлиги; айниқса, бу оилада катта авлод вакиллари установакалари билан уларнинг фарзандлари ўртасидаги зиддиятларда ҳам ифода этади (авлодлараро зиддият), кўп ҳолатларда бу каби тафовут ёки зиддиятлар конструктив характер ҳам касб этади;*
- *алоҳида яшайдиган оилада эр-хотин муносабатларининг бошқа муносабатларга сезиларли таъсири, масалан, фарзандларнинг тарбияланганлик даражасига;*
- *оилавий муроса ёки ҳамжиҳатликка бошқа қариндошлар, масалан, кексаларнинг таъсири;*
- *оила аъзолари ўртасида ҳамкорлик фаолияти ва унинг самраси унчалик сезилмаслиги, масалан, оилада эрнинг ўз ўрни ва машғулотлари, аёлнинг ўз ўрни ва вазифаларининг бўлиши ва ҳар доим ҳам бирга бир ишни қўшилиб кетмаслик. Оилавий хашарлар ёки бошқа тадбирлар бундан истеъсо;*
- *муомала ва ўзаро ҳурмат нормаларининг катта аҳамиятга эга эканлиги, ҳамиша бир-бирининг кўнглига қарашининг оила мутаҳкамлиги омили эканлиги;*
- *оилада ўзаро сир, яширин, хуфёна ишларнинг оилавий муносабатларга салбий таъсири.*

Юқорида таъкидланган ҳолатлар оила тадқиқотларини ўтказувчиларни соф ижтимоий гуруҳларда ўтказиладиган изланишларга қўлланиладиган тамойиллардан бироз чекинишларини талаб қилади. Яъни, оила ўзига хос инсоний муносабатлар мужассам бўлган ноёб маскандир.

Никоҳ эса эр-хотин ва бошқа яқин қариндошлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга соладиган ижтимоий институт бўлиб, Ўзбекистонда никоҳ муносабатлари 1998 йилда Олий Мажлис томонидан қабул қилинган “Оила Кодекси” билан регламентация қилинади. Бевосита никоҳ борасида тадқиқот олиб борувчилар ва ушбу соҳада ўзгаришлар қилишни ният қилганлар. Аввало, ушбу қонун ҳужжатини яхши билишлари ва унинг миллий қонунчилигимиз нормалари доирасида амал қилинишини таҳлил эта олиши зарур. Қонуний никоҳ ФХДЁ бўлимлариорқали расман қайд қилинган тақдирдагина эр ва хотин ва уларнинг фарзандлари ўртасида серкирра ўзаро муносабатлар тартибга солинган, хотиннинг ва у тукқан фарзанднинг барча ҳуқуқлари, жумладан, мол-мулк ва моддий неъматларга нисбатан муносабатларлари қонунийлаштирилган ҳисобланади. Айна шу маънода оила аъзоларининг ҳаётий мақомлари ва муносабатларини қуйидаги схемада тасаввур этиш ва таҳлил этиш мумкин:

- Ички назорат – *ташқи назорат*;
- Эгоизм – *социоцентризм (худбин ёки саҳоватлилик)*;
- Ижтимоий нормаларга бўйсунувчан – *фақат ўзини ўйлайдиган*;
- Зиддият ва қарама қаршиликларга нисбатан муросасозлик – *уларни рад этиш*;
- Ўзига ишонч – *ишончининг йўқлиги*.

⁴ Торохтий В.С. Основательно-психологического обеспечения социальной работк с семьей.-М., 2000

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, оила-никоҳ муносабатларини ўрганганда ушбу тамойилларни назарий-методологик асос сифатида қабул қилиш мумкин.

Репродуктив саломатлик

Инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичида, одамлар кундалик ҳаётининг кундан-кунга урбанизациялашиб бораётган Айни даврда, илмий техник тараққиёт ютуқларидан кенг фойдаланиб борилаётган бир пайтда, оналар хасталиклари, болалар ўлими, заиф, ногирон болаларнинг туғилиши миқдори ортиб бормоқда. Оналар ва болалар саломатлигининг ёмонлашуви каби қатор нохушликларнинг ҳам кузатилаётганлиги бевосита оила масалаларига, оналар ва болалар саломатлигига, соғлом оналардан соғлом фарзандларнинг туғилиши масалаларига алоҳида эътибор беришни тақозо этади. Ёшларни ҳали оила қуриб улгурмасданоқ оилавий ҳаётга ҳар томонлама тайёрлаш, уларга оилада фарзандларнинг дунёга келиши вазифа улар билан боғлиқ масалаларга оид билимларни ўз вақтида бериш давр талабидир.

Оилада оналарнинг фарзанд кўриши билан боғлиқ муаммоларни мақсадга мувофиқ ҳал этиш масаласи юқорида тўхталиб ўтганимиздек, фақат оилада туғилажак болалар сонини чеклаш кабиларнигина эмас, балки ўз ичига кенгроқ масалаларни қамраб олади. Бунда асосий эътибор оила фаравонлигини таъминлаш, уларда ижобий психологик иқлимнинг ҳукм суриши, оналар ва болалар саломатлигини сақлаш, оилаларнинг том маънода мустаҳкамлигини таъминлаш кабилар назарда тутилади.

Маълумки, онанинг фарзанд кўриш ёши, унинг фарзандларининг сони, болаларнинг туғилиши, орасидаги муддат ва она, бола саломатлиги ўртасида маълум бир боғлиқлик мавжуд. Албатта, 16-18 ёшларда аёл киши организми соғлом фарзанд кўриш учун ҳали тўла етилган бўлмайди. Эрта фарзанд кўриш еш она саломатлигига ҳам ундан туғилажак бола саломатлигига ҳам маълум даражада хавф туғдириши мумкин.

Контрацептив воситалар

Кутилмаган ҳомиладорликдан сақланишда фойдаланиладиган воситалар **контратсептив** воситалар дейилади. Уларнинг анъанавий ва замонавий усуллари фарқланади. Ҳозирги вақтда турли оммавий

Ахборот воситалари, кенг оммага мўлжалланган кўплаб илмий-оммабоп, илмий-услубий қўлланмалар, рисоаларда, тиббий адабиётларда контрацептив воситалар ҳақида мунтазам материаллар бериб бормоқдалар. Кутилмаган ҳомиладорликдан сақланишнинг анъанавий усулларига ҳайз циклини назорат қилиш, лактация (бола эмизиш) кабилар киради. Оилавий ҳаётда контрацептив воситалардан фойдаланиш яъни оилада нечта фарзанд бўлиши ва улар қачон дунёга келиши каби муаммо эркак кишилар ҳаёлида муҳим ўрин эгалламасада, уларнинг бу масалага муносабати Ўзбекистондаги маҳаллий халқлар ва авваломбор ўзбек оиоласида муҳим роль ўйнайди ва бу масалалар долзарб ҳисобланади. Ўзбек оиласида эркак мавқеи аёл мавқеига нисбатан юқори бўлгани сабабли, кўп ҳолларда оиладаги фарзандлар сонини эркак киши белгилайди. Эркакларнинг кўпчилиги қисми оилани режалаштириш вазифасини хотинлар зиммасидаги иш деб белгилайди. Эркакларнинг бу масалаларда билимсизлиги, аёлларнинг туғиш вақтидаги ўлим ҳолларига сабаб бўлмоқда. Тадқиқотларнинг тасдиқлашича, оналар ўлими хавфи 15-19 ёшли аёлларда 20-35 ёшда туғайтган аёлларга нисбатан 4-5 баробар ортиқ бўлади

12 – мавзу: Ижтимоий ва оила психологиясининг тадбиҳий соҳалари.

Ёш оилаларнинг ижтимоий ва психологик муаммолари

Ёш оила: муносабатлар модели ва хусусиятлари

Ёш оила деб, аввало, эр ва хотиннинг иккаласи ҳам 30 ёшдан ошмаган ёки оилавий турмуш қуриш тажрибаси 10 йилдан ошмаган ёшлар оиласи назарда тутилади. Биринчи ёндашув, яъни, эр ва хотиннинг паспорт ёшини инобатга олиб, оилага мақом бериш тўғрироқ бўлиб, қачон турмуш қурганлигидан қатъий назар, албатта, шу муддат орасида ҳали йигит ҳам қиз ҳам том маънода катта меҳнат стажига эга бўлмайди, ва кўп ҳолларда аёл-она айнан

шу даврда фарзандли бўлиб, уй бекаси бўлиб ўтириб қолиши эҳтимоли катта. Агар иккинчи ёндашув бўйича ёш оилани оилада яшаш муддатига кўра табақалаштирилса, унда у ёки бу жамиятда никоҳ ёшининг ўртача кўрсаткичи ортиб ёки камайиб боришини назарда тутиш лозим. Чунки айрим давлатда ва айрим миллий-маданий муҳитда ёшларни жуда эрта турмуш қуриши рағбатлантирилса, бошқаларида, айниқса, охириги йилларда аксинча, йигит ва қизларнинг касб-хунар орттириш бўйича профессионал малакага эришиш асосий қадрият ҳисобланган шароитларда 30 ёшдан ошган одам энди оила қурган ёки хали ҳам турмуш қурмаган бўлиши ҳам мумкин. Маълумотларга қараганда, Америка Қўшма Штатлари, Германия каби ривожланган Европа ва Америка давлатларида, Шарқий Осиёнинг ривожланган мамлакатларида (Япония, Корея каби) никоҳ ёши йил сайин ортиб, айрим мамлакатларда бу рақам 30 ёшдан ҳам ўтиб кетмоқда. Жуда эрта турмуш қриш қанчалик оила ва унинг барқарорлиги билан ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлар билан боғлиқ бўлса, кеч турмуш қуриш ҳам қатор салбий асоратлар ва моддий-маънавий қийинчиликлар билан, энг муҳим эр ва хотиннинг саломатлиги ҳолати, туғилажак зурриёднинг соғлом туғилиши билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқаради.

Умуман, фанда ёш оилани тавсифлаганда қуйидаги мезонлар инобатга олинади:

- *жууда ёш оила* – никоҳга кирган вақтдан токи 4 йилгача;
- *ёш оила* – 5 йилдан 9 йилгача;
- *ўрта оилавий ҳаёт муддати* – 10 йилдан 19 йилгача;
- *катта оилавий ҳаёт муддати* – 20 йил ва ундан ортиқ муддат турмуш кечирганлар оиласи.

Кўплаб олимларнинг таъкидлашларича, ёш оиланинг мустақамланиб, оёққа туриб кетиши, турли маиший муаммоларни ўзи мустақил хал қилиши учун зарур бўлган муддат аслида турмуш қурган икки шахснинг бир-бирига бўлган самимий муносабатига, оила ва унинг атрофидаги турли қадриятларга нисбатан уйғун қарашларига, ота-она оиласида ибрат сифатида кўрган-кечирганларини учун ўз оиласида қўллай билиш маҳоратига бевосита боғлиқдир. Лекин барибир ҳар бир оила айнан ёшлик даврида муайян қийинчиликларни бошдан кечирадики, бу муаммолар қуйидаги ҳолатларга боғлиқ тарзда намоён бўлади:

- *оилавий ҳаётни бир маромда кечишини таъминлаш, ишлаш, ўқиш ёки бошқа масалаларни хал қилиш учун вақтнинг етишмаслиги;*
- *вақтни яхши ўтказиш, кўнгилхушликларнинг чекланганлиги;*
- *янги шароитда эркакнинг ҳам аёлнинг жисмонан толиқиши, асабларнинг чарчаши;*
- *иқтисодий қийинчиликлар.*

Охириги ҳолат бир томондан, айти пайтда ёшлардаги орзу-ҳаваснинг қўпайиб кетиши билан изоҳланса, бошқа томондан, ота-оналарнинг орзу-ҳавасларию, борди-келди билан боғлиқ сарф-харажатларнинг ортиб бориши билан чамбарчас боғлиқдир. Ўзбекистонда кундан-кунга ҳаёт ва яшаш шароитимиз яхшиланиб, оила фаровонлиги учун етарли шарт-шароитларнинг бўлишига қарамай, ташқаридан барча маиший муаммолари хал бўлган ёш оилада ҳам нималардир етишмаётгандай туюлаверади. Бу – ўша орзу-ҳаваслар, ижтимоий эҳтиёжларнинг тобора ортиб бораётганлиги билан изоҳланади. Шу боис ҳам юртимизда ёш оила манфаатларини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бунинг ёрқин исботи 2007 йилнинг “Ижтимоий ҳимоя йили” деб эълон қилинганлиги, ушбу йилда қабул қилинган давлат дастурида ёш оила манфаатини ҳимоя қилиш алоҳида бандда акс этганлиги ва ниҳоят, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 май куни имзолаган “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида. Фармоннинг ижтимоий ҳамда тарихий аҳамияти шундаки, унда ёш оила мустақам ва унда тарбияланаётган фарзандларнинг соғ-саломат уйлағишларига оид барча энг муҳим вазифалар белгилаб берилган. Хусусан, кўп бўғинли ва кўп фарзандли оилалар сони нисбатан кўп бўлган бизнинг шароитимизда Президент Фармони бўйича ёш оилаларнинг маиший турмуш шароитини яхшилаш, кам таъминланган оила фарзандларининг никоҳдан ўтиши ва тўй маросимларини ўтказишда қўшимча моддий ёрдам кўрсатиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишни хоҳлаганлар учун, уй-жой қурилиши, таъмирлаш ва сотиб олиш учун, уй хўжалигини йўлга қўйиш, мебель ва бошқа узоқ муддат фойдаланиладиган ҳаётий зарур товарлар учун ипотека, истеъмол кредитларининг имтиёзли тарзда берилиши каби тадбирлар

оила мустаҳкам ва бахтли ҳаёт кечиришини кафолатловчи муўим масалалардир. Охири статистик маълумотларга қараганда, Ўзбекистонда йилига ўртача 175-180 мингдан ортиқ никоҳлар қайд этилади. Умумий оилалар миқдорига нисбатан қаралганда ёш оилалар салкам 40 фоизни ташкил этади. Демак, оила сонининг кўплиги улар орасида моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга муҳтожлари ҳам бўлиши табиий эканлигини кўратсади ва ҳукуматимиз ва шахсан Президентимизнинг бу борадаги сиёсати айнан ёш оиланинг манфаатларини ҳимоя қилиш йўлидаги сайёҳ-ҳаракатлардан биридир.

Албатта, ёш оила борасидаги энг муҳим масалалардан бири – ёшларнинг ўзаро муносабатлари ва уларнинг янгича муносабатлар тизимига кўникиши масаласидир. Чунки романтик севги, бир-бирини ёқтириш босқичидан ўтган ёшларнинг энди янги оилавий ҳаёт тамойиллари асосида кундалик ҳаётни бошдан кечиришига муайян қийинчиликлар бўлиши табиий. Йигит-ку ўз уйида, ота-онаси яратиб берган шароитда яшайди. Мослашув жараёнидаги қийинчиликларнинг энг оғири келинчакнинг бўйнига тушади. У бошдан кечирадиган муаммолардан бири эса – янги оила аъзолари билан муомала маромларини тўғри ўрнатишдир. Тўғри, тўйдан кейин туркона, ўзбекоана урқ-одатга кўра қизнинг онаси ва унинг яқин қариндошлари келинчакни “йўқлайди”, яъни, пишир-қуйдир қилиб, қиз ўз хонадонидан сўйган таомини пишириб, янги келин тушган хонадонда дастурхон юборилади. Албатта, бу каби азалий урф-одатни асосида ётган муҳим сабаблар бўлиб, биринчиси, янги муҳитга тушиб қолган қиз бу ердаги иссиқ-совуққа тез кўникиб кетолмаслиги, таом танаввул қилишда кескин ўзгариш бўлмаслиги учун то кўниккунча, бир неча кун ўз хонадонидан овқат юбориш ва шу орқали уни “юпатиш” бўлса, иккинчи маъноси – ота-она қизини унутмаганлиги, хануз унга меҳрли муносабатда эканликларини изҳор қилишдир. Бу каби муносабатларнинг сақланиши қисман бизнинг ҳозирги шароитимизда ҳам ўзини оқлайди, лекин йўқлов баҳонасида тоғораларда овқат-озикнинг ҳадеб қуёв уйига жўнатилиши, ортиқча дабдабаларга йўл қўйилишида умуман мантиқ йўқ. Чунки ҳозир кўпчилик оналар оила юмушидан ташқари давлат ва жамоат муассасаларида хизмат қиладилар. Улар учун бундай ташвишлар ортиқча, иккинчидан, қизлар илгаригидай жуда эрта турмуш қурмайдиган ва ўқиш, иш баҳонасида турли таомларни ейишга ёшлиқдан ўрганган шароитда уларнинг ошқозонлари янги хонадонда ҳам бирдай ишлайверади. Яъни, ёш оиланинг мустаҳкам бўлишига раҳна солувчи омиллардан бири ҳисобланмиш ортиқча оворагарчиликлар, дабдабали тушликларнинг иккинчи хонадонга юборилиши бугунги тараққиёт босқичида биров эриш туюлиши табиий.

Ўтказилган тадқиқотлардан яна шу нарса маълум бўлмоқдаки, ёш оиланинг тинчлик-тотувчиликда яшашига ҳалақит бераётган сабаблардан бири – қайноналар билан янги келинчакнинг тез киришиб, тил топишиб кета олмаётганлиги. Бу ҳам оилавий муносабатлар борасидаги муаммолардир. Чунки айниқса, шаҳар шароитида битта ёки иккитагина ўғил ўстирган она кўпинча янгича муносабатлар тизимига ўзи кўника олмайди ва келинчакни ҳам тезроқ кўникиб кетишига ёрдам бериш чораларини билмайди. Яъни, қайнона билан келин ўртасида ўзига хос рашкка ўхшаш муносабатлар пайдо бўладики, бу ҳолат қайнонанинг келинга нисбатан адолатли, бағрикенг инсон сифатида иш тутишига ҳалақит беради. Тошкент шаҳрида содир бўлаётган никоҳ ажримларининг сабаблари орасида айнан қайнона билан келин ўртасидаги низоларнинг қайд этилиши юқоридаги фикрларнинг далилидир. Шунинг учун бундай ҳолатларнинг олдини олишнинг йўлларида биринчиси – бу ёшларни (йигит ва қизларни) оилавий муносабатларга психологик жиҳатдан тайёрлаш бўлса, иккинчи йўли – жамоатчиликни кенг жалб қилган ҳолда маҳаллаларда “Оила сабоқлари”, “Ота-оналар университети” каби маърифий институтларни жорий этиш орқали ота-оналарни ҳам келин ва қуёв билан муносабатга, мулоқотга ўргатишдир. Бунда ОАВ ва оммабоп нашр этилган рисоаларнинг ҳам аҳамияти катта.

Ёш оила ва соғлом турмуш тарзини барқарорлаштириш

Ёш оиланинг мустаҳкамлиги, ундаги маънавий муҳитнинг барқарорлиги ёшларнинг саломатлигига, соғлом турмуш тарзи малакаларига эга эканлигига ҳам боғлиқ. Бунда ота-онанинг, яқин қариндош-уруғларнинг умуман соғлом турмуш тарзи ҳақидаги тасаввурлари

қанчалик аниқ ва уларнинг кундалик турмушда саломатликни асраш кўрикмаларига эга эканликлари катта аҳамият касб этади.

Гап энг катта бойлигимиз – саломатлик ҳақида борар экан, қулоғимизга тез-тез чалинаётган “соғлом турмуш тарзи” тушунчасининг ўзи хусусида олимлар фикрларини таҳлил этиш лозим. Олимлар ҳамда мутахассисларнинг таъкидлашларича, соғлом турмуш тарзининг бешта асосий шарти бўлиб, булар энг аввало тўғри овқатланиш, жисмоний фаоллик, зарарли одатлардан сақланиш, меҳнат қилиш ва фаол дам олишни тўғри ташкиллаштириш ҳамда гигиеник кўникмаларга амал қилишдир.

Мана шу шартларга риоя қилган кишининг саломатлиги шубҳасиз ўз кўлида бўлади. Лекин кўпинча бу шартларга амал қилиш ёшларга кўпинча эриш туюлади. Ҳозирги кунда кўпчилик ўртасида учраётган касалликлар ва бевақт ўлимнинг асосий сабабларидан бири оила аъзоларининг соғлом бўлиш учун ўзлари ҳаракат қилмаётганликлари, ҳали ҳам бирон бир мўъжизавий ҳаёт бахш этувчи дори ёки шифокор бўлишига ишониб, яшаётганликларидир. Албатта, замонавий тиббиёт фани Ўзбекистонда ҳам ривожланиш кетди, тиббиёт ходимлари орасида ўз касбининг устаси бўлган олийжаноб инсонлар ҳам кўп. Лекин агар инсон ўз турмуш тарзини онгли ташкил этиб, касал бўлиб қолганда ҳам унга қарши ўша шифокор билан тенгма-тенг онгли равишда турмаса, дардни енгиш мушукул бўлишини бугун кўпчилик яхши билади.

Лекин ёшлар ўртасида шу оддий ҳақиқатни билмаганлар ҳам кўп. Саломатликни ўз вақтида ўз уйимиз, ўзимиз ўрганиб қолган муҳитда сақлай олмаганлигимизнинг, фарзандларимизни илк ёшлигидан соғлом турмуш тарзи кўникмаларига ўргатмаганлигимизнинг сабаблари ҳам бор. Бунинг объектив сабабларидан бири собиқ совет даврида тиббий хизматнинг бепуллиги, тиббиёт ходимлари малакасига нисбатан талабчанликнинг паст бўлганлигидир. Бу сиёсат эски тузумнинг бошланғич даврларида аҳоли ўртасида учраган кўпгина касалликларни камайтиришга хизмат қилган бўлса-да, шу билан бирга, бундай сиёсат кишиларда ўз соғлиқларига бефарқлик, боқимандалик кайфиятини ҳам шакллантирди. Яна битта сабабларидан бири касалликни сабаби билан эмас, унинг оқибати билан курашиб келинди. Натижада касалхоналар қуриш, уларда койкалар сони оширишга кўпроқ эътибор берилиб, тарғибот соҳасига иккинчи даражали сифатида қаралди. Оқибатда аҳоли орасида тиббий маданиятнинг пастлиги туфайли касалланишнинг кўпайиб бориши давом этди. Бу ўз – ўзидан маълумки, ҳар бир оиланинг бюджетига салбий таъсир кўрсатди. Оқибатда бу нафақат бюджетга, балки оиланинг мустаҳкамлигига ҳам салбий таъсир кўрсатди ва ҳозир ҳам шундай.

Шуни алоҳида масъулият билан таъкидлаш жоизки, давлатимиз асосини ташкил этган ёш оилалар равнақи келажагимиз пойдеворини соғломлаштириш учун тарғиботни энг аввалло оиладан, қолаверса, барчамиз учун “ватан ичра ватан бўлган” маҳалладан бошлаш керак. Чунки, соғлом турмуш тарзини оилада тўғри йўлга қўйсақ, шу оила азоси саломатлик энг биринчи даражали эканлигини тушуниб етади. Бир оила тушуниб етган нарсани шу оиланинг бошқа яқинлари – қариндош-уруғлар, кейинчалик ёру-биродарлар, ниҳоят кўни-қўшнилари тушуниб етади.

Олимларнинг фикрича, инсон саломатлигининг 51,6% соғлом турмуш тарзига, 20,5 % ирсиятга, 19,3 % ташқи экологик муҳитга, 8,6% соғлиқни сақлаш тизимига боғлиқ экан. Кўриниб турибдики, саломатлик ҳар бир инсоннинг қандай ҳаёт кечириши, нима ейиши, кимлар билан муомала қилиши, ўзи учун муносиб, қулай ҳаёт тарзини ишда ҳам, дам олишда ҳам ташкил эта олишига бевосита алоқадор экан.

Саломатлик – бу нафақат соғ-саломат юриш дегани, балки узоқ умр кўриш гарови ҳамдир. Туғилиш, ўсиб улғайиш, вояга етиб шахсий ва умуминсоний манфаатлар йўлида фаолият кўрсатиш, қариш-қартайиш ва ўлим – булар инсон ҳаёт йўлининг қонуний бекатларидир. Бу ҳаёт учун кураш – саломатлик учун кураш эканлигини англашни тақозо этади.

Демак, *соғлом турмуш тарзи бу* – ҳар бир инсоннинг маънавий, аклий, руҳий ва жисмоний хусусиятларга эга бўлишга ҳаракат қилишидир. Агар инсон ўз ҳаётини фаол ҳаракатланиш режимига сола олса, кун тартибини онгли белгилай олса, овқатланиш, меҳнат қилиш ёки дам олиш тартибларини тўғри ташкил эта олса, гигиена қоидаларига риоя қилган

ҳолда зарарли одатлардан ўзини тия билса, атроф-муҳитга эҳтиётлик ва саришталик билан қараб, оилада ва ёнидаги қўни-қўшни, яқин қариндошлар билан тинч-тотув яшашга имкон берувчи муомала маданиятига эга бўлса ва соғлом фарзанднинг туғилишига энг аввало ўзи масъул эканлигини тушунса, унда соғлом турмуш тарзи ҳақида тасаввурлар мавжуд, дейиш мумкин.

Бугунги кунда бутун дунёда саломатлик ва соғлом турмуш тарзига катта эътибор берилмоқда. Масалан, америкалик олимлар бу нарсага панжа ортида қараш нимага олиб келади, деган саволга кўпроқ уларни агрессив хулқ-атвор билан боғламоқдалар. Яъни, одам урушқоқ, салга тажанг бўладиган, сабрсиз бўлиб қолади. Бу нарса охир оқибат гиёҳвандикка берилиш, ичкиликка ружу қўйиш, оилада эр-хотин ўртасида носоғлом муносабатларнинг келиб чиқиши, аёлга нисбатан зуғумнинг ортиши, спортга нисбатан бефарқлик, шахслараро зиддиятларни келтириб чиқаради.

Республика “Оила” илмий-амалий маркази олимлари 2000 йилларнинг бошида Ўзбекистон ҳудудидаги кишлоқ оилалари аъзоларининг соғлом турмуш тарзи борасидаги саводхонлигини махсус тадқиқот доирасида ўрганди. Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидаги 600 дан зиёд хотин-қизлар билан суҳбат ва сўровлар ўтказилди. Сўралувчиларнинг аксарияти туғиш ёшидаги аёллар бўлиб, уларнинг фикрларини умумлаштириб таҳлил қилинганда, оилали аёлларнинг 21%и ва эркакларнинг 9,9% сурункали касалликларга чалинган экан. Сўралувчилардан 53,3%и фақат касал бўлгандагина врачга мурожаат қилади, қолганлари вақти-вақти билан мурожаат қилувчилардир. Демак, кўпчилик бетоб бўлиб қолганлагина врачга мурожаат қилади, ҳаттоки, касал ўтиб кетгандан кейин вақт топадиганлар ҳам кам эмас. Демак, соғлом турмуш тарзига алоқадор тиббий маданиятимиз борасида ўйлашга арзийдиган муаммо бор.

Шу боис ҳам, соғлом турмуш тарзи категорияси кўпроқ ижтимоий категория бўлгани Марказ олимлари сўралувчиларнинг тиббий-гигиеник маълумоти даражасини ўрганидилар. Масалан, “Ўз фарзандларингиз билан тиббий-гигиеник мавзуда суҳбатлашиб турасизми?” деган саволга барча сўрловчиларнинг 62,6% ижобий жавоб берган бўлсалар, умуман гаплашмайдиганлар 19,8%ни ташкил этди. Бу ўйлантирадиган ҳолат, албатта. Лекин тиббий билимнинг заруратини англайдиганлар кишлоқ аҳолиси ўртасида ортиб бормоқда. Масалан, сўраганларимизнинг 82% “Ҳар бир киши тиббий билимга эга бўлиши керак” деб ҳисоблайди. Шуниси эътиборга молики, ўрганилган гуруҳдагиларнинг 87,7 фоизиди биринчи фарзандлари қолган кейингиларига нисбатан кўпроқ хасталанган. Демак, ёш она боласини парвариш этиш малакасига, тажрибасига эга бўлмаганидан тез-тез касал қилиб қўяди. Айнан ўшалар тиббий саводхонликка муҳтождир.

Албатта, соғлом турмуш тарзи тушунчаси ҳар инсонда ўзига хос тарзда шаклланади экан. Респондентларга “Соғлом турмуш тарзини қандай тушунасиз?” деб савол билан мурожаат қилинганда, кўпчилик, яъни сўралганларнинг салкам 41%и уни “атроф-муҳит тозаллиги” билан, 37,3% и “тўғри, рацион бўйича овқатланиш” билан, қолганлар – “ўз вақтида ухлаш”, “спорт билан шуғулланиш” (28,4%), “чекмаслик, ичмаслик” кабилар билан боғлашди.

Албатта, бу каби соғлом турмуш тарзи билан боғлиқ тасаввурлар шаклланади, керак бўлса, тарбияланади. Соғлом турмуш тарзи ҳақидаги тушунчаларни қаердан олиш мумкинлигини ўрганилганда, табиий, ОАВнинг ўрни ва роли катта эканлиги маълум бўлди. Айниқса, хотин-қизларнинг фикрича, телевидениенинг роли катта (72,6%), газеталар – иккинчи ўринда – 57,5%, журналлар – 46,3% ва радио – 31,2%. Демак, бу манбалардаги ахборот ва маълумотларнинг халқбоп, оммабоп бўлишига алоҳида эътибор бериш, маҳалла гузарларда радио эшиттиришлари ва даврий газета, журналларнинг вақтида берилишига алоҳида эътибор бериш лозим. Демак, соғлом турмуш тарзи тўғрисида ҳар бир ёш авлодда шаклланадиган билимлар, тасаввурлар ва уларнинг амалий турмуш таркибида онгли хатти-ҳаракатга айланиши кўплаб ижтимоий муаммоларни ечишга имкон беради. Шунинг учун ҳам бугун халқ ўртасида амалга ошириладиган тарғибот ва ташвиқот ишларининг самарадорлигини ошириш, буни мафкуравий ва маънавий ишларнинг таркибий қисмига айлантириш лозим.

Мустақил юртимизда кенг қулоч ёзаётган болалар спортини ривожлантириш, оилавий

спортни миллий менталитетимиз хусусиятларига мос тарзда ҳаётга жорий этиш, мустаҳкам оилада соғлом турмуш тарзини барқарорлаштиришга қаратилган барча саъй-ҳаракатларимиз ислохотларимиз стратегиясига мос бўлиб, юртимизда тинчлик, тотувлик ҳамда ривожланишга, ёш оилаларнинг мустаҳкамлигига хисса бўлади. Бунда мамлакатимизда амалга оширилаётган қатор ҳайрли тадбирлар, жумладан никоҳолди тиббий кўриқдан келин ва куёвларни ўтказиш амалиёти ўзининг жуда катта ижобий самарасини бериши табиий.

Ёшларни никоҳолди тиббий кўриқдан ўтказиш ва никоҳнинг мустаҳкамлиги

Оила Кодексининг 17-моддасида ёш келин-куёвлар никоҳгача ихтиёрий тарзда тиббий кўриқдан ўтишлари мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидланган. Бу модда киритилишининг моҳияти шундаки, имонли, инсофли ва яхши ниятли инсон учун оила қуриш, унинг мустаҳкам пойдеворда бўлишига қайғуриш қанчалик муҳим ва мажбурий бўлса, ёки ота-она бўлиш масъулияти кучли бўлса, ўзидан соғлом зурриёт қолдириш, уни соғ-саломат катта қилиб вояга етказиш, тўғри тарбия бериш шунчалик масъулиятли ва мажбурий ишдир. Шунинг учун ҳам ҳар бир йигит ва қиз, ёки уларнинг ота-оналари янги оила қуриш ишини савоб ва масъулиятли деб англасалар, никоҳга кирувчиларнинг пушти ва насли нуқтаи назаридан соғ-саломатлигига ишонч ҳосил қилиш шунчалик зурурдир. Тиббий кўриқдан ўтган ҳар икки ёш энг аввало ўз виждони олдида тоза бўлиши масаланинг бир томони бўлса, ҳали оилани қурмай туриб, унинг саломатлиги ҳақида қайғураётганлиги улардаги ана шу никоҳдай муқаддас нарсага бўлган жиддий ва масъулиятли муносабатининг намоён бўлишидир. Айниқса, бугунги бозор муносабатлари шароитида оила ҳар бир аъзосининг соғлом бўлиши, янги туғилган фарзанднинг соғ ва саломат катта бўлиши қанчалик муҳим иқтисодий ҳамда маънавий масала эканлигини бугун ҳамма тушуниб қолди.

Жамиятда соғлом оилалар сонини ошириш мақсадида қабул қилинган қарорлардан бири бу – “Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисида”ги Низомдир. Бу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августда қабул қилган 365 сонли қарори билан тасдиқланган. Ушбу Низомга кўра, барча барча фуқаролар никоҳдан олдин тиббий кўриқдан ўтишлари зарур. Бунда бўлажак келин-куёвлар бешга асосий хасталик – сил, тери-таносил, гиёҳвандлик, ОИТС, рухий касалликлар бўйича текширилади. Сабаби, бу бешга касаллик бевосита наслга таъсир қилади.

Кузатишлар ва амалиёт шуни тасдиқламоқдаки, никоҳолди тиббий кўриқдан онгли равишда ўтиш, саломатликни асрашнинг айнан ўзимизга, оиламизга боғлиқ жиҳатларини билиш, болалар спорти, оилавий, оммавий спортни ривожлантириш, оилада соғлом яшаш тарзи кўникмаларини шакллантириш миллатни жисплаштирувчи, наслини покловчи, давлатни кучли қилувчи омил сифатида баҳоланмоқда. Ўтказилган тадқиқотлар юртдошларимизда “саломатлик” кадриятига муносабатлари ижобий томонга ўзгараётганлигини исботламоқда. Хусусан, Республика “Оила” илмий-амалий ҳамда жамоатчилик фикрини ўрганиш “Ижтимоий фикр” Марказларининг тадқиқот натижаларига эътибор берадиган бўлсак, агар 2003 йилда аҳолининг фақат 42,7 фоизигина никоҳолди тиббий кўриқдан ўтишга онгли муносабатни ифода этган бўлса, 2005 йилда бундай ижобий кўрсаткич 84,4 фоизни ташкил этди. Охириги йилларда бу борада янада сезиларли ижобий ўзгаришларнинг сабаби ҳам энг аввало ёш онанинг, келинчакнинг саломатлигини муҳофаза қилиш истаги етакчи омил бўлаётганлигидир.

Олимларнинг кузатишлари ва тадқиқотлар юртдошларимизда, айниқса, ёш келин-куёвларда хасталикларни олдини олиш ёки бемор бўлиб қолганда дори-дармонларни истеъмол қилишга муносабати кескин ўзгариб бораётганлигини кўрсатмоқда. Юртдошларимиз бунда энг аввало профилактик тиббиёт, яъни хасталикни олдини олиш учун соғлом турмуш тарзи қонун-қоидаларига риоя этиш, бунда соғлом фикр ва рухий қувватдан фойдаланиш, бўлган-бўлмаган дориларни истеъмол қилавермаслик кўникмаларини эгаллаб бораётганлиги тасдиқлади. Бу ҳам маълум маънода мамлакатимизда “Соғлом она – соғлом бола” ижтимоий ҳаракатининг, самарали тарғибот-ташвиқот ишларининг натижасидир. Қишлоқ ҳудудларида аҳолининг тоза ичимлик суви, зарур санитария-гигиена шарт-шароитларини яратиш, хусусан, ота-боболаримиздан қолган ҳар бир маҳаллада шарқона

ювиниш масканлари бўлмиш ҳаммомлар қурилишига эътиборнинг ортаётганлиги ҳам юртдошларимиз психологиясининг муҳим ўзгаришларидандир.

Охирги йилларда оммавий спортга, оилавий ҳамда болалар, аёллар спортига эътибор янада кучайди. “Баркамол авлод” спорт ўйинлари, “Универсиада”, “Умид ниҳоллари” мусобақалари, Республика аёллар спартакиадаси, бадий гимнастика бўйича халқаро беллашувлар ва бошқалар ўз кўлами ва халқчиллиги билан халқ эътирофини қозонди. Ушбу саъйи ҳаракатлар давлатимизнинг бу борадаги стратегик режаларни муваффақиятли амалга оширишда халқ билан ҳамжиҳат эканлигини исботламоқда. Юртимиз аёллари ва болалар спорт билан фақат ўзининг жисмоний қувватини тиклаш ва бўш вақтини мароқли ўтказиш учун эмас, балки у орқали соғлом турмуш тарзи кенг тарғибот қилиш, маънавий ва жисмоний камолга интилиш, турли салбий таъсирлар ва зарарли одатлардан ҳалос бўлиш, кучли характерни шакллантириш учун шуғулланаётганликлари ҳар қандай таҳсинга лойиқдир.

Буларнинг барчаси стратегик мақсадимиз – миллий генофондни яхшилаш, баркамол ва соғлом авлод тарбияси борасида амалга ошираётган ишларни янада такомиллаштириш орқали ёш оилаларнинг барқарорлигига эришишдан иборатдир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А «Ўзбекистон буюк келажак сари»-Тошкент, «Ўзбекистон»-1998 й.
2. Каримов И.А Баркалюл авлод орзуси. Тошкент, «Шарк»,1999 й.
3. Каримов И.А Ўзбекистон XXI асрга интилоқда, Тошкент; «Ўзбекистон»-1999 й.
4. «Оила кодексига шарҳлар», Тошкент, «Адолат»-2000 йил.
5. Оилани ўрганиш психодиагностикаси методикалари. (тузувчилар: Н.А.Соғинов, Ф.Х,абибуллаев-Тошкент-1996).
6. Сунани Термизий (Ҳадис тўплами) 1-жилд. Тошкент; «Адолат» 1999 й.
7. Ходаков Н.М «Ёш келин куёвларга» 3-нашр. Тошкент-1990й.
8. Имом Ал-Бухорий. Ҳадислар . Тошкент;-1998 йил
9. Андреева Г.М. Социальная психология. М, 1999 г
10. Воҳидов М.В. Социаль психология ва унинг асосий муаммолари. Т, 1981 г
11. Каримова В.М. Ижтимоий психология. Фарғона, 1993 й
12. Кузьмин Е.С. Основы Социальной-психологической теории. М. 1971 й
13. Петровский А.В. Социальная психология. М, 1987г
14. Шибутани Т.Социальная психология. М., 1994
15. Ғозиев. Муомала психологияси. ЎЗМУ. 2001

